

**А.А.Турғунов**

## **КАСБ-ХУНАРГА ЙҰНАЛТИРИШ**



**ҮҚУВ ҚҰЛЛАНМА**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ**  
**БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ ҚАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ**  
**ВА УЛАРНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**АБДУРАШИД АБДУМАННОБОВИЧ ТУРГУНОВ**

**КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ**  
**(Ўқувчиларни касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш)**

*Ўқув қўлланма*

**(5112100 - Мехнат таълими)**

**Тошкент - 2019**

## **АННОТАЦИЯ**

Ўқув қўлланмада узлуксиз таълим тизимида касбга йўналтиришинг мазмун моҳияти, мактабгача таълим муассасаларида касбга йўналтириши, мактаб ўқувчиларини касбга йўналтириши, илгор хорижий мамлакатларда касбга йўналтириши тажрибаси, мактаб ўқувчиларини касбни мустақил танлашга тайёрлашининг назарий-методологик ёндашувлари ва юқори синф ўқувчиларини касбни мустақил танлашга тайёрлаш технологияларидан фойдаланиши бўйича ўқитувчиларга услубий тавсиялар тақдим этилган.

Фикримизча - “ўқувчиларни касбни мустақил танлашга тайёрлашда энг аввало уларнинг шахсий сифатларини (қизиқишлари, мойиллиги, қобилияtlари ва х.к.) аниқлаб олии зарур, сўнг касблар олами билан таништириши ва ундан кейингина касбни мустақил танлашга йўналтириши лозим”.

Ушбу ўқув қўлланмадан педагогика йўналишида фаолият олиб бораётган илмий тадқиқотчилар ва мутахассислар, мактаб ўқитувчилари, психологлар ва ўқувчиларни касбга йўналтирувчи маслаҳатчилар (консультантлар), тўгарак раҳбарлари ва педагогика олий ўқув юртларининг “мехнат таълими” йўналиши талабалари ва магистрлар ўқувчиларни касбга йўналтириши ва уларни касбни мустақил танлашга тайёрлашда фойдаланишлари мумкин.

Мазкур ўқув қўлланмадан умумтаълим мактабларида мактаб ўқувчиларини касбни мустақил танлашга тайёргарлигини ошириши ва уларнинг касб танлашга оид тафаккурини ривожлантиришига йўналтирилган технологияларидан фойдаланган ҳолда машғулотларни ташкил этишида фойдаланиши бўйича тавсиялар берилган.

**Тақризчилар:** КХТИРПКМО ва УҚТ институти профессори

п.ф.д. Ш.Э.Курбонов

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва  
психологик-педагогик республика ташхис  
маркази директори биринчи ўринbosари  
К.Н.Жўрабоев

Ўқув қўлланма Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг илмий-педагогик Кенгаши томонидан 2019 йил 31 январдаги 1-сонли баённомасига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

@professiogramma (“Telegram”дан) профессиограмма ва ушбу ўқув қўлланмани юклаб олии мумкин

## **МУНДАРИЖА**

|  |          |
|--|----------|
| <b>Кириш.....</b>  | <b>4</b> |
| <b>I БОБ. КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ<br/>ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ВА ИЖТИМОЙ АСОСЛАРИ</b>   |          |
| 1.1. Касб тушунчасининг моҳияти.....   | 6        |
| 1.2. Касбларни тизимлаштириш ва касб типологияси.....  | 9        |
| 1.3. Профессиографиянинг моҳияти.....  | 12       |
| 1.4. Касб-хунарга йўналтиришнинг мақсади, вазифалари ва асосий тамойиллари.....  | 15       |
| 1.5. Илғор хорижий мамлакатларда касбга йўналтириш тажрибаси.....  | 19       |
| <b>II БОБ. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАСБГА<br/>ЙЎНАЛТИРИШНИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ</b>   |          |
| 2.1. Узлуксиз таълим жараёнида касбга йўналтириш босқичлари.....   | 35       |
| 2.2. Мактабгача таълим муассасаларида касб-хунарга йўналтириш.....   | 38       |
| 2.3. Мактаб ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш.....  | 43       |
| 2.4. Касб-хунарга йўналтиришда касбий мотив ва мотивацияни шакллантириш.....   | 49       |
| <b>III БОБ. МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБ-ХУНАРНИ<br/>МУСТАҚИЛ ТАНЛАШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-<br/>МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАРИ</b>                           |          |
| 3.1. Шарқ мутафаккирларини ёшларнинг касб-хунар эгаллашларига оид қарашлари ҳамда мактаб ўқувчиларини касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш..... | 52       |
| 3.2. Мактабнинг юқори синф ўқувчиларини касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлашда меҳнат таълимини аҳамияти.....                                   | 63       |
| 3.3. Касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш модели.....   | 76       |
| 3.4. Мактабнинг юқори синф ўқувчиларини касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш технологияси.....  | 87       |
| 3.5. Касб-хунарни мустақил танлаш кўникмаларини “Касбни мустақил танлаш” махсус курси асосида шакллантириш.....                                    | 98       |
| 3.6. Ўқувчиларни касб-хунарни мустақил танлашга психологик-педагогик тайёрлигини аниқлаш услубияти.....  | 111      |
| Профессиограмма  |          |
| ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....  | 121      |

## **КИРИШ**

XXI асрда жаҳон миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, ЮНЕСКО томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “ўқитиш ва касбга тайёрлашда, турли хил таълим олиш имкониятларини кучайтириш ва кенгайтириш”<sup>1</sup> долзарб вазифа сифатида белгиланди. Бу мактаб ўқувчиларини касб-хунарни мустақил танлашга тайёргарлигини ошириш ва уларнинг касб танлашга оид тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Айни пайтда жаҳонда касбга йўналтириш ишларини натижавийлик асосида ташкил этиш усулларининг илмий асосларини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг касбий мотивациясини оширишга доир ўқув машғулотларни жорий этиш, касбга йўналтиришда компетенциявий ёндашувга асосланганлик, ўқувчиларни касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш, ўқувчиларнинг ўзлари қизиқсан касбларда ўз иқтидор ва имкониятларини эркин рўёбга чиқаришлари ҳамда унинг ўқув мазмунини, ўқитиш шакллари ва технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Республикаизда замонавий талаблар асосида таълим сифатини ошириш, жумладан, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ўқув-методик таъминотини халқаро талаблар асосида янгилаш каби ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 марта “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги, 2017 йил 24 октябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг

---

<sup>1</sup> Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

10–11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 868-сон қарорлари айнан шу масалаларга қаратилгандир. Таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида замон талабларига мос тарзда тайёрланган методик таъминотлар ҳамда илгор усуллар асосида ўқитиши имкониятлари учун барча шароитлар яратилди. Таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, жумладан, ўқувчиларни бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлашга шароитлар яратилиши муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ўқув қўлланма умумтаълим мактабларида мактаб ўқувчиларини касбни мустақил танлашга тайёргарлигини ошириш ва уларнинг касб танлашга оид тафаккурини ривожлантиришга йўналтириш борасида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари асосида яратилган бўлиб, унда узлуксиз таълим тизимида касбга йўналтиришнинг мазмун моҳияти, мактабгача таълим муассасаларида касб-хунарга йўналтириш, мактаб ўқувчиларини касб хунарга йўналтириш, илгор хорижий мамлакатларда касбга йўналтириш тажрибаси, мактаб ўқувчиларини касбни мустақил танлашга тайёрлашнинг назарий-методологик ёндашувлари ва юқори синф ўқувчиларини касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш технологияларидан фойдаланиш имкониятлари ёритилган.

# **I БОБ. КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ВА ИЖТИМОИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Касб тушунчасининг моҳияти**

Касбшунослик адабиётида касб тушунчасининг тавсифи хилма-хил талқинда келтирилади. Жумладан, касб-максус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида маълум бир соҳада касбий фаолиятни амалга ошириш учун назарий билимлар мажмуасини, амалий қўникма ва малакаларни эгаллаган, унга жисмоний имконият, ақлий қобилият ва юридик хукуқларни таъминловчи инсоний меҳнат фаолиятининг (машғулотининг) туридир.

Лугавий жиҳатдан касб ёки - касб қилмоқ каби сўз ва тушунчалар араб тилидан кириб келган бўлиб, (касаба) феълининг ўзаги ҳисобланади. Араб тилидаги касаба сўзи қўлга киритмоқ, ишлаб топмоқ, қозонмоқ, бирор ишни бажармоқ, қандайдир фойда-манфаатга эришмоқ, ютуққа эга бўлмоқ каби маъноларни англатади. Касб бир хил фаолият билан шуғулланувчи кишиларни бирлаштиради. Бу фаолият ичидаги маълум алоқалар ва ахлоқ нормалари ўрнатилади. Е.А.Климов ўз ишларида касб тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “Касб - жамият учун зарур ва қадриятли соҳа бўлиб бунда инсондан жисмоний ва руҳий куч талаб этади” бу кучлар унга сарфланган меҳнат ўрнига яшashi ва ривожланиши учун муҳим воситалар омили сифатида намоён бўлади. Бу таърифни янада батафсил ёритириб, касб бу - касбий фаолиятнинг сифатли тарихий ривожланувчи тизим ва шахснинг ўзини намоён этиш соҳаси деб таърифлайди.

В.Г.Макушиннинг фикрича, касб - бу шундай фаолиятки, унинг ёрдамида шахс жамият ҳаётида иштирок этади ва унинг яшashi учун моддий воситалар асосий манбаси бўлиб хизмат қиласи. Мавжуд таърифларни умумлаштириб, касб тушунчасига қуйидагича замонавий таъриф берамиз. Касб меҳнат фаолиятининг пайдо бўлган шакли бўлиб, техника ва технологияларнинг ривожланиши жараёнида мазмунан ва шаклан ўзгариб боради, уларни бажариш учун инсон албатта маълум касбий

компетенцияларга, махсус қобилиятлар ва муҳим касбий сифатларга эга бўлишлари керак.

Касбшунослик назариясида “касб” ва “мутахассислик” тушунчалари фарқланади. Касб мутахассисликка кўра кенгроқ тушунча бўлиб, касбий салоҳиятида ташқари, унинг муҳим сифатлари - ижтимоий - касбий салоҳият, касбий автономия, ўзини назорат қилиш, гурухли мезонлар ва қобилиятлар ҳисобланади. Касб одатда яқин мутахассисликлар гуруҳини бирлаштиради. Масалан, касб шифокор; мутахассисликлар - терапевт, педиатр акулист, уролог, ва ҳоказо. Касб – муҳандис; мутахассисликлари - конструктор, технолог, металлург ва ҳоказолар.

Мутахассислик - касбий таълим, тайёргарлик йўли билан иш жараёнидаги махсус билимлар, кўникма ва малакалар комплекци бўлиб, улар у ёки бу касб доирасида маълум фаолият турини бажариш учун зарурий ҳисобланади. Шундай қилиб, мутахассислик - касб ичдаги касбий фаолият тури бўлиб, у шахсий ютуқларга ёки ўзига хос вазиятлар орқали умумий натижаларга эришишга йўналтирилган бўлади.

Касб, мутахассислик тушунчалари билан бир қаторда ихтисослик тушунчаси хам кенг қўлланилади. Ихтисослик – бирорта касб доирасида маълум бир фаолият тури учун махсус тайёргарлик ва иш тажрибалари билан эришилган зарурий билимлар, кўникма ва малакалар мажмуаси.

Касбга оид тадқиқотларни ёритишида “касбий шаклланиш”, “касбий тайёргарлик” категорияларини тадқиқ этиш мақсадга мувофик.

Дастлаб касбий шаклланиш жараёнининг педагогик жиҳатларини шахс ривожланиш жараёнидан фарқлаб олишга эътибор қаратилди.

Биринчи ҳолатда, касбий шаклланиш шахс ривожланиш шаклларидан бири, иккинчидан эса, касбий шаклланиш шахсни ривожлантириш (мустақил таълим ва ўз-ўзини ривожлантириш жараёнларида) воситасида сифатида қаралади. Ҳар икки жиҳат ўртасида «бир бутун - қисм» кўринишдаги тарбия, ижтимоийлашув кабилардан иборат. Касбий шаклланиш учун нафақат

муайян касбга ёки фаолият соҳасига қизиқиш, балки ушбу фаолият турига лаёқатнинг мавжуд бўлиши ҳам талаб этилади.

Ўрганилган барча методик характерга эга бўлган илмий изланишлар ва тадқиқотларда касбий шаклланиш онгли равища касб танлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган.

Айрим муаллифлар, шу жумладан, Д.Н.Арзиқулова ўқувчиларининг касбий шаклланиш жараёнини табақалаштирилган таълим тизимининг таркибий қисми сифатида эътироф этади. Ушбу тадқиқотларда касбий йўналтирилганликни шакллантириш мақсадида табақалаштирилган таълимнинг тузилмаси ва мазмунини ташкиллаштириш муаммолари, табақалаштирилган таълимнинг касб танлаш мотивациясига таъсири қараб чиқилган.

Касбий фаолиятнинг самарадорлигини шартларидан бири мутахассиснинг касбий тайёрлиги ҳисобланади. Касбий тайёргарлик деганда унинг руҳияти ва жисмоний соғлиғи ҳамда ҳолати, ундаги мавжуд сифатларнинг бажараётган фаолияти талабларига мослиги даражаси тушунилади. Машҳур рус психологи К.К.Платонов мутахассиснинг касбий тайёрлиги бу ўзининг муайян касбий фаолиятини бажаришга қодир ва тайёргарлик кўрган деб ҳисобловчи ва уни бажаришга интилевчи шахснинг субъектив ҳолатидир - деб ҳисобланган. Мутахассиснинг касбий тайёрлиги мураккаб кўп даражали ва кўринишли тизимли психик шаклга эга бўлиб, биринчи навбатда одамнинг шахсий кўриниши асосий ўрин эгаллайди. Шу билан бирга, касбий тайёргарлик мутахассисда керакли даражада жисмоний соғлиқни касбий фаолият учун зарур бўлган жисмоний сифатлар шаклланганлиги ва ривожланганлигини талаб қиласди. Чунки ҳар қандай касбий фаолият инсоннинг қандайдир куч жисмоний энергия сарфлашини кўзда тутади. Мутахассиснинг касбий тайёргарлигига иккита ўзаро боғлиқ бўлган томонларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Бу ўзаро боғлиқ томонлар психологлар М.И.Дяченко ва А.М.Столяренколар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб улар қуидагилардан иборат:

1. Шахснинг касбий фаолиятга дастлабки салоҳиятли тайёрлиги мутахассиснинг бу тайёрлиги қўйидагилардан иборат бўлади, яъни, статик компонентлар касбий фаолиятнинг психик асослари, билим, кўникма, малакалар касб учун муҳим ҳисобланган, шахснинг сифатлари унинг муносабати, мазмун ва қадриятлари, афзалликлари ҳамда умуман шахснинг зарур бўлган касбий имкониятлари даражаси;

2. Шахснинг касбий фаолиятга бевосита айни вақтдаги тайёрлиги. Мутахассиснинг касбий тайёрлигининг ушбу томони тезкорлиги, ўзгарувчанлиги, ҳар қандай ҳолат ва шароитда аниқ масалаларни ечиш, мутахассиснинг руҳий ва жисмоний ҳолати, жамоадаги маънавий психологик муҳитга боғлиқлиги билан ифодаланади. Мутахассиснинг бевосита психологик тайёргарлиги дастлабки тайёргарликни фаоллаштириш натижаси сифатида иштирок этади. Мутахассиснинг касбий фаолиятга дастлабки салоҳиятли тайёрлиги бевосита айни вақтдаги тайёрлигининг асоси ҳисобланади.

## **1.2. Касбларни тизимлаштириш ва касб типологияси**

Касбларни тизимлашни муҳим муаммоси - бу касбни тавсифловчи маълумотларни тўплаш усуллари. Уларга кузатиш, фаолиятини мустақил бажариши (мехнат метод), ишчилар билан савол-жавоб, иш-жойидан кузатувчи ҳамда савол-жавоблардан иборат. Чет элда қизиқишлиар, шахс қобилиятлари ва темперамент хусусиятларини ҳисобга олиш асосида касбларни тизимлаши кенг тарқалган. Авваламбор Дж.Холланд томонидан 1966 йилда ишлаб чиқарилган касбларни тизимлашишни ажратиш мумкин. Унинг моҳияти психолог концепциясига асосланган бўлиб, ушбу концепция шахс назариясини касб танлаш назарияси билан бирлаштиради. Йўналишнинг асосий компонентларини ўрганиш асосида Дж.Холланд шахснинг касбга йўналтирилган турларини ажратади: реалистик, интеллектуал, ижтимоий, конвенционал яъни, умумий қабул қилиш мезонда

ва анъаналарга асосланган ишбилиармөнлик ва бадий қобилиятлар ва бошқалар. Ҳар бир шахс тури маълум касбий муҳитга йўналтирилган идеалистик тур - моддий буюмлар яратишга технологик жараён ва техник курилмалар, иқтидор - ақлий меҳнатга, ижтимоий - иқтисодий меҳнат билан ўзаро алоқага, конвенционал аниқ тузилган фаолиятга, ишбилиармөнлик - одамларга раҳбарлик ва бадий - ижодга. ҳар бир шахс тури модели қўйидаги схема бўйича тузилади: мақсадлар, қадриятлар, қизиқишилар, қобилиятлар, исталган касбий роллар мумкин бўлган ютуқлар, карера ва бошқалар.

Педагогик амалиётда Е.А.Климов томонидан ишлаб чиқилган касблар тузилмаси кенг тарқалган.

Меҳнат обьектига кўра 5 та касб турлари ажратилади.

1. Инсон - табиат. Бу тур намоёндалари ўсимлик ва ҳайвонот микроорганизмлар ва улар яшаш шароитлари билан ишлашади. Масалан, мева - сабзавот устаси, аграном, зоотехник, ветенар, микробиолог.

2. Инсон - техника. Ишчилар жонсиз техник меҳнат обьектлари билан ишлашади. Масалан, техник, механик, мухандис механик, мухандис электрик, техник технолог ва ҳоказо.

3. Инсон – инсон. Бунда ижтимоий тизимлар, ахлоқий гуруҳлар, турли ёшдаги инсонлар билан ишлаш назарда тутилади. Масалан, озиқ - овқат маҳсулотларини сотувчиси, сартарош, шифокор, ўқитувчи ва бошқалар.

4. Инсон - белгилар тизим. Табиий ва сунъий тиллар, шартли белгилар, рамзлар, рақамлар, формуалалар касб тури намоёндаларини қизиқтирувчи предметлар олами ва бошқалар. Масалан, дастурчи, чизмачи - картограф, математик, тилшунос, нашриёт муқаррири.

5. Инсон - бадий образ. Ҳодисаларни бадий акс этиши далиллари - мана шу нарсалар бу касб тури вакилларини қизиқтиради. Масалан, рассом декаратор, рассом - реставратор, мусиқа асбобларини созловчи, балет артисти, концерт ижрочиси, актёр ва бошқалар.

Бу бешта касб турлари мақсадлар белгисига кўра 3 та синфга бўлинади.

1. Гностик касблар (қадимги юонончадан “гносис” билим);
2. Ўзгартирувчи касблар;
3. Қидируди касблар;

Асосий иш қуролларига кўра ҳар қайси синф доирасида 4 та билимни ажратиш мумкин.

1. Қўл меҳнати касблари;
2. Машина қўл меҳнати;
3. Автоматлашган ва автоматик тизимлар қўлланиши билан боғлиқ касблар;
4. Функционал иш қуроли билан боғлиқ касблар.

Меҳнат шароитларига кўра, Е.А.Климов касбларни 4 гурухга бўлади. Маиший микроиқлимга хонакига яқин иш.(Б) ҳар хил об-ҳаво шароитида очиқ ҳавода бўлиш билан боғлиқ касблар аграном, пайвандчи, автоназорат инспектори.

Одатий бўлмаган шароитларда баландликда, сув тагида, ер тагида баланд паст даражаларда ишлаш: ҳаввос, ўт ўчирувчи ва ҳоказо. Инсонлар соғлиги, ҳаёти учун юқори масъулият шароитида ишлаш: моддий қадрияtlар, болалар боқчаси тарбиячиси, ўқитувчи, терговчи. Шартли белгиларни қўллаган ҳолда, касблар дунёси “харитасини” ва маълум касбнинг наъмунавий формуласини тузиш мумкин. Бу формула реал касбга нисбатан ҳам орзудаги касбга нисбатан ҳам, қўлланиши мумкин.

1. Менинг касбим
2. Касблар гуруҳлари
3. Касблар бўлимлари
4. Касблар синфлари
5. Касблар турларини синфлаш

Бу касбга йўналтириш ишлари учун мўлжалланган. Бу таснифлашни ўрганиб чиқкан В.Е.Говрилов ижобий томонлари билан бирга камчиликларини ҳам кўрсатиб берди. Масалан, бир гуруҳдаги касблар ишчига қарама - қарши талабларни олдига қўювчи компонентларни ўз ичига

олади, бу эса касбга лаёқатлилик белгиларини аниқлашни қийинлаштиради. Таснифлашнинг яна бир камчилиги шундаки, касблар олами ниҳоятда ўзгарувчан, шунга кўра касбларнинг меҳнат мазмуни ҳам ўзгарувчан хусусиятга эга. Бу эса касбларни тизимлашга нисбатан ноаниқликни келтириб чиқаради ва касбий танловни касбий маслаҳат жараёнига киришни қийинлаштиради. Маълумки, касбий таълимнинг барча касблар бўйича олиб бориб бўлмайди ва касбий фаолият турларининг мураккаблик даражаси, шароитлари, воситалари, мазмуни жуда фарқланади. Ўқув касбларнинг маълум белгилари, сифатларини таснифлаш ва малака даражаларини аниқлаш бўйича илмий асосланган танлов лозим. Ўқув касблар рўйхати бунинг натижаси бўлиши керак ва шу асосда мутахассислар тайёрлаш шакллари аниқланади. Бу корхоналардаги қисқа муддатли тайёргарлик, касб мактабларида ёки олий ўқув юртларидағи ўқиш бўлиши мумкин.

Ўқув касблар рўйхатига шунингдек, касбларнинг тарқалганлиги, оғир ва заарли меҳнат шароитлари бўлган ишларга қарши кўрсатмалар, шунингдек ёшдаги чеклашлар таъсир этади. Касбий таълим учун ўқув касблар рўйхатини танлаш доимо долзарб бўлади ва албатта бу рўйхат илмий асосланган гурухлашга эга бўлиши керак ҳамда кам сонли бўлиши лозим.

### **1.3. Профессиографиянинг моҳияти**

1920 йилларнинг иккинчи ярмида рус психотехниклари тез суратларда касбий фаолиятнинг тамойил ва усусларини ишлаб чиқдилар. Шу тадқиқотларни умумлаштириши натижасида психотехникада маҳсус ёндошув профессиографияни шаклланишига олиб келди. Бу ёндашувнинг моҳияти – “касблар тасвири” умуман олганда профессиографияни ўрганиш, касбнинг психологик тавсифи ва лойиҳалаштиришини ўз ичига олади. Профессиографияда маълум меҳнат жараёнини ташкил этувчи обьектлар белгилари, меҳнат субъекти, меҳнат предмети вазифалари, воситалари ва шароитлари ўрганилади. Профессиографиянинг асосий тамойилларидан бири

касбий фаолиятни ўрганишда дифференциал ёндашув тамойили ҳисобланади. Бу тамойилнинг моҳияти профессиографиянинг аниқ амалий масалаларини ечишга бўйсунишидир. Масалан, касбий консультация ва касбий танлов учун шундай касбий муҳим белгиларни ажратиш керакки, улар синовдагиларнинг касбий лаёқатига кўра фарқланиши лозим. Малака даражасини аниқлаш учун меҳнат вазифалари, касбий билим, малака, кўникума тавсифи муҳим аҳамиятга эга. Касбий толиқишини ўрганиш учун шундай белгилардан фойдаланилдики, улар ёрдамида касбий толиқишининг келтириб чиқарадиган омилларини аниқлайди. Шундай қилиб, профессиографиянинг дифференциал тамойили касбнинг ўрганиш усуllibарини унинг тавсиф, мазмуни, шунингдек, қўлланилиш соҳаси яъни профессиография ўтказиш хусусиятлари унинг мақсадлари билан белгиланади.

Профессиограмманинг муҳим таркибий қисми - психограмма бўлиб, у мутахассиснинг мотивасион, ирода ва эмосионал соҳасининг тавсифи ҳисобланади. Психограмма - касбнинг психологик портрети бўлиб, у аниқ касбда долзарб бўлган психологик функциялар гурухи билан намоён бўлади. Профессиографик тадқиқот методлари. Касбнинг илмий таъсири, меҳнатнинг (меҳнат хулқи) ташқи яъни психик жараёнлар қўришини яъни, меҳнат субъектининг ички воситаларига бўлган интеграл психологик тузилмаларини назарда тутади.

Профессиографияда кўпгина турли-туман усуllibар қўлланади:

- 1) Ижтимоий (сўровномалар, саволлар киритилган кузатув);
- 2) Психологик (сухбат кузатув тажриба ва улардан келиб чиқувчи интервю, шахсий сўровномалар тестлар, тажрибалар, психобиографиялар, фаолият маҳсулини ўрганиш методи);
- 3) Физиологик (ЕКГ. КЕР қонда артериал босимни ўлчаш антопометрик ва техник маълумотлар);
- 4) Технологик жараёнлар таъсири ва бошқа усуllibар хилма - хиллигидан вақт, куч ва вазиятларни минималлиги билан профессиограмма

тадқиқотдаги саволларга жавоб берувчи усулларни танлаш лозим. Усуллар комплексини ишлаб чиқиша тизимни ташкил этувчи омил тадқиқот мақсади муҳим рол йўнайди. Психографияларни касбга йўналтириш учун ишлаб чиқаётганда касбнинг умумий профессиографик ва ижтимоий-психологик та'сирига катта эътибор берилади. Мехнат шароитларидан техник, технологик ва ижтимоий психологик шароитлари анча чуқурроқ ўрганилади. Тадқиқотларнинг муҳим йўналиши бу шахснинг қобилияtlари, психофизиологик хусусиятларини баҳолашдир. Профессиограммаларнинг касбга йўналтириш ва касбий танлов мақсадида ишлаб чиқиша тизимни тадқиқотлар жуда муҳим ҳисобланади. Қолган тадқиқотлар ўқув - касб муассасаларида талабалар, ўқувчиларни ўқишига қабул қилинадиган шахслар ишлаши лозим бўлган шароитларни аниқлаш учун аҳамиятга эга. Аммо улар ҳам муҳим ҳисобланади, чунки аниқ мажбуриятларни ва меҳнат шароитларини билмасдан, касбга йўналтириш, касбий йўналганилигини ташкиллаштириш ва касбга нисбатан лаёқатини аниқлаб бўлмайди.

Таълимга йўналтирилган профессиографиялаш - асосига касб субъектлиги ҳақидаги ғоя қўйилади: касб эгаси, фаолиятнинг ҳақиқий субъекти бўлиб, унга бир қатор маҳсус белгилар хос. Бу профессиографиялашнинг муаллифлари унинг мазмун - моҳияти ва лойиқалаштириш технологияларини ўрганиб чиқиши. “Касб паспорти” блоки касб ва мутахассисликлар номининг модификасияси, касбий йўналиш, касб мақсади, таълим даражаси ҳақида қисқа маълумотларни ўз ичига олади. “Касбнинг асосий обьекти” (соҳаси) блоки касб тури ҳақида маълумотларни ўз ичига олади. “Инсон – табиат”, “инсон – инсон”, “инсон – техника”, “инсон - белгилар тизими”, “инсон бадиий образ” ва бошқалар. Бу блок мазмуни бошқа профессиографиялаш блокларининг асоси ҳисобланади. “Касбий предметли салоҳият” блоки кўп тизимли таълим сифатида касбий муҳим тавсифини ўз ичга олади. Мутахассис касби қайси соҳага тегишли эканини, қайси асосий обьектларга йўналтирилган, бу обьектлар қандай

объектлар, бу соҳада меҳнат натижаси ёки меҳнат маҳсули қандай аҳамиятга эгалиги ҳақидаги маълумотга эга бўлиши лозим. “Ижтимоий касбий салоҳият” блокида шахс объектининг қуидаги йўналишлари акс этади. Фикрлаш потенсиалининг ривожланиши. Шахсни ўзини назорат эта олиш ва ривожлантириш имкониятлари. Шахснинг муваффақият стратегиясига йўналтирилганлиги. Шахснинг бозор иқтисодиёти шароитида бардошлиги. Профессиографияда экологик, хуқукий ва иқтисодий маданият масалалари ҳам назарда тутилади. Махсус психофизиологик талаблар блоки - ишчининг касбий фаолияти жихатдан психофизиологик хусусиятларига қўйиладиган талабларни акс эттиради. Бунга тиббий қўрсатмалар, жинсига, ёшга бўлган ва санитария - гигиеник талаблар киради.

#### **1.4. Касб-хунарга йўналтиришнинг мақсади, вазифалари ва асосий тамойиллари**

Касб-хунарга йўналтириш - умуминсоний маданиятни шакллантириш жараёнининг таркибий қисмларидан бири сифатида ёш авлоднинг касбий тикланиши, табиат инъом этган (туғма) қобилиятларини ривожлантириш кўмаклашиш, инсонга касбий ўзлигини англашига ёрдам берувчи маҳсус чора-тадбирлар мажмуаси бўлиб, унинг имконият ва эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда, бандлик ва мақбул таълим турини танлаш ишларида, турли хил малакали касб мутахассисларига бўлган эҳтиёжларда жамиятнинг ғамхўрлиги сифатида намоён бўлади.

Касб-хунарга йўналтириш ишининг бош мақсади ўзига хос усуллар ёрдамида мутахассиснинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини кучайтириш ва аҳолининг самарали бандлигини оширишга эришишдан иборат.

Касб-хунарга йўналтиришнинг асосий мақсади - ёш авлодни онгли ва мустакил равишда келгуси таълим йуналишини (академик лицей ёки касб-хунар коллежи) танлашига ёки шахснинг психофизиологик хусусиятлари,

қизиқиши, қобилияти, мойилликлари ва жамиятнинг кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда меҳнат қилиш соҳасини танлашга тайёрлашдан иборат.

Касб-хунарга йўналтириш қўйидаги икки асосий вазифани хал қилишга қаратилган:

- меҳнат имкониятларини оқилона тақсимлаш ва фойдаланиш хисобига мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини мустахкамлаш;
- шахсни ижтимоий ва иқтисодий ҳимоялаш, чунки ўз қизиқишилари, мойиллик ва имкониятларига мос келган касбни танлаган инсон ҳам касбий, ҳам моддий жиҳатдан тезроқ уни ўзлаштиради ва сезиларли натижаларга эришади.

Касб-хунарга йўналтириш ишининг пировард натижаси ижтимоий - иқтисодий омил бўлиб, шахсга ҳам, давлатга ҳам реал фойда келтиради.

Касб-хунарга йўналтиришда қўйидаги тамойиллар асос қилиб олинган:

- касб-хунарга йўналтириш хизматларининг мажмуавий характердалиги;
- иқтисодий ривожланиш ва меҳнат бозорини ўрганиш ва прогноз килиш оркали жамият ва шахс қизиқишиларини мувофиқлаштириш;
- шахсни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис қилиш шакли, услублари ва воситаларининг илмий асосланганлиги;
- Ўзбекистон фуқароларининг ва (лозим бўлганда) бошқа давлат фуқароларининг ўқиши, иш жойи, ёши, жинси, миллати ва диний дунёқарашидан қатъий назар касб-хунарга йўналтириш хизматларидан фойдаланишга тенг хуқуқлиги;
- қасб танлаш ёки алмаштириш, таълим тури ва ишга жойлашиш имкониятларига нисбатан касбий ва бошқа ахборотларнинг тушунарлилиги;
- умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига психологик-педагогик ва касб-хунарга йўналтириш хизматларини кўрсатишнинг мажбурийлиги ва белупллиги, аҳолининг бошқа гурухларига давлат даражасида кафолатланган

касбий ташхис ва маслаҳат беришнинг ихтиёрийлиги;

- касбий танлов, ташхис ва маслаҳат хулосаларининг объективлиги, маҳфийлиги ва тавсиявий характерда эканлиги;

- касб-хунарга йўналтириш хизматлари ходимларининг касбий ахлоқ нормаларига риоя этишлиги.

Касб-хунарга йўналтириш ишларининг асосий обьекти:

- умумий ўрта таълим мактабларининг 1 - 11 синф ўкувчилари;
- олий ўкув юртлари талабалари ва касб-хунар таълими муассасаларининг ўкувчилари;
- ишдан бўшаши қутилаётганлар;
- иш қобилияти чекланган шахслар.

Касбга йўналтириш ишларининг моҳияти ва мазмуни.

Касбга йўналтириш - бу ҳар бир шахснинг ўзига хос индивидуал хусусиятлари ва меҳнат бозорининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ўз касбий ўрнини топиши учун шахсга таъсир этишнинг илмий асосланган шакл, усул ва воситалар тизимиdir. У инсоннинг касбий кизиқиши ва имкониятлари хамда жамиятнинг аниқ бир касбий фаолият турига эҳтиёжларининг мутаносиблигига эришишга йўналтирилгандир.

Касбга йўналтириш - моҳият ва самарадорликни баҳолаш кўрсаткичларига кўра ижтимоий-иктисодий категориядир. Касбга йўналтиришни хал этиш вазифалари бўйича ижтимоий-иктисодий, тиббий-физиологик ва психолого-педагогик моҳиятга эга муаммодир. Касбга йўналтириш инсоннинг қобилияти ва иқтидорини мақсадли ривожлантиришда, унинг касб маҳорати, иш қобилияти ва саломатлигини асраршга имкон яратади ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва унинг бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим элементларидан бири сифатида намоён бўлади. Касбга йўналтириш шахснинг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, унинг ижтимоий ва касбий фаоллигини ошириш ҳамда мажбурий ишсизликнинг олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Касбга йўналтириш тадбирлари инсон томонидан ўз касбий малакасини

оширишнинг қулай шаклларини излаш, ижтимоий-иктисодий ташаббускорлик, интеллектуал ва меҳнат мустақиллигини ривожлантиради.

Ёш авлодни онгли равища касб танлашга тайёрлашга, уни ҳар томонлама баркамол ривожлантиришнинг шарт-шароити сифатида қаралади. Бу шахснинг маънавий, ақлий, меҳнат, эстетик ва жисмоний тарбияси, яъни барча ўқув-тарбия жараёни билан узвий бирлиқда амалга оширилади.

Касбга йўналтириш қуидаги қисмларни ўз ичига олади:

Касбий ахборот, касбий маслаҳат, касбий танлов ва саралаш, касбий мослашиш.

Касбий ахборот - маълум бир касбни эгаллаш хохиши бўлган шахсга, турли мутахассисликларни эгаллашнинг шакл ва шароитларига, касбий малакаларнинг ўсиш имкониятларига меҳнат бозорининг ҳолати ва эҳтиёжига, касбий қизиқишларнинг шаклланишига, шахснинг истак ва кўникмаларига қўйилган талаблар ҳамда замонавий касбларнинг истиқболи ва мазмуни тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, тарғибот қилиш чоратадбирларидир.

Касбий маслаҳат - касб танлаш ёки фаолият турини ўзгартиришда ёрдамга муҳтоҷ бўлган шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари, шахсий фазилатлари, касбий қизиқишлари, мойиллиги, соғлиги ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ўрганиш асосида психологик-маслаҳатчи билан илмий ташкил этилган ўзаро мuloқot тизимидан иборат.

Касбий танлов ва саралаш - касбий фаолиятнинг алоҳида турларига яроқлилик даражасини аниқлашга йўналтирилган шахснинг психофизиологик хусусиятлари (танлаш) ёки аник бир касбга бўлган психофизиологик меъёрий талаблар (саралаш) асосида шахсни ҳар томонлама ўрганиш тизимиdir.

Касбий мослашиш - ишлаб чиқаришда касбий фаолиятнинг ижтимоий-психологик ва ташкилий-техник шароитларига шахсни мослаштиришга, уни мувофақиятли равища касбни эгаллаши учун шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган чораларнинг мажмуавий тизимиdir.

## **1.5. Илғор хорижий мамлакатларда касбга йўналтириш тажрибаси**

Ёшларни касб-ҳунарни мустақил танлашга тайёрлаш бўйича мавжуд адабиётларнинг ўрганилиши, бу муаммо турли мамлакатларда ўзига хос миллий хусусиятлар ва ижтимоий-иктисодий муҳитдан келиб чиқиб анчагина фарқ қилиши кузатилди. Иктисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлардаги, ёшларни касбга йўналтириш ижтимоий-иктисодий ҳамда миллий анъана сифатида давлат томонидан тартибга солинади. Бу тажрибанинг қай даражада самарали эканлигини таълим сифатида ва тайёрланаётган кадрларнинг компетенция даражасида кўриш мумкин.

**АҚШда** касбга йўналтириш ишлари XX асрнинг бошларида шаклана бошлади.

Бу даврда, мамлакатда саноат ишлаб чиқариш тез ўсиши жараёнида бўлганлиги сабабли, умумий таълим ва маҳсус малакали кадрларга бўлган талаб ҳам ортган эди. Бу муаммони ҳал қилиш учун, 1908 йилда Бостон шахрида Ф.Парсонс томонидан шаҳар мактаблари ўқувчилари учун биринчи касбга йўналтириш маслаҳат бюроси ташкил этилади. Бюронинг фаолияти касбга йўналтиришни бошланиши ҳисобланган.

Унинг вазифаси тўғри касб танлашда ўқувчиларга маслаҳат беришдан иборат эди. Ўқувчилар тавсияларни ўтказилган сўровномалар ва тест натижалари асосида олганлар. Шу билан бирга ёшларнинг ҳақида маълумотлар, муайян касб талабларига мос ҳолда қилинган.

Ф.Парсонснинг шахс хусусиятлари ва ишлаб чиқариш омилларини ҳисобга олиш зарурлиги ҳақидаги ғоялар турли таълим муассасаларнинг ўқув дастурларида ҳам ўз ифодасини топганди. Касбга йўналтириш шахсга ўзининг шахсий сифатларини ва касб хусусиятларини ўрганишга ёрдам бериш бўлиб, натижа ўқувчи томонидан ўз касб йўлини оқилона танлаш билан якунланишидир. Бироқ Ф.Парсонснинг ғояси инсон ва унинг касбий фаолияти бироз соддалаштирилган кўринишда акс эттирилган. Бунда меҳнат унумдорлиги ишчининг манфаатларига боғлиқ бўлган.

Сўнгра, худди шундай бюро Нью-Йоркда ташкил этилган. Унинг вазифаси касблар ҳақида янада батафсил билишлари учун ўқувчилар қандай талабларга жавоб беришлари лозимлигини ўрганиш эди. Бюро мактаб ўқитувчилари билан ҳамкорликда сўровнома ва тестлардан фойдаланган ҳолда иш олиб борганлар. Бюронинг бу тажрибалари АҚШ, Испания, Швеция, Швейцария, Чехия, Словакия ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалиб борган.

Бюро ўз фаолияти давомида қуидагиларга амал қилишни таъкидлайди:

- касб танлаш, турмуш ўртоқ танлашдек аҳамиятга тенглаштириш керак;
- касбни тасодифий ҳолатга умид қилгандан кўра, уни танлаш афзалдир;
- касбни, мутахассис маслаҳати билан ва яхши ўйлаб кўриб, ишонч хосил қилган ҳолда танлаш керак;
- ёшлар кўп сонли касблар билан танишиб чиқиши лозим, биринчи учраган ёки “қулай” бўлган касбни танлаши керак эмас;
- маслаҳатчи касб танлашда, шахснинг характер хусусиятларини, касб танлаш омиллари ва касблар олами билан яқиндан танишиб чиққандагина унинг иши яхши натижа беради.

Ўтган асрнинг 50-йилларида АҚШда А.Масловнинг касбий ривожланиш концепцияси ҳисобланган назарияси ишлаб чиқилган, бунда шахс ўзи мустақил касб танлаши керак бўлган, ўқувчи ўз қобилияти мос касбни ўзи танлаши ва амалиётда ўзини кўрсата олиш керак. Бу концепция С.Ахелрод, С.Гинсберг, Э.Гинсбурга ва бошқларнинг ишларида янада ривожланди ва бу таълим-тарбия жараёнида ўқитувчиларга ва ўқувчиларнинг индивидуал фаоллигига таъсири аҳамиятли бўлган.

Д.Сьюпер концепцияси асосида АҚШ мактабларида касбга йўналтиришни назорат қилиш ёки маслаҳат хизмати тартиби ишлаб чиқилган. Касбга йўналтириш маслаҳатчисининг тайинланиши мактаб

даврида ўқувчи билан биргаликда унинг касбий фаолияти соҳасини танлаш режасини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш эришишга ёрдам беришdir.

АҚШ мактабларида касбга йўналтириш маслаҳат ишлари ўқувчининг мактаб йиллари давомида амалга оширилади. Касбга йўналтириш маслаҳатларини ўқувчиларни қизиқтирадиган турли саволларга жавоб бера оладиган ва турли масалаларда тавсиялар бериш имкониятига эга, ёш психологиясини биладиган ва тегишли тайёргарликка эга мутахассис берган. Маслаҳатчи-консультант ўқувчиларни касблар олами ва уларнинг эгаллаш ўйларини билан таништиради. Таълим жараёнида ўқитувчилар касбга йўналтириш ишларини мувофиқлаштирадилар ва ота-оналарга фарзандларининг қизиқиши ва қобилиятларни ривожлантиришга ёрдам берадилар.

АҚШда ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари мактаб хизмати билан чегараланиб қолмайди. Бу мамлакатда ёшларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш тизимини юритадиган давлат тасарруфидаги турли ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг фаолияти юқори даражада тавсифланади. АҚШ Конституциясига кўра, таълим масалалари федерал ҳукуматнинг хизмат доираси кирмайди.

Ҳар бир штат таълим жараёнини ташкил қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан мустақил қарор қабул қиласди. Ҳар бир штат ўз ўқув режа ва дастурлари эга. Барча штатларнинг давлат бошқаруви органлари ҳодимларидан бири мактаблардаги касбга йўналтириш ишларини мувофиқлаштириш билан боғлиқ ишларни бажаради.

АҚШда ёшларини касбга йўналтириш ишларини Меҳнат вазирлигига бўйсунувчи хусусий ва давлат аҳоли бандлиги хизматлари (меҳнат биржалари) ҳам бажарадилар. Аҳоли бандлиги хизматлари ёшлар ва катталар бандлигини таъминлашда тест синовдан ўтказиш ва маслаҳатлар бериш билан бирга тадбиркорларнинг талаб ва эҳтиёжлари кўра бўш иш ўринларига номзодларни аниқлаш билан ҳам шуғулланадилар.

АҚШда шунингдек, хусусий агентликлар кенг тарқалган. Уларнинг фаолиятини давлат ҳукумати назорат қиласди. Давлат касбга йўналтириш

хизматларидан фарқли ўлароқ, хусусий агентликлар пуллик хизмат кўрсатадилар. Хусусий агентликлар ходимлари социология, психология ёки бошқарув йўналишиларидан бирида дипломга эга бўлиши керак.

Коллеж ва университетлар ўқувлари учун таълим муассасалар хузуридаги касбга йўналтириш марказлари ташкил этилган бўлиб, улар ёшларни нафақат касб танлашга ёрдам берадилар, балки уларни меҳнат фаолиятини йўлга қўйишга, бутун ҳаёти ва меҳнат фаолияти давомида мустақил қарор қабул қилишга ҳам ўргатадилар.

Янги концептуал ёндашувга асосланган касбга йўналтириш ишлари турли таълим дастурларида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, “мактабдан ишга” дастури (1994 йил) орқали ўқувчилар ўз амалий тажрибаларида турли соҳалар ҳақидаги тушунчаларга эга бўлишади. Ўқувчилар фирма ёки бирор ишлаб чиқаришда, мутахассис назоратида ишлаб кўриш имконига эга. Бундан тадбиркорлар ўзлари манфаатдордирлар. Улар жамиятга кадр тайёрлашни нафақат фаҳр ҳисоблайдилар, балки ўз компаниясини кенгайтириш ва такомиллаштириш учун иқтидорли ёшлар орасидан захиралар тайёрлаш учун ҳам бу ишда катнашадилар.

Ўқувчиларни касб танлашга тайёрлашнинг яна бир йўли бор. Мактабнинг сўнгги икки йили (11-12 синфлар) давомида коллеж дастури бўйича академик ўқув машғулотлари ўтказилади. Ўқувчиларга мутахассислар томонидан лаборатория ва ишлаб чиқаришда турли амалий вазифаларни бажаришлари учун индивидуал дастурлар ишлаб чиқилади. Ўқувчилар томонидан дастурларни эркин танланиши муайян мутахассисликларни, қизиқиш, билими ва кўникмаларини ҳисобга олган ҳолда танлаш имконини беради. Бу эса таълим жараёнида касбий йўлини ўзи англашган ҳолда танлаш имконини беради.

АҚШ асосий аҳамиятни меҳнат бозорини ривожлантириш истиқболларининг ҳолатига ҳамда касбнинг шахсга қўйган талаби, таълим олиш йўллари ва имкониятлари ҳақидаги маълумотлар базасига қаратади.

Маълумотлар базасидан фойдаланиш касбга йўналтириш ишларини сезиларли даражада самарадорлигини оширишга олиб келади.

Шундай қилиб, АҚШ касбга йўналтириш тизимининг иши мактаб ёшидаги ўқувчлардан тортиб то катта ёшдаги аҳоли касбни мустақил танлашини кўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Сўнгги йиллардаги янги ахборот технологияларни кириб келиши билан инсон ҳаётида ўзгаришлар рўй берди. Бу эса, мамлакатнинг иқтисодий ўсишига хисса қўшди.

**Буюк Британиянинг** касбга йўналтириш ишларини ташкил этилиши. Бу мамлакатда, ёшлар бандлигига кўмаклашиш хизмати XX асрнинг бошида очилган бўлиб, ижтимоий-иктисодий шароитнинг ўзгариши билан боғлик бўлган ва меҳнат бозори ўзгариб, мавжуд касбларнинг эскриши кузатилган ҳамда малакали ходимларга бўлган талаб ўсиб борган. Мамлакат ишчиларини ишга жойлаштиришни ташкил этилиши билан боғлик бўлган иқтисодий йўқотишлар қониқарсиз даражада бўлиши жамиятда доимий ижтимоий тангликни келтириб чиқишига сабаб бўлган. Бу ҳолат, айниқса, ишсизлик билан азият чекаётган ёшларга таъсири кучлироқ бўлган. Шу муносабат билан, 1909 йилда ҳукумат, давлат меҳнат биржалари доирасида ёшларни ишга жойлаштириш билан шуғулланувчи маҳсус бюоролари ташкил этилган. Меҳнат биржалари таркибида умумий ўрта таълим мактаблари учун касбга йўналтириш хизматлари ташкил этилган. Мазкур хизматлар, 16 ёшгача бўлган ўқувчиларга ёрдам кўрсатган, меҳнат биржалари таркибидаги ёшларни бандлигини таъминлаш бюроси эса 19 ёшдан ўқувчиларга касб танлашда ёрдам кўрсатган.

Мамлакатда касбга йўналтиришнинг икки йўналишдаги тизими узоқ вақт давомида сақланиб турди. Фақатгина XX асрнинг 60-йилларида, давлат, мактабнинг касбга йўналтириш хизмати ва катталар бандлигини таъминлаш тизимини бирлаштириш билан мавжуд тизим ўзгартеришга қарор қилди. Лекин, бу қарор касбга йўналтириш соҳасидаги кўпчилик ўқитувчи ва мутахассислар томонидан маъқулланмади. Шу муносабат билан 1973 йилда, касбга йўналтириш ишлари нафақат мактабларда, балки коллеж ва

университетларида ҳам амалга оширилиши керак, деган, махсус қонун қабул қилинганд. Шу қарорга асосан, касбга йўналтириш ишлари таълимнинг барча босқичларида амалга оширила бошлади.

Мактаб ва бошқа ўқув юртларида асосий касбга йўналтириш ишларини профессионал маслаҳатчилар томонидан амалга оширилган. Уларнинг асосий вазифаси, ўқувчиларни қизиқишлигини, қобилиягини аниқлаш ва касб танлаш бўйича уларга маслаҳат беришдан иборат бўлган. Уларнинг ишлари диагностик ёндашувга асосланган холда ташкил этилган. Улар қизиқишлигини аниқлашга доир саволномалар, турли тестлар (қобилиягини, шахс сифатларини аниқлаш тестлари ва х.к.) ишлатганлар. Бироқ, диагностик ёндашув ўқувчилар фаолиятини аниқлашга тўскенилик қилган.

1970 йилларда касбга йўналтириш ишларини ривожланаётган жараёнини ҳисобга олиб, янги концептуал ёндашув шакллантирилган. Кўпроқ эътибор мактаб таълимнинг барча босқичларида ўқувчининг ўз фаолиятини ривожлантиришга қаратилган. Ўқув жараёнига, касбга тайёрлашнинг умумлашган варианти дастурлари жорий этилган, лекин бу дастурлар орқали ўқувчилар қатъий касб танлаш кўникмаларига йўналтирилмаган. Шунинг учун ўқувчилар ўз кучларини бир неча касбларда синаб кўришлари мумкин бўлган. Бундай ёндашув ўқувчилар мавжуд касблар билан юзаки танишганлари учун ҳам тўлиқ тан олинмади, чунки ўқувчиларда мактабни тамомлагач муваффақият билан меҳнат қилиш имкони бўлмади. Шунинг учун, касбга йўналтириш соҳасида концептуал ёндашувлар қайта кўриб чиқилди ва эътибор ўқув жараёнига қаратилди. Профессионал касбий тайёргарлик таълим соҳасидаги умумий таълим тайёргарлик йўналишларидан бири сифатида ҳисобга олинган эди. Таълим жараёнига муайян қасблар бўйича қасбий қўникмалар ва ўқувчиларнинг шахсий фазилатларини ривожлантирувчи, ўқувчиларни касблар бўйича фикрлаш доирасини кенгайтириш учун курслар киритилган.

Таълим ва меҳнат фаолияти қатъий чекланмаган бўлиб, касбга йўналтириш ишлари кенг ўрганилиб чиқилган ва ёшларга касб танлаш

ҳақида онгли қарор қабул қилишга ёрдам беришга мўлжалланган фаолият турлари қабул қилинган.

Хусусий мактабларда шаклланиб қолган анъанага кўра, ўқувчиларнинг касб танлашига шахсан мактаб директори жавобгар бўлган. У касб танлаш бўйича раҳбарни тайинлайди, унинг иши учун зарур шарт-шароитлар билан таъминлайди, муҳокама қилиш учун ота-оналар ҳамда касбга йўналтириш бўйича хизматлар ва ташкилотлар билан учрашувлар ташкил этади.

Касбга йўналтириш жараёнида ўқитувчи-мураббийларнинг таъсири сезиларли даражада катта ҳисобланади. Улар ўқувчиларнинг шахсий сифатлари ва қобилиятини юзага чиқишига кўмаклашадилар, ўқувчилар томонидан индивидуал режаларини бажарилишини назорат қиласидилар ва ўқувчиларга тавсия берадилар. Касб танлашда, маслаҳатчи сифатида ўқувчиларнинг касбий фаолияти, қобилияти ва имкониятлари ҳақидаги маълумотга эга ўқув фани ўқитувчилари ҳам иштирок этадилар. Ўқувчиларнинг касбга йўналтиришга қаратилган педагогик жамоанинг фаолияти натижасида, юқори синф ўқувчиларнинг жуда оз қисмигина касбга йўналтириш хизматлари ёки бошқа мактабдан ташкари ташкилотлар хизматидан фойдаланадилар.

Шундай қилиб, Буюк Британияда касбга йўналтиришнинг вазифаси ўқувчиларга касб танлашга ёрдам беришгина эмас, балки меҳнат бозори талаблари доирасида ўзларини баҳолашга ўргатиш. Шу билан бирга, касбни мустақил танлашга ва у ёки бу турдаги профессионал фаолиятида амалий тажриба оширишига алоҳида эътибор қаратилади. Касбга йўналтириш тизими ижтимоий-иктисодий эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда тез ривожланган. Таълим ва касбий йўлининг танлашга йўналтириш ишлари ягона ва узлуксиз жараён сифатида қаралади. Касбга йўналтириш ишлари мактабда ўқиш даврида амалга оширилиб борилади ва кейинчалик унинг меҳнат фаолиятини назорат қилиб борилади. Буюк Британия ёшларини касбга йўналтириш муаммосига алоҳида эътибор қаратилади.

**Германияда** касбга йўналтириш ишларини ташкил этилиши. XX асрнинг 30-йилларида ёшларни таълим ва касбий соҳаларга йўналтириш хизматларини тақдим этувчи турли идора ва агентликлар ташкил топган. Уларнинг иш фаолияти, касбга йўналтириш Марказий бошқарув хузурида ташкил этилган аҳоли бандлиги ва ишсизликни сугурталаш институтининг бўлими томонидан мувофиқлаштирилади. Касбга йўналтириш хизмати ходимлари мактаб билан яқиндан ҳамкорликда иш олиб борадилар. Касбга йўналтириш мақсадида ташкилотлар ва ота-оналар билан ҳамкорликда сўровномалар, тест, консультациялар амалга оширилади.

Ўқувчилар, оиласи ҳақида умумий маълумот, шахсий қизиқишлари, қобилиятлари, касбий қизиқишлари ва қайси касбда фаолият олиб бормоқчилиги ҳақидаги “иш дафтари”ни тўлдиради. Ўтказилган психологик диагностика тестлар ва шифокорлар, психологлар, ўқитувчилар билан олиб борилган сухбатларни хисобга олиб, консультант ўқувчининг қобилиятлари ҳақида хулоса қиласи. Иш дафтаридағи қўшимча маълумотлар ва тест синов натижалари касбий консультация учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Ҳозирги пайтда, касбга йўналтириш тизими умумий касбий таълим корхонадаги самарали меҳнатга асосланган ҳолда ташкил этилмоқда. Меҳнат фаолияти давомида профессионал билим ва шахсий кўникмаларини ошириш, узлуксиз таълим тизимининг асосий мақсадидир.

Узлуксиз таълим тизими ҳам ўқувчиларни касбга мослашиш жараёнини енгиллаштиради ҳам меҳнат бозори талабига мос таълим билан таъминлайди.

**Францияда** ўқувчиларни касбга йўналтириш расман учта модел асосида ташкил этилади. Биринчи модел XX асрнинг 20-йилларида ишлаб чиқилган. Касбга йўналтириш ишлари мактабнинг яқунланиш арафасида ташкил этилиб, бунда ўқувчилар иш берувчиларни қидириш билан ташкил этилган. Бундан асосий мақсад, саломатлиги учун заарарли бўлиши мумкин тиббий қаршиликларни аниқлаш бўлиб, ёшларнинг индивидуал хусусиятлари

ва уларга иш берувчилар томонидан таклиф этилаётган касб хусусиятлари орасидаги мосликни аниқлаш.

Иккинчи модел XX асрнинг 60-йилларида устувор бўлиб, унинг асосини таълимий йўналтириш. Касбга йўналтириш ишлари мактаб томонидан олиб борилган, ягона умумий таълим жараёнини ўз ичига олади.

Энг кенг тарқалган модел эса учинчиси ҳисобланиб, унинг асосий моҳияти ўқувчининг мактабга қабул қилинганидан бошлаб то унинг жамиятга барқарор мослашишгача бўлган давригача педагогик жамоа томонидан уларни назорат қилиб, йўналтирилиб борилади.

Францияда, таълимга ва касбга йўналтириш ишлари алоҳида олиб борилади. Таълимга йўналтиришнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг қобилиятларига мос таълим йўналишини танлашда ёрдам бериш. Касбга йўналтириш ишлари эса ўқувчилар амалга оширишнинг реал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда касбий режаларни ишлаб чиқишига бўлган қобилиятлари ва имкониятларини аниқлашга қаратилади ва шундай касблар олами ҳақида маълумот беришдан иборат бўлади. Касбга йўналтириш ишлари ўқитувчилар, психологлар ва касбга йўналтириш хизмати маслаҳатчилари билан биргаликда олиб борилади. Бу жараён ўқувчиларни касбга йўналтирувчи барча иштирокчиларнинг ҳамкорлиги бевосита узвийлик тамойиллари асосида олиб борилади.

**Япониянинг** ҳам касбга йўналтириш ўзига хослиги мавжуд. Касбга йўналтиришни ташкил этиш таълим тизимининг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқдир. Японияда таълимнинг асосий мақсадларидан бири бу – ўқувчиларни касбга тайёрлашда, ўқувчиларни касбий ривожланишга ўргатиш, келажакдаги, шахсий фазилатларига мос ва ўзлари қизиққан касбий ривожланиш йўлларини тўғри танлай олиш қобилиятини ўстириш ҳисобланади.

С.Фукуяма томонидан ўқувчиларни касбни танлашга тайёрлигини шаклланишини баҳоловчи тест ишлаб чиқилган. Бу тест "Б-тест" (Рикиуата тест) ном олган. Муаллиф касб танлашнинг учта асосий омиллар белгилайди:

- а) ўз-ўзини таҳлил қилиш,
- б) касбларни таҳлил қилиш,
- с) профессионал синовлар (ўзини касбларда синаб кўриш).

Ўз-ўзини таҳлил қилиш – ўқувчилар ўз характерини, интеллектуал қобилиягини, маҳоратини, жисмоний кучини аниқлаш имконини беради. Мазкур таҳлил, (педагог, психолог, ота-оналар) кузатуви, ўрганиши ва уларнинг баҳолари натижасида ўқувчи ўзига берган баҳоларини ҳисобга олган ҳолда ўз вақтида тўғри йўналишда иш олиб боришларига сабаб бўлади. Касбларнинг таҳлили – турли касбларнинг хусусиятларини ва ходимларга кўйиладиган талабларни очиб беради. Касбий синовлар – ўқувчиларга мазкур касбда тажриба орттириш ҳамда қобилияти ва кўникмаларини унинг табиатига мослигини аниқлаш имконини беради.

Ҳар йили япон ёшлари танлов асосида инсон билан ўзаро боғлиқ бўлган (техника, табиат, белгилар тизими, бадиий образ) меҳнат фаолиятларида иштирок этадилар. Мактаб ўқувчилари бир йилда 16 марта, уч йил давомида 48 марта ўз билим ва кўникмаларини синаб кўриш имкониятига эга бўладилар. “Б-тест” дастурида – ўз-ўзини касбий синовлар ва улар томонидан қўлга киритилган профессионал тажрибалари қайд этилиб борилади. Ўз-ўзини касбий синовлар натижасида ўқувчилар, танлаган касб бўйича тайёргарлиги ҳамда мазкур касб, ходимга қўядиган талаблари билан танишганлик ва билим, кўникмаларга эгалик даражасини ҳисобга олган ҳолда ўзининг индивидуал хусусиятларини, манфаатлари ва интилишларига солишириш имконини беради.

**Россиянинг** касбга йўналтириш ишларидаги тажрибалари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Россиянинг таълим тарихида ёшларни касб танлашга тайёрлаш муаммосини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган ва қаратилиб келмоқда. Бошқа мамлакатларда бўлгани каби, Россияда ҳам касб танлаш муаммоси ижтимоий меҳнатнинг тақсимланиши ва касблар пайдо бўлиши билан бирга юзага келган. Лекин, XIX аср охирига қадар, касб танлашга

илмий муаммо сифатида эътибор қаратилмаган, чунки одатда ёшлар ўз қизиқиши ёки қобилиятларини ҳисобга олмай, ота-оналари касбини танлашга мойил бўлганлар. Касб танлаш жараёнига илмий нуқтаи назарда эътибор қаратилмаган. Шу билан бирга ёшларга касб танлашга тайёрлаш фаолиятларини олиб борувчи ташкилотлар ҳам бўлмаган.

Бу ҳолат, саноат ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши ва қўплаб янги иш ўринлари ҳамда тор доирадаги мутахассисликлар пайдо бўлгунга қадар давом этган. Россияда касбга йўналтириш ишларига, асосан XX аср бошида эътибор қаратила бошлаган.

Бу даврга келиб, касбга йўналтириш хизматининг кенг тармоғи очилди, касбга йўналтириш бюро ва лабораториялар ҳамда турли илмий-тадқиқот институтларида касба йўналтириш методологик муаммолари билан шуғулланувчи психотехник лабораториялар ташкил этила бошлаган, илмий-тадқиқотлар методлари ривожлантирилди, касбга йўналтириш тестлари ишлаб чиқилди ҳамда касбни мутахассисга қўйиладиган талаблари ўрганила бошланди.

Кўпроқ эътибор, мактаблардаги касбга йўналтириш ишларига, айниқса, тарбиявий ишларга қаратилди. Кўпчилик ўқитувчилар ўқитаётган ўқув фанлари орқали касбга йўналтириш ишларини амалга оширганлар. Ёшларни касбни мустақил танлашга тайёрлашни назорат қилиш учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилган. Педагогик институтлари айрим бўлимлари (педагогик ва психотехник)да талабаларни касбга йўналтириш маҳсус тайёргарлик ишлари бошланган.

Кейинги йилларда, ўқувчиларни касбга йўналтиришга эътибор ошди, касбга йўналтириш назарияси ва амалиёти юзасидан тадқиқотларни кучайганини кузатиш мумкин. Унинг қўйидаги асосий компонентларини ишлаб чиқилди: касбий тарбия, касбий таълим, касбий маслаҳат, касбий танлов, касбий мослашиш. Ўқувчиларни мустақил равишда касб танлаш муаммоларини ҳамда касбга йўналтириш шакл ва методлари тадқиқ этилди. Мактаб ва корхоналар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳамда меҳнат таълимини

ривожлантириш чора-тадбирлар ишлаб чиқилди (Э.Ф.Зеер, Е.А.Климов, Н.С.Пряжников, С.Н.Чистякова, Н.Ф.Родичев, Е.О.Черкашин ва бошқ.).

XX аср 70-йилларнинг охирига келиб, мактаблар ва мактабдан ташқари болалар таълим муассасаларининг асосий фаолияти касбга йўналтириш ва касблар ҳақида маълумотлар йиғиш, касб танлаш имкониятлари ва бандликни таъминлашдан иборат бўлган. Мактабларда касбга йўналтириш ишларини ташкил этиш учун педагогик кадрларни тайёрлаш тизими ташкил этилди, касбга йўналтириш доирасидаги илмий тадқиқотлар сони ортди, мунтазам равишда натижалар акс этган илмий анжуманлар, симпозиум, семинарлар ўтказилди.

1980 йилларга келиб касбга йўналтириш ишлари давлат даражасига кўтарилади. Мехнат давлат қўмитаси хузурида, касбий маслахат пункларидан иборат кенг тармоқли бўлинмаларига эга бўлган худудий касбга йўналтириш марказлари ташкил этилди. Мактабнинг касбга йўналтириш тизимини ривожлантиришда ўкув-услубий хоналар муҳим ролни ўйнади.

XX асрнинг 90 йилларда Россияни бозор иқтисодиётига ўтиши, касбни мустақил танлаш тушунчалари ўзгаришига олиб келди, фукаролар орасида касбий фаолиятини қайта-қайта ўзгартириш эҳтимоли ошди.

Ўзгаришлар касбга йўналтириш сиёсатига ўз таъсирини кўрсатди. Инсонларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлиари касбга йўналтириш ишларга боғлиқ бўлиб қолди. Илм-фан ва амалиёт касбга йўналтириш муаммоларининг янги эчимларини топиш вазифасига дуч келди. 1990 йилда, С.Н.Чистякова раҳбарлигига “Мактаб–мехнат–касб”, шахснинг ривожланиш қонунларига, унинг қизиқишлиари ва эҳтиёжларига асосланиб ўқувчиларни касбга йўналтириш тизимининг янги ёндашувларни ишлаб чиқиш учун “Вақтинчалик илмий-тадқиқот жамоаси” ташкил этилди.

Россиянинг 2002 йилда жорий этилган маҳсус мактаблар ўқувчилари томонидан касбни мустақил танлашга тайёрлаш доирасида олиб борилаётган ишлар сезиларли даражада таъсир этди. Маҳсус касбий йўналтириш мактабгача ва бошланғич таълимига ҳам киритиш мумкин бўлди.

Касбга йўналтиришнинг асосий босқичи умумий таълимнинг асосий босқичи билан бир вақтга тўғри келади. Ўқувчилар таълим олиш йўналишни танлаш бўйича қарор қабул қиласидилар ҳамда маҳсус касбий таълимни ўзлаштирадилар, шунингдек, психологик-педагогик ва шахсий диагностикага эга бўладилар. Ўқувчиларда қабул қилган шахсий қарорларига нисбатан хурмати шаклланади, чунки у орқали юқори синфда маҳсус касбий таълимни олишга қарор қабул қиласиди.

Маҳсус касбий йўналтиришнинг якуний босқичи умумий таълимнинг юқори синфларида амалга оширилади, натижада, ўқувчида таълимни ёки мактабдан кейинги касбий фаолиятни давом эттиришга қарор шаклланади.

Касбга йўналтиришга маҳсус тайёргарлик ишлари: таълимни ёки иш фаолиятини давом эттиришни танлашда ёрдам кўрсатиш, касблар олами билан танишиш, меҳнат бозорида талаб ва эҳтиёжлари ҳақидаги ахборотлар базаси билан ишлаш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Халқаро тажрибаларни ўрганиш давомида касбга йўналтиришнинг мазмуни ва таҳлилига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ёшларни касбга йўналтиришнинг бир қатор йўналишлари мавжуд, булар: таҳлилий йўналиш, таълимий йўналиш, шахсга йўналтирилган йўналиш, шаклланаётган йўналиш, ривожланаётган йўналиш, унинг (қийматли, минтақавий, инсонпарварлик ва бошқ.) жиҳатлари кабилардир.

Таҳлилий йўналиш - иш фаолиятда фойдаланиш учун таҳлил воситаси ёрдамида аниқланадиган шахснинг қизиқиши ва қобилиятларини эътибор олган ҳолда касбга йўналтириш ишини олиб боради.

Ёшларни касбга йўналтиришда тарбиянинг ўрни беқиёс чунки, тарбия инсонни ташқи таъсирларга бўлган муносабатларига асосланган. К.Роберте, Д.Сюпер ва бошқалар “ҳар кимни ҳар қандай касбга ўргатиш мумкин, фақат унинг учун, самарали усулни танлаш зарур” - деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун, ёшларни ўқитишида, асосий вазифа шахснинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш ва ўқитиши учун оптималь шароитларни ташкил этиш лозим.

Бу олимларнинг фикрига кўра касбга йўналтириш ўқув жараёнинг ажралмас қисми бўлиши керак. Касбга йўналтиришнинг тарбиявий йўналиши ўқувчининг ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, касб танлашда ва берилган имкониятлардан фойдаланишда мустақил қарор қабул қила олишига ўргата олиши лозим.

Касбга йўналтиришнинг бундай ёндашуви шахс қобилиятларини ривожланишига олиб келади. Лекин, у дифференциал руҳий физиология назарияси ва амалиётида олинган маълумотларни инкор қиласди. Одамлар орасидаги мавжуд табиий ва кам ўзгарувчан индивидуал фарқлар бир хил касбларда чидамлиликни шакллантиришига ёки бошқаларига эса бажара олмас тўсиқ бўлиши мумкин.

Касбга йўналтиришда инсонийлик хиссини уйғотишда, ўқувчининг инсонпарварлик тушунчасининг умумий тамойилларига асосланилади.

Касбга йўналтиришнинг ривожланиши, касбни тўғри танланишини белгиловчи омилдир. Бу эса, касб танловчини муҳим ҳаётий ва касбий вазифаларини ҳал этиш жараёнида фаол бўлишини талаб этади. Касбга йўналтиришнинг асосий мақсади, ўқувчи томонидан касбни мустақил танлашда унинг психологик тайёргарлигини шакллантиришни жадаллаштиришdir.

Амалдаги касбга йўналтириш ишларида диагностика ва тарбия масалаларида узлуксизлик мавжуд бўлсада, ҳалигача бу соҳада олимлар ўртасида назарий ва амалий ишланмалар юзасидан муҳокамалар тўхтамаган.

Касбни мустақил танлашга тайёрлаш жараёнига, таълим жараёни сифатида қаралиши керак. Касбни мустақил танлашга тайёрлашни шакллантиришда, касб танловчини онгли ва асосланган касбий фаолият турини танлаш имконини берувчи мотивацион муносабатини, қобилиятни, муҳим шахсий фазилатларини ифода этиш ва ривожлантиришга ўргатиш керакки, шу орқали касб танловчининг ўзининг шахсий ички ресурсларини ишга тушуриш билан ўзининг касбий фаолиятини олиб бора олсин.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда ривожланган мамлакатларда ўқувчиларни касбга йўналтиришга катта эътибор қаратилади, деб хулоса қилиш мумкин. Шу билан бирга, касб танлашда, меҳнат бозори шароитида ўзини-ўзи баҳолай олиш қобилиятига ҳамда етарли даражада рақобатбардош бўлишга интилиш устувор вазифа ҳисобланади. Хорижий мамлакатлардаги касбга йўналтириш соҳасидаги муаммоларини ўрганганимиз, бизга, ўтмишдан қолган ва ҳозирги кундаги педагогик анъанаримизни, тажрибаларимизни қайтадан кўриб чиқиш, таҳлил қилиш ҳамда ўқувчиларни касбга йўналтиришга ва ўқитувчиларни бу жараённи бошқаришга тайёрлашга бўлган қарашларимизнинг ўзгариши динамикасини кузатиш имконини беради.

Хорижий мамлакатлар касбга йўналтириш тажрибалари шуни кўрсатиб турибдики, аксарият мамлакатларда ҳозирда таълимни инсонпарварлаштириш тенденцияси кенг тарқалган. Таълим тизимлари прагматик, динамик, мослаштирилганлиги билан фарқ қилмоқда. Кўп мамлакатларда, таълим модернизациялашиши нафақат таълим-тарбиянинг структурасига балки, ўқувчиларни касб танлашга тайёрлаш тизимиға ҳам таъсир қилган.

Хорижий давлатлар тажрибасида касбга йўналтириш ва бандликни таъминлашга, касб ҳақида маълумот ва маслаҳат бериш, касбни ўқувчи томонидан танлашга тайёрлаш, унинг бандлигини таъминлаш ва меҳнат фаолиятига мослашуви (адаптацияси)ни таъминловчи жараёнларни ўз ичига олувчи ягона комплекс сифатида қаралмоқда. Хорижий олимларнинг мазкур комплекснинг қисмлари ҳақидаги фикрлари шуни ифодалайдики, ўқувчининг ўқишдан меҳнат фаолиятига ўтиши - натижавий ҳаракатдир.

Халқаро ҳамжамият томонидан тўпланган педагогик тенденциялар ва ёшларни касбга йўналтириш тажрибалари, бизнинг таълим тизимимиз қизиқишини уйғотмоқда ҳамда ҳозирда жорий этиш бўйича тажрибалар ва чора-тадбирлар белгилаш мақсадга мувофиқ эканлигини англатмоқда.

Жаҳоннинг ёшларни касбга йўналтириш тажрибасидан келиб чиқиб, касбга йўналтиришда диагностик йўналишининг асосий мақсади боланинг

туғма салоҳиятини ташхис қилишдан иборат, шунинг учун ўқувчига ўз устида ишлаш шароитини яратиш лозим.

Шахсни ижтимоийлашувини ривожлантириш асосида турмуш тарзини танлашга, ёки оддий қилиб айтганда мактаб ўқувчиларини касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш жараёни такомиллаштирилса, шундагина касбга йўналтириш ишлари шахсга йўналган бўлади.

### **ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Касбга йўналтиришнинг психологик жиҳатларини тушунтиринг.
2. Касбга йўналтиришни моҳияти ва мазмуни изоҳлаб беринг.
3. Касбга йўналтириш асослари тўғрисидаги таълимот, фан, техника ва ижтимоий тараққиёт, касбни тўғри танлашнинг аҳамияти, касбга бўлган қизиқиши шакллантириш мазмунини тушунтиринг.
4. Профессиограмма нима?
5. Касб қандай танланади?.
6. Касблар характеристикаси – профессиограмма нимани билдиради?
7. Касбга йўналтириш ишларига қўйиладиган талаблар ва хатоликлар қайсилар?
8. Психологиянинг асосий принциплари ва уларнинг касб танлаш ишларидаги аҳамияти.

## **П БОБ. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ**

### **2.1. Узлуксиз таълим жараёнида касбга йўналтириш босқичлари**

Касбий фаолият инсон ҳаётида унинг ижтимоий интилишларини, ўзини намоён этишни ва англашни таъминлашнинг асоси ҳисобланади. Шуни таъкидлаш мумкинки, касбга йўналтириш, таълим жараёнида олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва ушбу билимларни касбий фаолиятни кўнишка ва маҳоратга айлантириш таълим тизимининг устувор йўналиши бўлиши лозим.

Ўзбекистан Республикасининг ижтимоий - иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устивор соҳа - бу узлуксиз таълим бўлиб, у кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси ҳисобланади.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қўйидаги таълим турларини уз ичига олади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- касб-хунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

•Касбни тўғри танлаш - инсон турмушида муҳим қадамдир, ёш авлоднинг бутун ҳаётидаги муваффақияти кўп жиҳатдан касбнинг қанчалик тўғри танланишига боғлиқ.

•Касбни тўғри танлаш ҳар бир мактаб ўқувчисининг қизиқишига, майлига, қобилиятига ва имкониятларига мос бўлиши учун унинг соғлигини, ўзлаштиришини ва ҳиссиётларини хисобга олиш лозим, булар ижтимоий фойдали ва унумли меҳнатда хаммадан кўра кўпроқ қарор топади ва намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сонли **Фармонида** ўқувчиларнинг ўқув, психологик ва жисмоний юкламаларини оптималлаштиришни хисобга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шаклларини, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини, касбга йўналтириш, таълим ва тарбиянинг самарали усулларини жорий этиш алоҳида белгилаб қўйилди.

Касбни мустақил танлаш кичик ёш давриданоқ бошланиб инсоннинг келажакдаги бутун ҳаётига таъсир этадиган зарурий қарор қабул қиласиган ўспиринлик даврида яқунланади. Ўқувчи ёшларни касб-ҳунарни мустақил танлашга кичик ёшдан тайёрлаш учун уларнинг психофизиологик хусусиятлари асосида ташкил этиш лозим. Бунинг учун таълим тизимининг маҳсус касбга йўналтириш дастури бўлиши мақсадга мувофиқдир.

“Умумий ўрта таълим мактабларида узлуксиз касб-ҳунарга йўналтириш” тўрт босқичдан иборат бўлиб, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, бошланғич, ўрта ва юқори синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда узлуксиз касб-ҳунарга йўналтириш ишларини олиб бориш ҳамда меҳнат қилиш кўникмасини, малакаларини ривожлантиришга мўлжалланган маҳсус дастур амалиётга киритилган. Мазкур дастурда касб-ҳунарга йўналтиришнинг аниқ мақсадлари, вазифа ва йўналишлари, мактаб ўқувчилари билан олиб бориладиган касб-ҳунарга

йўналтириш ишларининг босқичлари белгилаб берилган ҳамда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази фаолияти янада такомиллаштириш белгиланган, ушбу босқичлар орқали умумий ўрта таълим мактабларида касбга йўналтириш ишларини касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш сифатида тадқиқ қилинди.

Умумий ўрта таълим мактабларида узлуксиз касб-хунарга йўналтириш Дастурига кўра:

Биринчи босқич “Касблар алифбоси” билан танишиш, эрта касб-хунарга йўналтириш. Мактабгача таълим муассасаларида 5-6 ёшдан бошлаб касб-хунарга йўналтириш ишлари ташкил қилинади ва амалга оширилади.

*Эрта касб-хунарга йўналтиришининг асосий мақсад ва вазифалари:*

- болаларда инсонлар турли касб эгалари ҳақидаги билим ва тасаввурларининг ривожланиши ва шаклланиши;
- болаларда турли ҳамда кенг тарқалган касбларга қизиқишини, ривожлантириш ва унга ижобий муносабатни шакллантириш;
- катталар меҳнати, меҳнат натижаси, меҳнат қуроллари ҳақидаги бирламчи тасаввурларини мустаҳкамлаш учун шароитлар яратиш;
- мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида меҳнат малакалари ва қўникмаларини оиласиб шароитда тарбиялаш юзасидан отаоналарга тавсиялар бериш.

*Касб-хунарга йўналтириши ишларининг услуги ва воситалари:*

- касб-хунарга йўналтириш ҳақида хикоялар, сухбат, шеърлар, топишмоқлар, китоблар, (кatta боғча ёш даврига хос бўлган болаларга тушунарли тилда касбий маълумот бериш);
- касбга йуналтириш мавзусида расм (карточка), плакатлар, слайдлар, видеофильмлар намойиш қилиш (кatta ёш даврга хос бўлган қўргазмали-образли касбий маълумот);
- ривожлантирувчи ва ўргатувчи касбий ўйинлар (кatta ёш даврга хос бўлган касбий маълумот, ўйин, ўқув ва коммуникатив фаолиятлари билан биргаликда);

- ўқув дарслари, “мехнат дарси” конкурслар (мактабгача ёш даврида меҳнат ва ижодий, ўқув-ўйин фаолиятининг жараёнида касбий маълумот);
- ота-оналар учун сұхбат ва топшириқлар (болаларни касбга йўналтириш бўйича тавсиялари, касбий маслаҳат, касбий маърифат, уларнинг билимларини мустахкамлаш ва ривожлантириш, оддий ўйин, ўқув, меҳнат малакалари ва кўникмаларини оилавий шароитда тарбиялаш) ишларини олиб бориши назарда тутилган.

## **2.2. Мактабгача таълим муассасаларида касб-хунарга йўналтириш**

Узлуксиз таълимнинг биринчи босқичи мактабгача таълим бўлиб хозирда бу соҳада фаолияти тубдан ислоҳ этилмоқда, жумладан Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган дастурни қабул қилиниши, бу дастурда илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш; мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнинга жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш алоҳида таъкидлаб ўтилган.

“Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” асосида, мактабгача таълим тизимида барча муассасаларда касб-хунарга йўналтириш “Болажон” таянч Дастури асосида олиб борилган. Мазкур Дастурда, болаларда меҳнат қилиш туйғусини шакллантириш, болаларда катталар меҳнатига қизиқишини тарбиялаш ишлари («Болажон» таянч дастури “Билиш жараёни” бўлимида “Атроф олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш” қисмининг “Катталар меҳнати” банди асосида) олиб борилган, масалан:

Кичик (3-4 ёш) гуруҳ болаларини энага, ошпаз, қоровул, ҳамшира, боғбон, сотувчи меҳнати ҳақида таништириш ҳамда кир юувчи ва

ҳайдовчилар мөхнати ҳақида сұхбат қилиш; Уларнинг мөхнати ҳақидаги тасаввурларини бойитиш; Уларнинг мөхнат жараёнлари (энага хонани тозалайди, идиш-товоқларни, деразаларни ювади, сочиқларни алмаштиради, овқат келтиради, болаларнинг кийинишилариға ёрдам беради ва ҳ.к) кабилар билан таништириш; Болаларда катталарнинг мөхнати натижаларини ҳурмат қилишга ва эъзозлашга ўргатиш назарда тутилган.

Ўрта (4-5 ёш) гурух болаларда катталар мөхнатига ҳурмат ва қизиқишиссини тарбиялаш; Ўзбек халқининг миллий ҳунармандчилиги, дурадгорлик, дәхқон мөхнати билан таништириш, ўз тарбиячиси ва бошқалар мөхнати ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш ҳамда боғбон ва қурувчи мөхнатини кузатиш ишлари олиб бориш назарда тутилган.

Катта (5-6 ёш) гурух ишлаб чиқариш корхоналари, қурилишлар, далаларда қилинадиган мөхнат ҳақидаги билимларини такомиллаштириш; Уларни яқин атрофдаги корхонага олиб бориш (мебель, автомобиль, телевизор, чинни ишлаб чиқарувчи корхона, новвойхона ва ҳ.к.) ҳақидаги билимларини аниқлаш ва такомиллаштириш; Матонатли касб әгалари мавзусида сұхбат қилиш, пахтакор, боғбон, пиллакорлар дәхқон, чорвадор, тикувчи, шифокор мөхнати билан таништириш; Тарбиячи, ўқитувчи, тикувчи, сотувчи, шифокор ва ҳ.к. касб әгаларининг мөхнат жараёнини кузатиб бориш назарда тутилган.

Фақатгина катта (5-6 ёш) гурухда (машинасоз, тикувчи, косиб, нонвой, ошпаз, ўймакор, бўёқчи, ҳайдовчи) касблар билан таништириш ишлари олиб борилиши назарда тутилган.

Тайёрлов (6-7 ёш) гурух болаларни катталар мөхнати ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш, кишилар мөхнатига ҳурмат ҳиссини тарбиялашни давом эттирилади; Болаларга дәхқончилик, чорвачилик, кулолчилик, тикувчилик ҳақида сўзлаб берилади, ўт ўчирувчилар, учувчи, қурувчилар ҳамда бозор турлари ҳақида сұхбат қилиш; Шифокор, боғбон, ошпаз, ҳайдовчи, каштачилик ва кулолчилик санъати билан таништириш; Алоқа бўлими ва янги қурилаётган қурилишлар биносига саёҳат уюштириш;

Бозор ҳақида тушунча бериш; Касб-хунарга оид “Дўкон”, “Деҳқон бобо”, “Почта”, “Чевар”, “Хайдовчи”, “Ўқитувчи”, “Ҳамшира”, “Бозор-бозор”, “Ошпаз” ўйинларини ўйнаш назарда тутилган.

Мактабгача ёшдаги болаларни касб билан таништириш – янги ва ҳали ўрганилмаган йўналишидир ва мактабгача таълим тизими педагог ходимлари учун кенг қамровли фаолиятдир.

Мактабгача таълимда касбга йўналтириш ишларини уч даврга бўлинса мақсадга мувофиқ бўлади: кичик мактабгача ёш (3-4 ёш, кичик гурӯҳ); ўрта мактабгача ёш (4-5 ёш, ўрта гурӯҳ); катта мактабгача ёш (5-7 ёш, катта ва тайёрлов гурӯҳлар).

Мактабгача таълим муассаса тарбияланувчиларнинг касблар ҳақида тасаввурларини шакллантиришда қўйидаги вазифаларни (ёш даврлар кесимида) амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

*Кичик мактабгача ёшдаги болалар (3-4 ёш).*

Вазифалар:

- болаларда баъзи касблар ҳақида бошланғич тасаввурларини шакллантириш, оддий касб турлари ва асбоблари (касб эгаси меҳнат фаолиятида ишлатадиган);
- асосий фаолият тури бевосита инсонларга ғамхўрлик (қайғуриш) билан боғлиқ бўлган касб эгаларини ажратишни (фарқлашни) ўргатиш;
- болаларнинг эътиборини асосан меҳнат қилаётган, миллий эртаклар ва ижодий адабиётлар ижодий қаҳрамонлари қаратиш лозим;
- яқин атрофдаги одамлар касбий фаолиятида олиб бораётган ишларининг хавфсиз усуллари ҳақида тасаввурларини ошириш.

*Ўрта мактабгача ёшдаги болалар (4-5 ёш).*

Вазифалар:

- болаларни, инсон ва жамият талабини қондиришга қаратилган касблар ҳақида тасаввурини шакллантириш;
- болаларни, иш фаолияти қийин бўлган касблар ҳақида тасаввурини шакллантириш;

- инсонлар мөхнат қилишининг асосий сабаблари ҳақида болаларнинг тасаввурини шакллантириш;
- касбларни солиштира олишни ўргатиши;
- бола учун тушунарли бўлган, муайян мөхнат турининг мазмунини ажрата (фарқлай) олишни ўргатиши;
- кенг тарқалган, фавқулодда ҳолатлар ёки маҳсус хизматлар билан боғлик бўлган касбий фаолият турлари билан таништириш.

*Катта мактабгача ёшдаги болалар (4-5 ёши).*

Вазифалар:

- болаларда касб турлари, мөхнат натижасининг шахсга ва жамиятга аҳамияти ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш ва таснифлаш;
- инсонлар ишини енгиллаштирадиган турли хилдаги техникалар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш ва таснифлаш;
- мөхнатнинг иқтисодий тушунчалари ҳақидаги бошланғич тасаввурларини шакллантириш;
- болаларни, касбий фаолиятнинг турли йўналишлари ҳақидаги тасаввурларини адабий китоблардан фойдаланган ҳолда шакллантириш;
- мөхнат фаолият йил фасллари билан боғлик бўлган касб эгалари ҳақидаги билимларини таснифлаш;
- ижодкорлик билан боғлик бўлган касблар билан таништириш: рассом, ёзувчи, композитор, миллий ҳунармандилик, куличилик.

*Мактабга тайёрлов ёшдаги болалар (6-7 ёши)*

Вазифалар:

- инсон, жамият ва давлат талабини қондириш билан боғлик бўлган касблар ҳақида тасаввурини (касб турининг мақсад ва вазифасини; инсон, жамият ва давлат аҳамиятига молик бўлган баъзи мөхнат жараёнларини, натижаларини, мөхнатнинг иқтисодий тушунчаларини) кенгайтириш ва таснифлаш;
- замонавий касблар ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш ва таснифлаш;

- худудда мавжуд ва ҳудуд шароитига мос касблар ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш ва таснифлаш;
- инсоннинг ёрдамчиси бўлган – механизм, машина ва қурилмаларнинг роли ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш;
- ишлаб чиқариш (тикувчилик, қурувчилик, озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариши) ва хизмат кўрсатиш (тиббиёт, савдо, таълим) билан боғлиқ бўлган турли касблар ва уларнинг фаолият натижалари ҳақидаги тушунчаларини шакллантириш;

Мактабгача таълимнинг якунига қадар белгиланган вазифаларни амалга оширилиши билан қўйидаги натижаларга эришилади:

- бола, касб эгалари меҳнати фаолиятида ишлатадиган техника ва жихозлар вазифалари ҳақида билади;
- турли иқтисодий соҳадаги касбларни айта олади;
- касбни муҳим белгиларидан фарқлай олади;
- турли касб эгаларининг касбий муҳим сифатларини айта олади;
- меҳнат фаолиятининг тузилиш (мақсад, материаллар, жихозлар, меҳнат фаолияти, натижа)ларни ажратади;
- хар ҳил турдаги меҳнат ва касбларнинг ўзаро алоқасини тушунтира олади;
- инсон манфаатида меҳнатнинг ролини тушунтира олади;
- оила бюджети ва пулнинг вазифаси ҳақида тушуналарга эга бўлади;
- турли касбдаги инсонларнинг ўзаро муносабатларини ўйинларда фойдалана олади;
- катталарнинг меҳнат фаолиятида (қўлидан келганча) ёрдам беради;
- меҳнат фаолиятига ижобий ёндашади;
- уй жихозларидан (хавфсизликни ҳисобга олган) фойдалана олади.

Мактабгача таълим жараёнини юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб режа асосида олиб борилса, ижобий натижага эришилади ҳамда бу натижалар тарбияланувчиларга умумий ўрта таълим мактабида касб-хунарни мустақил танлашларига замин бўлади.

## **2.3. Мактаб ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш**

Касбга йўналтириш – бу ўқувчининг бутун ҳаёти учун ўзи томонидан касб танлаши эмас, балки, инсон касбий фаолиятини бошлагандан, ўзини унда намоён эта олиши учун шахсий ички ресурсларини фаоллаштириши ҳамда касб-хунарни мустақил танлашга тайёрланишнинг шаклланишидир.

Юқорида қайд этилган дастурнинг иккинчи босқичининг вазифаси “Ким бўлсан экан?” бошланғич касб-хунарга йўналтиришдир. Касб-хунарга йўналтириш ишлари бошланғич синфларда (1-4 синфлар) кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун (6-9 ёки 7-10 ёшлилар) ташкил этилади ва амалга оширилади.

Бошланғич касб-хунарга йўналтиришнинг асосий максад ва вазифалари:

- кичик мактаб ёшида ўқишга ва меҳнатга вижданан муносабатда бўлишни шакллантириш, уларнинг жамиятда ва инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эгалигини тушуниш;
- ота-онасининг ва бошқа оила аъзоларининг ҳамда турли касбларга бўлган қизиқишини ривожлантириш, “Касблар олами” билан таништириш;
- ўқув, меҳнат, ижодий ва коммуникатив фаолиятда малака ва кўнималарни ривожлантириш;
- кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик-педагогик ташхиси, умумий психологик, ақлий ва жисмоний ривожланиши корекцияси (бошланғич синфда ўқиш ва ушбу босқичда касб-хунарга йўналтиришнинг вазифалари билан боғлиқ);
- кўргазмали-образли, кўргазмали-харакат, вербал ва мантикий тафаккурни, тасаввурни, қўрган ва эшитган маълумотларни ёдда сақлаш ва қайта тиклашнинг оддий ва мураккаб операцияларини ривожлантириш (касбий маълумотни қабул қилиш билан боғлиқ); умумий ўқув, меҳнат ва коммуникатив малака ва кўнималарини ривожлантириш (бирор бир касб учун аҳамиятли бўлган ўқув фанларини ўзлаштириши билан боғлиқ);

- кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг иқтидорини, қобилиятини аниклаш, ота-оналар учун тавсиялар ишлаб чиқиш (иқтидорли боланинг бошланғич синфларда ва оиласда таълим ва тарбияси; шунингдек, келгусида ихтисослаштирилган лицей, мактаб ёки интернатларда ўқиш имконияти билан боғлик).

#### Касб-хунарга йўналтириш ишларининг услуби ва воситалари:

- касб-хунарга йўналтириш ҳакида хикоя, сухбат, шеър, топишмоқлар, китоблар, (кичик мактаб ёши даврига тушунарли тарзда касбий маълумот бериш);

- касбга йўналтириш мавзусида расм (карточка), плакатлар, слайдлар, видеофильмлар намойиш қилиш (кичик мактаб ёши даврига тушунарли тарзда кўргазмали-образли касбий маълумот бериш);

- ривожлантирувчи ва ўргатувчи касбий ўйинлар (кичик мактаб ўқувчиларига ўйин, ўқув ва коммуникатив фаолиятлари билан биргаликда касбий маълумот бериш);

- ўқув дарслари, “мехнат дарси”, “касбга йўналтириш дарслари” конкурслар (мехнат ва ижодий, ўқув фаолият жараёнида касбий маълумот);

- ота-оналар учун сухбат ва топшириқлар (болаларни касбга йўналтириш бўйича тавсиялари, касбий маслаҳат, касбий маърифат, уларнинг билимларини мустахкамлаш ва ривожлантириш, меҳнат малакалари ва кўникмаларини оилавий шароитда тарбиялаш).

Учинчи босқич – “Касблар оламига саёҳат” қидирув- ривожлантирувчи касбга йўналтириш”. Касб-хунарга йуналтириш ишлари ўрта синфларда (V-VI-VII синфлар) кичик умумий ўрта таълим мактабларининг кичик ва ўрта ёшдаги ўсмирлар учун 11- 12, 13 -14 ёшлилар) ташкил этилади ва амалга оширилади.

#### Қидирув касб-хунарга йўналтиришнинг асосий мақсад ва вазифалари.

- турли хил соҳадаги мутахассислик фаолияти бўйича қизиқишиларини, жамиятдаги ижтимоий институтлар ва аниқ касб, мутахассисликни танлашни қўллаб-қуватлаш ва ривожлантириш.

- ўқувчиларни индивидуал психологик ва шахсий хусусиятларини психологик-педагогик ташхис (ушбу босқичда касбга йўналтириш вазифалари ва педагогик коррекция ишлари билан боғлиқ );
- шахснинг касбий ўзлигини белгилашни шакллантириш ва ривожлантириш, касб танлаш билан боғлиқ бўлган ўсмирнинг индивидуал психологик ва шахсий хусусиятларини, қизиқиш, лаёқат, қобилиятини англаши;
- ўқув, меҳнат, коммуникатив ва ижодий фаолиятда малака ва кўникмаларнинг шакллантириш, (алоҳида касбга таалуқли бўлган предмет ҳақидаги билимларни ўзлаштириш);
- оддий ва мураккаб, вербал ва новербал мантиқий тафаккур, фазовий тасаввурини, эсда сақлаш ва қайта эсга тушириш малакаларини ривожлантириш (касбга йўналтириш ҳақидаги маълумотларни ўзлаштириш билан боғлиқ);
- иқтидорли болаларни ижодий ёки маҳсус қобилиятларини ривожлантириш мақсадида психологик-педагогик қўлаб–куватлаш; отоналарга тавсиялар ишлаб чиқиши (иқтидорли болани оиласда тарбиялаш ва мактабда ўқитиши мақсадида ихтисослаштирилган лицей, мактаб, интернатларга кириш учун касбий маслаҳат).

#### Касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг услуби ва воситалари:

- касбга йўналтириш бўйича гуруҳий сухбатлар ва индивидуал касбий маслаҳат (ўсмирлар учун касбий маълумотлар);
- касбга йўналтириш мавзусида плакатлар, слайдлар, видеофильмлар намойиш қилиши (ўсмир учун кўргазмали воситалар ёрдамида касбий маълумот);
- “меҳнат дарслари”, “касб-ҳунарга йўналтириш дарслари”, “ижодий конкурслар”, “викториналар” (ўқув, меҳнат, ижодий фаолият жараёнида касбий маълумот);

- ота-оналар учун сұхбат ва топшириқлар (касбий маърифат, касбий маслаҳат, ўсмирларга касб-хунарга йўналтириш, оилавий шароитда билим, малака ва қўникмаларини мустаҳкамлашни тарбиялаш бўйича тавсиялар).

Тўртингчи босқич: “Мен орзу қилган касб” шахснинг касбий йўналғанлигини шакллантириш ва ривожлантириш”. Касб-хунарга йуналтириш ишлари умумий ўрта таълим мактаблари (VIII – IX синфлар) катта ёшдаги ўсмирлар учун (15-16 ёшлилар) ташкил этилади ва амалга оширилади.

- ўқувчиларда шахснинг касб-хунарга йўналғанлигини шакллантириш ва ривожлантириш, ўрта маҳсус касб-хунар тизимида касб ва аниқ тайёрлов йўналишини танлаш билан боғлиқ бўлган касбий қизиқиш, касбий мақсад ва қадрият ва мотивларнинг йўналғанлигини англаши;

- касбий фаолиятнинг аниқ соҳасига касбий қизиқишини шакллантириш ва ривожлантириш, аниқ касб, мутахассис ва тайёрлов йўналишини онгли равишда танлаши (академик лицей ёки касб-хунар коллежи);

- ўқув, меҳнат, коммуникатив ва ижодий фаолиятда билим малака ва қўникмаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш (аниқ касб ва мутахассислик учун аҳамиятга эга бўлган);

- ўқувчиларнинг индивидуал психологик ва шахсий хусусиятларини психологик-педагогик ташхиси (бу босқичда педагогик коррекция ишлари ва касбга йўналтириш вазифалари билан боғлиқ бўлган);

- мураккаб новербал, вербал, мантикий ва абстракт тафаккурни ҳамда фазовий тасаввурни, оператив ва узоқ вақтли хотирани ривожлантириш (касб-хунарга йўналтириш маълумотларини ва предмет билимларини ўзлаштириш учун);

- иқтидорли ўта қобилиятли юқори ўқувчиларини психологик-педагогик қўлаб-қувватлаш; ота-оналарга тавсиялар ишлаб чиқиш (касбий маслаҳат, касбий маълумот, касб, мутахассислик танлаш билан ва академик лицей ёки касб-хунар коллажларига кириш имконияти билан боғлиқ бўлган);

### Касб-хунарга йўналтириш ишларининг услуби ва воситалари:

- касб-хунарга йўналтириш бўйича гуруҳий сухбатлар, индивидуал касбий маслаҳатлар (катта ёшдаги ўсмир болалар учун касбий маълумот);
- касб-хунарга йўналтириш бўйича плакатлар, слайдлар, видеофильмлар намойиши (юқори синф ўқувчилари учун касбий маълумотнинг кўргазмали воситалари);
- «меҳнат дарси», «касб-хунарга йўналтириш дарси», «ижодий конкурслар, викториналар, диспутлар» (шахснинг касбий йўналиши, касб, мутахассислик ва тайёрлов йўналишини танлаши билан боғлиқ);
- Ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасаларига, корхона, ташкилотларга экспурсия;
- Ота-оналар учун сухбатлар ва тавсиялар (ўсмирларни касбга йўналтириш, тайёрлов йўналиши ва касб танлаши бўйича; оиласий тарбия шароитида шахснинг касбий йўналганлигини шакллантириш бўйича) бериб борилади.

Қайд этиш керакки, умумий ўрта таълим босқичи ҳам ана шу узвийлик ва узлуксизлик жараёнида ҳал қилувчи ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки бошлангич таълимни олгач 5-9-синф ўқувчиларини изчил равишда олий таълим муассасалари академик лицейларига тайёрлаш босқичига ёки 10-11 синфларда ўқитиладиган ўқув ишлаб чиқариш мажмуаси (ЎИЧМ) касбга тайёрлаб борилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 октябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 868-сон қарорига мувофиқ таълим муассасаларида умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари учун ўқув ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этилди.

Белгиланган вазифалар ижроси юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Касб-хунар таълими марказининг 2018 йил 29 марта даги “Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига

ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида бериладиган касблар бўйича малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 16, 6/ҚҚ-сон қўшма қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Касб-хунар таълими марказининг 2018 йил 28 майдаги “Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида ўргатиладиган касбларнинг ўқув дастурларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 28, 13/ҚҚ-сон қўшма қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор асосида умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига касб ўргатиш учун ўқув методик мажмуалар ишлаб чиқилди.

Бунда, айниқса, 8–9-синфлар ўқувчиларини касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш муҳим педагогик вазифалардан ҳисобланади. Касбга йўналтириш эса ўқувчиларга касбий билимлар бериш билан характерланади. Касбий билим - ўқувчиларга турли касблар, мутахассисликлар, ихтисосликлар ҳақида маълумот бериш; таълим турлари, танланган касб ва мутахассисликни қайси таълим муассасасида олиш мумкинлиги; бундан ташқари, касбларни инсоннинг жисмоний, руҳий ва шахсий сифатларини инобатга олган ҳолда танлашни назарда тутади.

Ижтимоий талабларни қондириш мақсадида, мактабда касбга йўналтириш юзасидан олиб бориладиган ишларни мазмунан янгилаш, изчил йўлга қўйиш зарурати туғилмоқда.

Мактабда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш биргина меҳнат таълими ўқитувчисининг иши эмас, балки бутун мактаб жамоасининг, маҳалла, ота-оналар, жамоатчиликнинг биргаликдаги ишидир. Мактабда фан ўқитувчилари томонидан мавзулар касблар билан боғлаб ўтилса, мактаб психологи томонидан ўқувчиларнинг қизиқишлиари, мойиликлари ва индивидуал қобилияtlари ҳисобга олинган ҳолда таълим-тарбия ишлари ташкил этилгандағина ўқувчилар касб-хунарни мустақил танлашга тайёр бўладилар.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари таълим-тарбия билан узвий кечадиган, унинг барча қирраларини қамраб оладиган узлуксиз жараёндир. Мактабгача, умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабдан ташқари, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари, жамоа ташкилотлари ҳамда ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорлиги бу жараённинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Бундай ҳамкорлик ўсиб келаётган ёш авлодга онгли ва ўз ихтиёри, қизиқиши, хоҳиш-истакларига асосан мустақил касб танлаш, ўз касбий истиқболини белгилаш ҳамда жамият равнақига муносиб ҳисса қўшиш имконини яратади. Зеро, касбий таълим-тарбиядан асосий мақсад - бу умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчи ва битирувчиларини онгли ва мустақил равишда касб-хунар танлашга тайёрлаш, келгуси таълимнинг йўналишини ва касб-хунар эгаллашнинг усулларини аниқлашдир.

Бешинчи якуний босқич: “касбий мослашиш, касбий ўсиш ва шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши”. Ёшларнинг касбий мослашиши, касбий ўсиш ва шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши касб-хунар таълими муассасаларида амалга оширилади.

## **2.4. Касб-хунарга йўналтиришда касбий мотив ва мотивацияни шакллантириш**

Шахснинг иш фаолияти билан боғлиқ мотивацияларни З гурухга ажратиш мумкин; биринчиси - меҳнат фаолияти мотивлари, иккинчиси - касб танлаш мотивлари ва учинчиси-иш жойини танлаш мотивлари. Аниқ фаолият эса барчасини жамланган ҳолда изоҳланади, яъни, бунда меҳнат фаолияти мотивлари, касб танлаш мотивларининг шаклланиши, шунингдек, қолган иккита мотив орқали эса иш жойини танлаш мотивлари ҳам юзага келади. Меҳнат фаолияти мотивлари хилма-хил бўлиб, улар ўзига хос омиллар билан белгиланади. Биринчи гуруҳ омилларига жамоавий характернинг уйғониши билан боғлиқлари киритилиб, бунда жамоага фойда тегишини англаш, бошқа

инсонларга ёрдам бериш истаги, меҳнат фаолиятида ижтимоий установканинг зарурлиги ва бошқаларга нисбатан тобеликни ҳоҳламаслик каби мотивлар ҳисобланади. Иккинчи гурух омиллари ўзи ва оиласи учун моддий маблағнинг ортирилиши, моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг қондирилиши учун пул ишлаб топиш мотивларидир. Учинчи гурухга ўзини ўзи фаоллаштириш, ривожлантириш, ўзини намоён қилиш эҳтиёжларининг қондирилиши ва бошқалар киради. Маълумки, инсонлар табиатдан бирор-бир фаолият билан шугулланмасдан туролмайдилар. Инсон нафақат истеъмолчи балки яратувчи бўлиб, яратиш жараёнида у ижоддан илҳом олади. Бу гурухга мансуб мотив жамият томонидан эҳтиёжларнинг қондирилиши ва бошқаларнинг ҳурматини қозониш билан боғлиқ. Мактаб ўқувчиларининг меҳнат тарбияси ҳам шу мотив билан боғлиқ равища шакллантирилади. Меҳнат фаолиятининг умумий мотивлари юқорида айтиб ўтилганидек, аниқ қасблар доирасида амалга ошади. Қасб танлаш анчагина қийин ва мотивацион жараёндир. Ахир шахснинг тўғри қасб танлаши кўпинча инсоннинг ҳаётдан қониқишига ҳам сабаб бўлади. Инсоннинг қайси фаолиятини танлаши кўпроқ ташқи омиллар ҳақидаги қарорнинг қабул қилиниши жараёни ҳақида тўхталиши муҳимдир. Бу асосан ташқи ҳолат баҳоларига, ўзининг имконият ва қобилиятларига, қасб танлашдаги қизиқиш ва мойилликларига боғлиқдир. Ташқи ҳолатини баҳолаш, ижобий таъсир кўрсатадиган омиллар, ўзида ишлаб топиладиган пул миқдори, имтиёз, таклиф этилаётган корхона, муассасанинг яшаш жойига яқин бўлиши, транспорт алоқаларининг қулайлиги, иш жойи эстетикаси ва ишлаб чиқаришнинг заарли томонлари, жамоадаги психологик иқлим, мақтов ва тартибга чақириш кабиларни қамраб олади. Ўз имкониятларини баҳолаш соғломлиги, ишга яроқлилиги, қасби бўйича муҳим сифатларга эгалиги, билим даражаси, стрессларсиз ишга мойиллиги, юқори шовқинли ишда талаб этилган темп ва хотиржам ритм билан ишлай олиш имконияти кабиларни ўз ичига олади. Қизиқишлирга мос равища танланган иш жойини баҳолаш, айни вақтда ишлаётган муассасаси, корхонадаги имконият тўсиқлари, ишни

бошқариш, касбий ўсиш, ташаббуснинг пайдо бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Баъзан қизиқиш бўйича иш жойини танлаш муҳим аҳамият касб этади. Иш жойини ва касбни танлаш мотивлари Э.С.Чучунай томонидан классификасия қилинган. У касб мотивларини қуидагиларга ажратади:

- 1) Доминант (касбга қизиқишнинг устун туриши).
- 2) Вазият билан боғлиқ (ҳар доим инсонни қизиқтириб келган шарт шароитларни рўёбга чиқариш).
- 3) Комформист.
- 4) Касбий мотивациялар (ўзига яқин ижтимоий оламнинг яъни яқинларини, дўст ва танишларининг маслаҳатлари билан).

Л.И.Бамбурова мусиқа ижрочилик касбини танлашга сабаб бўлувчи омиллар сифатида қуидагиларни ажратиб кўрсатади:

Ижод ва мусиқа ижро этишга бўлган қизиқиш. Мусиқадан завқланишга бўлган эҳтиёж. Мусиқа асарларини ижро этишда ўзи ташаббус кўрсатишга интилиш. Тингловчиларнинг қадриятини кўтариш, уларга роҳат баҳш этиш ҳоҳиши. Албатта юқоридагилар мусиқа ижрочилик фаолиятининг тўлиқ мотивлари эмас. Улар фақатгина мусиқачилик фаолиятини бошлишга олиб келади. А.П.Василев тиббиёт ходими касбини танлашнинг қуидаги асосий мотивларини келтириб ўтади:

- 1) Инсонларни даволаш истаги.
- 2) Оғир касалликлар, қария, ёш болаларни оғриқлардан халос этиш истаги.
- 3) Ўз яқинларининг соғлиғи ҳақида қайғуриш имконияти.
- 4) Илмий тиббиёт муаммоларини ҳал этиш.
- 5) Ўз соғлиғи ҳақида қайғуриш.
- 6) Моддий қизиқишлар.

Онгли равища касб танлаш инсоннинг ижтимоий мавқеи билан боғлиқ равища амалга ошади. Агар инсон учун асосийси ижтимоий нуфуз ҳисобланса, унда касб ҳозирда мавжуд бўлган қоидалар, шунингдек, жамиятдаги нуфузли касблардан келиб чиқиб танланади. Кўпчилик касб

танлаётганды бу касб уларга қанчалик моддий рағбат келтиришига таянади. Инсонлар орасыда қизиқышлари туфайли касб танловчилар ҳам бўлади ва бу қизиқиш камдан-кам ҳолларда романтик характер касб этади. Касб мансабга интилиш асосида, ҳақиқий ташқи таассуротлар замирида, ота-она, ва таълим жараёнидаги мотивация орқали танлаши мумкин.

В.А.Крутецкий ўспиринларда учраш мумкин бўлган мотивлардан қўйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади:

- бирор ўқув фанига нисбатан ўспириннинг қизиқиши;
- Ватанг фойда келтириш истаги;
- шахсий қобилиятини рўкач қилиб кўрсатиш;
- оилавий анъаналарига риоя қилиши;
- дўстлари ва ўртоқларидан ўrnak олганлиги;
- иш жойининг ва ўқув юртининг уйга яқинлиги;
- моддий таъминланганлик;
- ўқув юрти кўринишининг чиройлилиги ёки унга жойлашишининг осонлиги сингари мотивлардир. Юқоридаги фикрлардан кўринадики, илк ўспиринлик даврида касбий мотивларнинг шаклланиши бир қатор ташқи ва ички омилларга боғлиқ. Шунингдек, касб танлашга бўлган интилиш иштиёқлар негизида касбий мотив ва мотивация шаклланади. Айнан хориж психологлари касбий мотивлар таркибини ишлаб чиқишида касб танлашгача бўлган ва касб танлаб бўлгандан кейинги жиҳатларини кўрсатиб ўтадилар.

### **ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:**

1. Касб танлаш ва касбга мослашишни изоҳланг.
2. Касб танлашда узвийлик.
3. Касбга йўналтиришда ўқитувчи шахси, фан ўқитувчилари ва синф раҳбарининг фаолиятини изоҳланг.
4. Ўқув муассасаларида касб танлашга йўллаш методларини тушунириинг.
5. Ўқувчиларни касбга йўналтиришда узвийлик қандай олиб борилади?
6. Касбий мотив мазмуни нимадан иборат?
7. Касбий мотивация нима?
8. Касбий мослашув деганды нимани тушунасиз?

### **ІІІ БОБ. МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБ-ХУНАРНИ МУСТАҚИЛ ТАНЛАШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАРИ**

#### **3.1. Шарқ мутафаккирларини ёшларнинг касб-хунар эгаллашларига оид қарашлари ҳамда мактаб ўқувчиларини касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш**

Касб-хунарни мустақил танлашга эҳтиёжнинг пайдо бўлиши унинг дунё билан ўзаро муносабатлар тузилмасида шахс нуқтаи назарига эга бўлиш истаги шахс ривожланишининг анча юқори даражасига эришганидан далолат беради.

Психологик жиҳатдан шахсий мустақил танлов – бу ўзи нимани исташи (мақсад, вазифалар, ҳаётий режалар, энг юксак орзуладар), ўзини англаш эканлигини (ўзининг шахсий ва жисмоний хусусиятлари), ўзи нималарни уддалай олишини (имкониятлари, мойилликлари, истеъоди, қобилияти), ундан бошқалар нимани исташини ва кутишини (жамоа ва жамият) англаган субъект, яъни ижтимоий муносабатлар тизимида фаолият юритишига тайёр субъект.

Мустақил танлаш, муносабатлар соҳасига боғлиқ ҳолда ҳаётий, ижтимоий, шахсий ва касбий турларга бўлинади.

Касбга ўргатиш сингдирилган таълимий-ахлоқий асарларда, хунар ўрганишга доир рисолаларида баркамол инсон тарбияси ҳақида назарий ва амалий жиҳатдан илгари сурилган. Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг», Кайковуснинг «Қобуснома», Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибат-ул Ҳақойик», Саъдийнинг «Гулистон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-кулуб», Давонийнинг ахлоқи Жалолий, «Ахлоқи Мухсиний», Кошифийнинг «Футувватномаи Султоний» ва бошқалар шулар жумласидандир. Буларнинг барчасида маънавий баркамол шахсга хос фазилатларни таърифлаш, айниқса, меҳнат аҳлини улуғлаш, ёш авлоднинг касб-хунарни эгаллашга ундаш, устозшогирд талаблари ва тамойиллари муҳимдир.

Жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган ўрта осиёлик буюк қомусий олим Абу Али Ибн Сино ўзининг “Ишоралар ва танбиҳлар” (“Ал-ишорат ва-ттанбиҳот”) рисоласида “Сиз ўзингизни инсон деб ҳисоблашдан аввал, сизни қайси жиҳатларингиз учун инсон деб билишларини англашингиз лозим”, яъни инсон қайси жиҳатлари билан ўзини шасх деб ҳисоблаши лозимлиги ҳақида сўз юритган. Шу билан бирга Ибн Сино таълим, боланинг қизиқиши, мойиллик ва қобилияtlар билан чамбарчас бўлиши ва албатта амалий машқлар билан тўлдирилиши лозимлигини таъкидлаган.

Жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган машҳур файласуф, қомусий олим Абу Наср Форобийнинг фикрича инсон қадрининг асосий мезони – унинг меҳнат фаолиятида, унинг ёзишича, ҳар бир инсонни қадри, унинг ишини яхши бажаришидадир.

Шарқ халқлари маданиятининг ривожига ҳисса қўшган шоир, мутафаккир, давлат арбоби Юсуф Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг” достонида таълим беришда ёш хусусиятларини ҳисобга олиш лозимлиги, шунингдек, инсон тараққиётida биологик ва ижтимоий омилларни боғлаш ҳамда ўз вақтида педагогик таъсирга оид тушунчаларини ривожлантириш ҳақида сўз юритган.

Жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий асарларида таълим ва тарбия масалаларида кенг ёритилган. У болага тарбияни кичик ёш давридаёқ бериш кераклигини айтиб ўтган ҳамда “киши ўзига ёққан касбни эгаллаши яхши фазилатдур” – деган.

Қомусий аллома Аҳмад Доңиш ўзининг «Бухоро амирларининг тарихи», «Наводирул вақое» (Нодир воқеалар) асарларида Шарқ халқларининг маънавият ва маърифат ҳақидаги таълимотларини янги ғоялар билан бойитган. «Нодир воқеалар» асарида инсон баҳти, маънавий-ахлоқий камолотининг асоси меҳнатда эканлигини таъкидлаб, ҳеч кимнинг ризқи осмондан тушмайди, уни меҳнат қилмай топа олмайди, дейди.

«Нодир воқеалар» асарининг «Фарзандларга васият. Касб ва ҳунарнинг фойдалари ҳақида» деб аталган бобида ўқиб ҳунар ўрганишга даъват этилган.

«Ҳар бир мусулмон одам энг аввал ўзига зарур бўлган илмларни ўқиши фарзdir. Шундан сўнг тирикчилик учун бирор касб-хунар ўрганиши лозим, қайси илми ва хунар кишининг ақли, руҳига тарбия берар экан, ундаи илм ва хунар, ўз эгасининг бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам қўллаб-қувватлади. Шариатда илм ўқишда халқни тўғри йўлга солиш, уларга илм-амал ўргатишдан бошқасини, зинҳор ўйламанглар» - дейилган.

Ҳаётда ўз ўрнини мустақил топиш мураккаб, интегратив тушунча бўлиб, у ўз ичига ижтимоий, бошқарув, касбий, оиласвий ва шахсий мустақил танловнинг бошқа турларини ҳам қамраб олади. Ҳаётда ўз ўрнини мустақил топиш – бу ҳаёт давомида касб фақатгина ҳаётнинг стратегик йўлини қуриш воситаси сифатида акс этувчи, турмуш тарзининг танловидир. Шахснинг фаолияти, ўзини ривожлантиришни ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб ҳисобланган фаоллиги билан белгиланади.

Ижтимоий ўрнини мустақил танлаш – бу жамиятда танлаб олган ва ўзи томонидан қабул қилинган ижтимоий муносабатларнинг маълум бир соҳасига ва маълум бир ижтимоий доирага тегишлилиги мезонларига нисбатан белгилаши ҳамда ўзини касбларнинг маълум бир доираси билан чеклашдир. Ижтимоий ўрнини мустақил танлаш ижтимоий ҳолатни ва мақомни танлашни назарда тутади.

Ҳаётда ўз ўрнини топишнинг юқори даражада намоён бўлиши шахсий ўрнини мустақил танлаш ҳисобланади, деб таҳмин қилади Н.С.Пряжников.

Шахсий ўрнини мустақил танлаш – бу жамиятда ишлаб чиқилган ва инсон томонидан қабул қилинган, шахснинг қарор топиши мезонларига нисбатан ўз ўрнини мустақил танлаши ва ўзини мазкур мезонлар асосида ижобий намоён қилишидир.

Шахсий ўрнини мустақил танлашнинг ҳаётий ўрнини мустақил танлашдан муҳим фарқи шундаки, инсонлар шунчаки ўзлаштиrmайди, балки янги ролларни англаб етади ва маълум бир маънода хатто ижтимоий-психологик норма ижоди билан шуғулланади. Шахсий ўрнини мустақил

танлаш – бу ўзига хос “мен образи”ни топиш, бу образни доимий ривожлантириш ва уни атрофдаги одамлар орасида тасдиқлашдир.

Шахсий маънода ўз ўрнини мустақил танлаш одамнинг ёш хусусиятларига боғлиқ ҳолда турли хил мазмунга эга. Мактабда таълим олиш йилларида ўз ўрнини топиш жараёни ўқувчиларнинг ўзини ҳаётий вазифасини англаш, шахсий имкониятларини билиб олиш ва ўз келажагини белгилаш ички эҳтиёжи билан боғлиқ. Ўз ўрнини мустақил танлашни ривожлантириш мактаб ўқувчиларида уларга ижтимоий жамиятда қабул қилинган меъёрларни, қадриятларни ўзлаштиришда уларга ёрдам берадиган ҳаёт фаолияти ва ўзини англаш субъекти нуқтаи назарини шакллантириш билан боғлиқ.

Шахснинг касб-ҳунарни мустақил танлаши касбий фаолият субъектининг қарор топиши ва ривожланишини акс эттирувчи ҳаёт йўлининг мустақил йўналиши сифатида, меҳнат субъектининг касбий - ҳаётий йўлини ташкил этувчи муҳим воқеалар йигиндиси сифатида ифодаланиши мумкин.

Касбга йўналтириш кўпчилик муаллифлар томонидан шахснинг психофизиологик ва ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганишнинг ёшларни ва меҳнатга лаёқатли бошқа ёшдаги гуруҳларни онгли ва эркин касбий меҳнат ўзини белгилашга тайёрлашнинг воситалари ва методларини илмий асосланган тизими сифатида тушунилади.

Касбга йўналтириш яхлит тизим бўлиб, у: касбга ўқитиш асосида фаолиятнинг хар хил турлари (билим олиш, меҳнат қилиш) касбга қизиқиш, мойилликларини ривожлантириш; касб танлаш; касбга мослашиш; ўз навбатида, ҳар бир тизим умумий мақсад билан белгиланган вазифаларига эга компонентларини ўз ичига олади.

Шахс томонидан касбни мустақил танлашни шаклланганлиги касбга йўналтиришнинг натижасидир, шунинг учун касбга йўналтиришни бошқариш фақатгина шахс томонидан касбни мустақил танлаш жараёнини ривожлантириш орқалигина амалга оширилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида касбга йўналтиришнинг ижтимоий-иктисодий жиҳатлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Ижтимоий ишлаб чиқаришни узоқ давом этган чуқур иқтисодий инқироздан чиқишини тезлаштириш ходимларнинг қобилиятлари ва қўниқмаларига, уларнинг умумий ва касбий тайёргарлигига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришнинг ривожини тўхтаётганинг сабаби раҳбар, мутахассис ҳамда ишчиларда қобилиятнинг етишмаслиги эмас, балки қарор топган ишлаб чиқариш муносабатлари, меҳнат қобилияти бўлган фуқароларни ўзларининг яширин имкониятларидан максимал даражада фойдаланишдан манфаатдор эмаслигидadir. Юқори унумли меҳнатга эришиш, ходимнинг иш ўрнини қадрини ошириш – касбга йўналтиришни шакллантиришни назарда тутувчи, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга асосланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ҳисобланади.

Шунинг учун ёшларни иқтисодиётдаги бўш, нуфузли бўлмаган меҳнат вазифаларини бажаришга қаратилган оммавий касбга йўналтириш воз кечиш актуал бўлиб қолмоқда. Шахснинг индивидуал талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олмайдиган, табақалаштирилган якка тартиbdаги ёндашиш воситаларини писанд қилмайдиган, ёшларни касб танлашга ва касбий ўсишга тайёрлашнинг умумлаштирилган модели долзарб ҳисобланади. Обрўга эришиш учун инсон муваффақиятли меҳнат фаолиятига интилади, танлаган ишида касб маҳоратини кўрсатади ва ниҳоят рақобатлашади. Обрўга эриштириш мақсадида, касбий каръерага тайёрлаш узоқ жараён бўлиб, у ёшларни касб танлаш босқичида касб-хунарни мустақил танлашни шакллантириш билан ўзаро боғлиқ бўлади.

Касбни мустақил танлаш кўп ўлчовли ва кўп босқичли жараён ҳисобланиб, унга турли нуқтаи назар билан қараш мумкин.

- 1) жамият шахс олдига қўядиган вазифалар миқдори сифатида,
  - ижтимоий ёндашув;

2) қарорларни босқичма-босқич қабул қилиш жараёни сифатида бўлиб, улар воситасида индивид жамиятдаги меҳнатни тақсимлашнинг шахсий афзаликлар ва эҳтиёжлари ўртасидаги мувозанатни шакллантиради,

- ижтимоий-психологик ёндашув;

3) ҳаётнинг индивидуал услубини шакллантириш жараёни сифатида бўлиб, унинг бир қисми касбий фаолият ҳисобланади,

- табақалаштирилган-психологик ёндашув.

Охирги ёндашув нуқтаи назаридан шахснинг касб-хунарни мустақил танлаш индивиднинг “Мен” концепцияси сифатида талқин этилиб, аниқ ижтимоий шароитлардаги касбий фаолиятда унинг тушунишини, кечинмаларини ва ниятларини, предметли (асосли) ҳаракатларини акс эттиради.

Касбни мустақил танлаш жараёни узоқ жараён бўлиб, унинг якунланганини фақат инсонда ўзига касбий фаолияти субъекти сифатида ижобий муносабат шакллангандагина қайд қилиш мумкин. Касбни мустақил танлашнинг бутун жараёнини одатда бир неча босқичга ажратилади.

Ҳар бир индивид олдида касб-хунарни мустақил танлаш мақсадига эришишнинг жуда кўп йўллари ётади.

Касб-хунарни мустақил танлаш – бу жуда мураккаб тузилма. Унга қуидагилар киради: касбга йўналганликнинг қарор топиши (қизиқишлиар, мойилликлар, қобилиятлар, сабаблар, билимлар, кўнималар) ва ўзини англаш (шахс ўзининг шахсий сифатларини билиши ҳамда танлаётган касби тўғрисида ўз тасаввурини ўз имкониятлари билан таққослаши).

Касб-хунарни мустақил танлаш жараёнига касбий фаолиятининг аниқ бир соҳасида ўзини-ўзи англаш катта таъсир кўрсатади. Гап шахснинг юзага келадиган мақсадларни энг юқсан тасаввурларни ўз имкониятлари билан таққослаш тўғрисида боради. Бундай ўзини англаш жараёнлари бўлажак фаолиятнинг шахсий мазмунини чукурлаштиради. Агар танловнинг маълум сабаблари инсоннинг аниқ касбга ижобий муносабатини изоҳласа, у ҳолда

профессионал деб аташ мумкин бўлган бундай ўзини англаш туфайли, унда касбни танлашнинг мақсадга мувофиқлигига ишонч шакланади.

Касбни мустақил танлашнинг намоён бўлишининг аниқ шакли – ўзини баҳолашдир. У хулқни тартибга солишнинг, инсоннинг қайси касбни танлашни исташини (мақсад, сабабнинг мавжудлиги), у ўзи нимадан иборат (ўзининг шахсий ва психофизиологик параметрларини баҳолаш), унинг қўлидан нима келади (имкониятлари, мойилликлари, қобилияtlари), жамият ундан нимани кутиши (ижтимоий-касбий мақом)ни англаш ҳисобланади. Индивиднинг ўз мойилликлари ва имкониятларини жамиятнинг эҳтиёжлари билан солишириши, бу жараённи ҳис қилиши, унинг касбни мустақил танлашнинг ривожланиш механизми бўлади.

Бўлажак касбни, касб фолияти соҳасини танлашга тайёр бўлиш касб-хунарни мустақил танлаш жараёнининг натижаси ҳисобланади.

Ўқувчилар томонидан касб-хунарни мустақил танлашни шакллантиришнинг шартларидан бири тиббий-педагогик иш ҳисбланиб, у ўз ичига тиббий касбий маслаҳат бериш билан таълим масалаларини ҳал қилишни ҳам олади: меҳнатнинг физиологик аҳамияти тўғрисида, билим даражасини ошириш манбаи сифатидаги, организмнинг мослашувчанлигини ошириш манбаи сифатидаги ўзини англаш тўғрисида ёшларнинг билим даражасини ошириш.

Касбга йўналтириш тизимишнинг ва касб-хунарни мустақил танлаш жараёнининг муҳим ташкил этувчиси касбни танлаш ҳисобланади.

Касб танлашнинг асосий масаласи ва шу билан бирга асосий қийинчилиги шундаки, у инсон аввал шуғулланмаган фаолиятига муваффақиятли касбий ихтисослашиш имкониятини олдиндан кўра билиши керак. Буни, тўла тушунарли бўлган сабабларга кўра бажариш жуда қийиндир.

Касбни танлаш – мазкур касбни катта эҳтимоллик билан муваффақиятли ўзлаштира оладиган ва у билан боғлиқ бўлган меҳнат мажбуриятларини бажара оладиган шахслар танловидир.

Касбни танлаш жараёнида одамларда мавжуд бўлган жисмоний ва интеллектуал фарқлар асосида инсоннинг касбга яроқли эканлиги аниқланади.

Касбга йўналтиришда кадрларни касбий саралаш ва касбни танлаб олиш тушунчаларини фарқлаш лозим. Касбий саралаш – бу шахснинг ихтисосликни эгаллашга ва касбга оид мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга яроқли эканлигини ўрганиш ва эҳтимолий баҳолашдир, касбий саралашда касб учун инсон жуда қатъий мезонлар бўйича саралаб олинади. Иш ўрнини аниқлашда касбий саралаш аниқ бўш лавозимларга номзодларни ажратиш, аниқ бир ихтисосликка ўргатиш ёки қайта ўрганиш мақсадида ўтказилади.

Касбни танлаб олиш саралашдан бир мунча фарқли бўлган вазифаларга эга. Биринчидан, унга тор ихтисосликлар бўйича касбий таълимни олаётганларни жой-жойига қўйиш мақсадида меҳнат экспертизасидан ўтказиш киради. Иккинчидан, бу касбий муваффақият (инсонга қатъий талаблар қўймайдиган касбларга тегишли) мезони бўйича касб танлашдир.

Тадбиркорлик фаолиятига номзодларни касбий саралашнинг муваффақиятли мезон ва касбга йўналтиришнинг якуний босқичи касбга мослашиш (қўнишиб) хисобланади.

Ташқи шароитларнинг хусусиятига ва уларнинг жадаллигига боғлиқ ҳолда мослашишнинг икки тури ажратилади: ижтимоий муносабатларга мослашиш ва фаолият турига мослашиш.

Ижтимоий муносабатларга мослашиш (ижтимоий мослашув) ижтимоийлаштириш усули, шахсни ривожлантириш ва уни тарбиялаш сифатида қаралади, бунда ижтимоийлаштириш – “индивидунинг ижтимоий муҳитга, ижтимоий алоқалар тизимига, кириши йўли билан маҳсус тажрибани ўзлаштириши, индивид томонидан унинг мулоқот қилиши, фаол фаолият юритиши, ижтимоий муҳитга киришиб кетиши ҳисобига унинг ижтимоий алоқалар тизимини фаол такрор ишлаб чиқиши жараёнидир”.

Фаолият турига мослашиш (ўкув, касбий, меҳнат ва х.к. мослашув) узлуксиз ва ўзаро боғлиқ жараён тарзида қараб чиқилади. Фаолият соҳасига мослашиш – “ўкув ва меҳнат фаолиятининг янги турларини ўзлаштириш, ўрганишдир”. Муносабат соҳасида мослашиш унинг кенгайиши, яъни турларининг ва уни амалга оширишнинг ноодатий усууларининг киритилиши томонидан қараб чиқилади, яъни мослашиш шахсни ижтимоийлаштириш жараёнини намоён қиласди.

Касб-хунарни мустақил танлаш – бу тизимли таълим тузилмасидир. Касбга йўналтирилганликнинг қарор топиши (қизиқишлар, мойилликлар, қобилияtlар, сабаблар, билимлар, кўникмалар), ўзини англаш (шахснинг танлаётган касби тўғрисидаги ўз таасуротларини ўзининг имкониятлари билан солишириб кўриш) ва ижтимоий фойдали касбий танлов билан боғлик.

Касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш тизими уч йўналиш билан таъминланади: ахборот (информацион), фаолиятли ва психологик йўналиш. Ахборот йўналиши маълумотлар ва рефлексив компоненти билан тўлдирилади. *Маълумотлар компоненти* касблар оламидаги касбий муҳим сифатларга, касбга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги ахборотларнинг мавжудлигига жавоб беради. *Рефлексив компонент* олинган маълумотни англаб етишга ва касбни танлаш учун муҳим бўлган хulosалар чиқаришга, касбий фаолиятга мослашувчан стратегияларни ишлаб чиқишига имкон беради. Касбий муҳим сифатлар деганда касб фаолиятининг муайян турида муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган мазкур соҳанинг касб эгасининг сифатларини тушунамиз. Фаолият йўналиши касбий кўникмалар, креативлик ва касбий компетенциялар компонентларини ўз ичига олади. *Касбий кўникмалар компоненти* касбий муҳим сифатларни аниқлаш ҳамда шахсий сифатларни ташхислаш учун жавоб беради. Шахсий сифатлар деб шахснинг табиатга, инсонга, жамиятга муносабатини белгилаб берувчи хусусиятлари ва хоссаларини тушунамиз. *Креативлик компонент* интилишларни, касбий сифатларни ҳамда меҳнат бозорининг талабини таққослаш асосида шахсда

мослашувчан касбий хулқнинг қарор топишига имкон беради. *Касбий компетенциялар компоненти* олинган билим ва кўникмаларни янги ҳамда ўзгараётган вазиятга мос келувчи билим ва кўникмаларни ўзгартириб, касб бозорида хулқнинг мослашувчан тактикасини ишлаб чиқишига имкон беради. Мазкур компонентни шартли равишда умумий кўринишдаги умумкасбий компетенция (касблар олами тўғрисида, шахсий ва касбий сифатлар тўғрисида, касбий талаб этилганлик тўғрисида) ва шахсий касбий компетенция (касбни эгаллашга онгли истак, танланган касб фаолиятини турли томонларига мослашувчанлик, касбий фаолиятда шахсий услубини ишлаб чиқиши) сифатида тасаввур қилиш мумкин. Психологик йўналиши мотивацион, баҳолаш ва белгиланган (установкали: муайян фаолиятни бажаришга тайёрлаш, ундаш) компонентларни ўз ичига олади. *Мотивацион компонент* касбга қизиқишининг пайдо бўлишига ва қарор топишига имкон бераб, касбни танлаш мотивлари учун жавоб беради. *Баҳолаш компоненти* касбга йўналтириш иши ва касбга бўлган қизиқиши таъминловчи, ўқувчига индивидуал касб танлашга босқичма-босқич ўтишни баҳолаш имконини беради. *Белгиланган (установкали) компонент* индивидуал, босқичма-босқич касб танлаш шахсий сифатига эга бўлган шахсда қатъий касбий қизиқишининг мавжудлиги ҳақида дарак бериб, у ўз навбатида шахснинг интилишларини, имкониятларини, касбнинг талабларини ва касбнинг жамият томонидан талаб қилинишини синтез қиласи. Айнан шу синтез ижтимоий фойдали танловни амалга оширишга имкон беради.

*Ижтимоий фойдали касбий танлов* деганда қуйидаги муҳим шартлар билан белгиланувчи йўналиш – шахснинг касбий қизиқишини, мазкур касбий фаолият соҳасида шахснинг имкониятларини, касбнинг талабларини ҳамда жамиятнинг мазкур касбга бўлган талаби тушунилади.

Касбга қизиқиши шахсий интилишларга тенглаштирмаслик керак. Шахсий интилишлар – англамаган, барқарор бўлмаган истаклардир, уларни шакллантиришда асосий ролни айрим касбларнинг нуфузга эгалиги ва юқори ҳақ тўланиши каби омиллар ўйнайди.

Касбга қизиқишининг шаклланиши – инсон ҳаётидаги барқарор ўзгаришларни шаклланишидир, барқарор ўзгаришлар – касбни танлаш муаммоси устида онгли фикрлаш ва юзага келган турли омилларни таққослашдир.

Касбга қизиқишларни шакллантиришда субъект билан атроф мухит ўртасидаги ўзаро боғлиқликни эътиборга олиш мухимдир, бу эса шакллантириш жараёнига тузатиш киритиш ва назорат қилиш учун зарур бўлган маълумотларни беради. Мухитнинг омилларини ҳисобга олиш, шакллантириш жараёнини тез ва мослашувчан бўлишига имкон беради. Индивидуал омиллар ҳам қизиқишининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Буларга одат, ижтимоий тажриба, характер хусусиятлари, ҳаётий хусусиятлар каби омиллардир. Бу омиллар шахснинг касбий фаолиятга тайёр эканлигининг даражасини белгилаб беради.

Касбга муносабат инсонда у мазкур касб вакиллари билан бевосита мулоқотга киришгунча, ёшлар кўп жиҳатдан касбга йўналтириш жараёнида оладиган ахборот туфайли шаклланади. Касбга йўналтириш таълими туфайли ўқувчи қарор қабул қилиш зарурияти пайдо бўлгунга қадар, бирор касбни танлашни маълум даражада баҳолашга қодир бўла бошлайди. Бу ахборотнинг барқарорлиги ва мукаммал хусусияти айнан бир хил ижтимоий гуруҳ вакиллари касблари баҳоларининг такрорийлигини таъминлайди.

Касбга қизиқиши хеч қачон шахснинг биологик хоссаси деб қарамаслик керак, унинг юзага келишининг ва қарор топишининг бош омили мухитнинг таъсири ҳисобланади, бу эса касбга йўналтириш иши мухим эканлигини яна бир марта кўрсатади.

### **3.2. Мактабнинг юқори синф ўқувчиларини касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлашда меҳнат таълимини аҳамияти**

Барча касблар учун зарур ва мухим бўлган шахс хислатлари бор, булар-меҳнатсеварлик, ҳамма касб ва мутахассисликдаги меҳнат аҳлига нисбатан ҳурмат-эҳтиром, меҳнат қилиш зарурлигини тушуниш ва англаш,

ўз ишини режалаштира ва назорат қила билиш, иш жойини тўғри ташкил қилиш, иш батартиб ва интизомли бўлиш, тоқатлилик, саботлилик, топшириқни бажаришнинг энг оқилона усулини танлаб ола билиш, материаллар ҳамда вақтни тежаш ва шу кабилардир. Ана шу хислатлар ва фазилатларнинг ҳаммасини болаларда биринчи синфдан бошлаб шакллантириш лозим.

Болаларни касблар оламига аста-секин олиб кириш, уларни шу оламда мўлжал олишга ўргатиш зарур. Ўқитувчи ўқувчини дарсларда қузатиш, у билан сухбатлашиш, бола фаолияти маҳсулини таҳлил қилиш жараёнида унинг баъзи бир хусусиятларини, майлларини пайқаб олади, бу хислатларни ривожлантириш юзасидан тегишли ишларни адo этгандан кейин булар кейинчалик касбни белгилашда асосий омил бўлиши мумкин.

Боланинг касбий муҳим хислатларини барвақт аниқлаш эса кейинчалик унга ўз хусусиятларига қараб касбни тўғри танлаш, уни муваффақиятли равишда ўзлаштириш, меҳнатда юксак натижаларга эришиш имконини бериши мумкин.

Кўпгина олимлар ўтказган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мактаб ўқувчиларининг тахминан 30 фоизида танланган касбга нисбатан барқарор қизиқишилар бошланғич синфлардаёқ шаклланар экан. Ўқитувчининг вазифаси - ўқувчиларнинг қизиқишиларини мумкин қадар олдинроқ аниқлашдан ва жамият талаб-эҳтиёжларига мувофиқ шу қизиқишиларини ривожлантиришдан, инсон шахсини ҳар томонлама камол топтириш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Меҳнат таълими дарслари касбга йўналтириш ишини олиб бориш учун алоҳида имкониятларга эга. Буни меҳнат дарслари касбга йўналтиришга қаратилган йўлининг таҳлили мисолида ҳам кўриш мумкин.

I-IV синфларда меҳнат таълим мининг асосий мақсадларидан бири- ўқувчиларда инсон учун меҳнат биринчи зарурият, ижтимоий бурч эканлигига, ҳар қандай касбни эгаллаш учун мустахкам ва чуқур билимлар кераклигига ишонч ҳосил қилишдан иборат. Меҳнатга мухаббатни ва ишлаш

истагини фақат меҳнатда тарбиялаш мумкин. шу боисдан уам меҳнат таълими дарсларида қарийб 80 фоиз вақт амалий ишлар учун ажратилган.

Шу билан бирга дарсларда болалар одамлар меҳнат фаолиятининг асосий соҳалари билан, уларнинг қизиқишилари ва қобилиятиларини ривожлантиришга кўмаклашувчи саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оид энг кўп тарқалган касблар билан таништирилади. Ўқитувчи илгари тузган касбга йўналтириш режасига мувофиқ тарзда дарс режаконспектини ёза туриб, касбга йўналтириш дарси олдига мақсад қўйиб, касбга йўналтиришга оид маълумотларни унга киритади. Бу эса бирон-бир касб, асбоб, ишлаб чиқариш технологияси, муайян меҳнат операцияларини ўргатишдан, касб жиҳатидан муҳим хислатларини тарбиялашдан, ўқувчиларни илгари белгиланган режа асосида ўрганишдан ёки ана шу таркибий қисмларнинг ҳаммасини қўшиб олиб боришдан иборат бўлиши мумкин.

Қўйи синфларнинг ўқувчилари хилма-хил материаллар (қофоз, картон, табиий материаллар, тунука, сим, ёғоч, фанера, пластмасса, толали материаллар) билан иш кўрадилар, улар ишлашга оид ўзларига боп, маъқул бўлган операцияларни ўрганадилар. Улар техник ва технологик тусдаги масалаларни ечишни ўрганадилар, турли материаллар хосил қилиш ва қўлланишини, бу материалларнинг одамлар турмушидаги аҳамиятини билиб оладилар, у ёки бу технологик опрацияларни бажариш учун мўлжалланган энг оддий асбоблардан фойдаланиш йўллари билан танишадилар ва фойдаланишни ўрганадилар, тегишли касблар тўғрисида маълумотлар оладилар. Чунончи, ўқувчилар учун ишлаб чиқилган (транспорт) конструктори болаларни 18 хил турли транспорт машиналари ва касблар билан таништириш имконини беради.

Ўқувчилар қурилиш конструктори билан ишлаб, қурилиш касблари, уларнинг муҳимлиги ва зарурлиги тўғрисида, қурилиш билан боғлик бўлган одамлар меҳнатининг мазмуни ҳақида маълумотлар оладилар, қурилиш объектларини моделлаштиришни ўрганадилар. Бу ишлар болаларда техник

тафаккурни, маконга оид тасаввурларни, ижодий қобилияларни ривожлантиришга ёрдам беради, уларда қурувчи меҳнатига хурмат билан қараш хиссини тарбиялади.

Техник конструктор билан ишлаш чоғида бажариладиган топшириқлар ўқувчиларни машинасозлик электротехника асослари билан таништиради, уларда техник тафаккурни ривожлантиради, унчалик мураккаб бўлмаган техник қурилмаларни билиб олиш имконини беради. Болалар машинасозликка оид кенг тарқалган ва зарур касблар, ана шу касбларнинг меҳнат мазмуни билан таништирадилар.

“Ўсимликларни ўстириш ва хайвонларни ҳаёти билан таништириш” бўлимлари болаларни қишлоқ хўжалик асослари билан таништиришни кўзда тутади. Ўқувчилар хонаки ўсимликларни парвариш қиласидилар, пиёз, хонаки ўсимликлар етиштириш юзасидан тажриба ўтказадилар. Улар мактаб ўқув-тажриба участкасида ишлаб, ерда меҳнат қиласидилар; тупроқни юмшатадилар, ўсимликларнинг ўсишини кузатадилар, ўз меҳнатининг натижаларини кўрадилар, одамлар меҳнатини қадрлашни, ерни эъзозлашни ўрганадилар.

Ўқувчилар чорвачилик касблари билан ҳам танишадилар, хайвонларни тўғри парвариш қилишни ўрганадилар.

Ўқитувчининг ўқувчиларда ерга омилкорлик билан қараш хиссини шакллантириши, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат тўғрисида тўғри тасаввур бериши, ўз меҳнати ва ўз жамоаси меҳнати натижаларидан хурсанд бўлишини ўргатиши муҳимдир. Шу боисдан ишни шундай режалаштириш керакки, болалар чорва молларни парвариш қиласидилар, ҳосилни йифиштириб оладиган, меҳнат натижаларини хисоб-китоб қиласидилар бўлсинлар. Бундай холларда болаларнинг ишга қизиқиши кучаяди ва касбга йўналтириш иши алоҳида мазмун касб этади.

Юқори синфларда ўқувчилар касблар билан профессиограммалар ёрдамида танишадилар. кичик ёшдаги ўқувчилар учун эса ҳикоя қилиб бериш, сухбатлар ўтказиш, касб намоёндалари билан учрашиш,

кинофильмлар кўриш, альбомларни кўздан кечириш, саёҳатлар ўтказиш кўпроқ мақбулдир.

Бу соҳада олиб борилаётган барча иш шаклларидан сұхбат ўтказиш ҳаммадан кўп фойдаланилмоқда. Сұхбат болаларнинг фаол иштирокида ўтиши муҳимдир. Шу мақсадда ўқитувчи касблар тўғрисида, айниқса отаоналари, қариндошлари ёки таниш-билишлари мазкур касблари ҳақида маълумотлар тўплаш юзасидан ўқувчиларга топшириклар бериши мумкин. Сұхбатлар ҳикоя қилиб бериш, фотосуратларни намойиш қилиш, таълимнинг техник воситаларини қўлланиш билан тўлдириши мумкин. Информатика ва хисоблаш техникаси имкониятидан фойдаланиш айниқса муҳимдир.

Дарснинг амалий қисми мазкур касбдаги одамларнинг меҳнати билан боғланса айни муддао бўлур эди. Масалан, “Толали материаллар билан ишлаш” бўлимини ўргана туриб, ўқувчилар бичиқчи касби билан танишадилар; турли чоклаш ишларини бажариб, тутглалар қадаб, кийимларни майда тузатиш ишларини адo этиб, олган маълумотларини мустаҳкамлайдилар.

Ўқувчиларни дастурда кўзда тутилган касблар билан таништиришдан ташқари касбини тарғиб қилиш, яъни болаларни ушбу худуд учун зарур бўлган касблар билан таништириш, уларда яна шу касбларга нисбатан хурмат-эҳтиромни тарбиялаш, шу касбларнинг жозибали жиҳатларини очиб бериш лозим.

Бу борада дарслардан ташқари ўқув дастурида кўзда тутилган корхоналарга қилинадиган экскурсиялар катта роль ўйнаши мумкин.

Касбга йўналтириш ишига комплекс ёндашиш ўқувчиларни хар томонлама ўрганишни ҳам кўзда тутади. Бу тадбир ўқувчилар билан ишлашнинг тўғри шакллари ва методларини қидириб топишга ёрдам беради. Ўрганишни методлар билан ўтказиш, энг муҳими - бу ишни мунтазам равища ва событқадамлик билан амалга ошириш керак.

Кузатиш - ўқувчиларни ўрганишнинг кенг оммалашган методидир. Бу метод муайян мақсадни кўзлайди, иш режа асосида олиб борилади,

кузатишнинг якунловчи натижалари қайд қилинади. Мехнат таълими дарслари кузатиш ўтказиш учун кенг имкониятлар яратиб беради.

Диагностик сұхбатлар ўтказиш ҳам құлланилади. Бундай сұхбатлар якка тартибда ёки жамоа тарзида ўтказилиши мүмкін.

Қуи синфларда ўтказиладиган меҳнат дарсларида ўқувчилар фааолияти натижаларини таҳлил қилиш учун яхши имкониятлар мавжуд. Чунки меҳнатнинг турли обьектларини тайёрлаш өғида ҳар бир боланинг шахсий хусусиятлари ғоят равshan намоён бўлади: бир хил бола техник конструкторни яхши билади, иккинчи хил бола тикишда маҳорат кўрсатади, учинчи хил бола эса мактаб участкасида ўз қобилиятларини намоён этади ва х.к.

Ўқувчиларнинг хужжатларини ва амалий иш - харакатларини таҳлил қилиш ҳам бола шахсини ўрганишда ўқитувчига ёрдам бериши мүмкін.

Ўқувчиларнинг шахсини ўрганиш уларни тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқдир. Ўқитувчи ўқувчининг алоҳида хусусиятларини пайқаб, унда мавжуд истеъдод нишонларини ривожлантириш методларини топа олиши, унинг хулқ-атворидаги салбий жиҳатларини бартараф этиши мүмкін ва х.к. Баъзи болаларда касбга мойиллик яхши намоён бўлади, кўпчилик болаларда бу нарса бирданига аниқланмайди. Ўқитувчининг боладаги истеъдод нишоналарини аниқлаши, буларни қобилиятини ривожлантириш ва шакллантиришда кўмаклашиш мухимдир.

Юкорида таъкидлаб ўтилганидек, касбга йўналтириш иши - ўқув жараёнининг узвий таркибий қисмидир. Қуи синфлардан бошланадиган бу иш жамият учун зарур, ҳар бир кишининг хусусиятларига мос касбларга барқарор қизиқиши тарбиялашга ёрдам беради. Мехнатга қизиқишининг мавжудлиги ва меҳнат қилишга шайлик-шахс етуклигининг энг мухим кўрсаткичларидан биридир.

Синфдан ва мактабдан ташқари иш ўқувчиларни касб-корни онгли равишда танлашга, уларни ижодий қобилиятларини ривожлантиришга,

моддий ишлаб чиқариш, фан, техника борасида ва шу каби соҳаларда уларда ишга қизиқиши шакллантиришга кўп жиҳатдан ёрдам беради.

Синфдан ташқари машғулотларда олиб борилаётган касбга йўналтириш ишида ўқувчиларнинг ёш ва билиш хусусиятларига қараб бир неча босқични кўрсатиб ўтиш мумкин.

Биринчи босқич (I-IV) синфларнинг ўқувчилари билан ишлаш - моддий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат бўлган ижтимоий қизиқишиларни шакллантиради, ўқувчиларда умуман меҳнатга ижобий муносабатда бўлишни, энг муҳими - жисмоний меҳнатга шундай муносабатда бўлишни, ишчи деган номни ҳурмат қилишни, қўлидан келадиган ўз меҳнати билан атрофдаги кишиларга қувонч бағишлишга ва бундан маънавий қониқиши олишга интилишни шакллантиради.

Экскурсиялар чоғида ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган одамларнинг меҳнатига, хом ашёдан тайёр маҳсулот олишга бераётган меҳнат қуролларига асосий эътибор берилади, жамият ва айрим одамлар турмушида меҳнатнинг роли уқтириб ўтилади.

Иккинчи босқич (V-VII) синфларнинг ўқувчилари билан ишлаш - бирон иш қилишга ундейдиган босқич. Маълумки, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда билишга бўлган қизиқиши, одатда, касбга бўлган қизиқишидан олдин шаклланади. Шу боисдан ушбу босқичда касбга йўналтириш соҳасида олиб борилаётган ишда ўқувчиларда иш турлари (техника билан ишлаш, табиат обьектлари ва шу кабилар билан ишлаш)ни билишга бўлган қизиқиши уйғотиш муҳимдир. Касбга йўналтиришнинг ана шу босқичида техникага ва меҳнатга (техника ижодкорлиги ва қишлоқ хўжалик тажрибачилигига) оид синфдан ташқари машғулотлар, викториналар, ўйинлар катта роль ўйнаши лозим. Бу босқичда ўқувчиларда ижтимоий мақсадларнинг шаклланиши давом этади, шу билан бирга касбга йўналтириш ҳам бошланади.

Учинчи босқич (асосан VIII-IX) синфларнинг ўқувчиларини қамраб олади - бу босқичда ўқувчилар ўз қучларини конкрет меҳнатда текшириб

кўрадилар, ўқувчиларнинг касбга бўлган қизиқишлари ва майллари янада шаклланади. Ўқувчилар бу босқичда ўз касбий ниятларининг бирмунча умумий касблар бўйича амалий кўнишка ва малакалар билан мустаҳкамлайдилар. Бу босқич конкрет касбни танлаш, уни ўзлаштириш йўлларини белгилаш билан тугайди. Ўқувчиларни қизиқишлари (предметлар, предмет-техника, ишлаб чиқариш-техника ва шу кабилар) бўйича тўгаракларда ишлаши ушбу босқич учун диққатга сазовордир.

Касбга йўналтириш ишини амалга оширишнинг умумий тизимида мактаб тизими дастлабки босқич ҳисобланади. Касбга йўналтириш иши мактаб тизимининг вазифалари:

- шахснинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларига эга бўлган фуқароларни тарбиялашдан;
- политехник ва бошлиғич касбий малакаларнинг муайян тизимини эгаллаган бўлғуси малакали мутахассисни тайёрлашдан;
- ҳам шахсий меҳнат, ҳам жамоа меҳнати муйян ташкилотчилик малакаларини шакллантиришдан иборат.

Касб эгаллашгача бўлган тайёргарлик мактаб ёшларини моддий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнатга хозирлашга умумий қисми бўлиб қолади. Зарур политехник тайёргарликни олган йигит ёки қиз ишлаб чиқариш касбини тез эгаллайди, бунда олий маълумот олиш жараёни жадаллашади.

Ўқувчиларни касб танлашга тайёрлаш - бутун педагоглар жамоасининг, ота-оналар ва завод жамоатчилигининг кўп йиллик таълим-тарбия ишидир. Ёшларни маънавий-психологик жиҳатдан меҳнат фаолиятига тайёрлашга шахсни ҳар томонлама камол топтиришнинг ўзаро боғлиқ жараёни деб қаралади, бу жараёнда қобилият ва эътиқод билан бирга ўсмирнинг шахси харакатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади.

Қобилият ва қизиқишларни шакллантиришнинг политехник асослари ва мактаб ёшларни бошланғич ишлаб чиқариш тайёргарлигини кенгайтириш билан узвий боғлиқ бўлиши ишчи касбларини эгаллашга йўналтиришнинг ҳал қилувчи шартидир.

Меҳнат тарбияси жараёни бирмунча илк босқич амалга оширилган тақдирда бунга эришилади.

Ўрта ва юқори босқич таълимида давомийлик шу нарсада ифодаланадики ўқувчилар мунтазам принцип асосида тузилган ягона дастурлар бўйича ишлайдилар. Бундай дастурлар аста-секин мураккаблаштирилиб боришни, билимларни, кўникма ва малакани, меҳнатнинг муайян усулларини эгаллашни таъминлайди.

Таълим ва касбга йуналтириш билан қўшилган унумли меҳнатда мунтазам қатнашиш энг кўп педагогик самара беради.

Ўрта мактабларни тамомлаб ёки касб-хунар таълими тизимида, ўқув устахоналарида зарур тайёргарликдан ўтиб, халқ хўжалигининг турли тармоқларида дарҳол ишлай бошлаган ёшларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

Ўқувчиларни касбга йўналтиришда мактаб ходимлари ва мактаб маъмуритининг вазифалари ўқувчиларни касбга йўналтиришга оид йуриқномалар, буйруқлар, қарорлар билан танишишдан, илмий-методик адабиётни ўрганишдан, чиқарилган методик тавсияномаларни ўрганиш ва ўз ишларида фойдаланишдан иборат.

Синф раҳбарининг вазифалари аввало ўқувчининг шаклланаётган шахсини, унинг майиллари, қизиқишлиари, қобилияtlарини чукур ва ҳар томонлама ўрганишдан иборат. Бу соҳада унга фан ўқитувчилари, ота-оналар билан, савол варақасини тўлдириш ва ўқувчининг шахсий варақачатавсифномасини тўлдирган ҳолда уни мунтазам равища кузатиш ёрдам беради. Синф раҳбари ўқувчи шахсини ўрганиш негизида муайян дастур асосида бир мақсадга қаратиб касбга йўналтириш ишини олиб боради. Бунда синф соатларидан, факультатив машғулотлардан ва экскурсиядан фойдаланилади. Касбга йўналтириш иши ўқувчиларнинг ота-оналари билан мустаҳкам алоқада ўтказилади.

Ўқувчилар йилига бир марта савол варақасини тўлдиради. Бундан мақсад-ўқувчиларнинг ҳаётий режаларини аниқлаб олишдир. Синф

раҳбарлари савол варақаси асосида ўқув йили охирида касбга йўналтирувчи мактаб кенгашига топшириш учун у ёки бу касбни онгли равишда танлаган ёки зарур малака даражаси бўйича касб эгаллаган ҳамда ўқиши ва иш хусусидаги ўз истакларини билдирган ўқувчиларнинг руйхатларини тузадилар.

Ўқувчилар меҳнат таълими дарсларида меҳнатнинг ҳар хил турларига оид билимларнигина олиб қолмай, шу билан бирга ўз фаолиятлари жараёнида маҳсус малакаларга ҳам эга бўладилар, ўз қобилиятларини ривожлантирадилар, меҳнатда ўз кучларини синаб кўрадилар. Шу боисдан меҳнат таълим ўқитувчиси меҳнат дарсини шундай ташкил қилиш керакки, токи ҳар бир ўқувчи меҳнатни севишни ўрганиб олсин, одамларга наф келтирадиган бўлсин, иш жараёнидан ва унинг натижаларидан завқлансин.

Меҳнат ўқитувчиси ўз ишида билим ва малакани эгаллашда ўқувчиларга энг куп фаоллик ва мустақилликни таъминлайдиган шакллари ва методларидан фойдаланиши лозим. Лаборатория - амалий, ўқув-ишлиб чиқариш ишлари, ишлиб чиқариш экспурсиялари, тажрибаси шундай иш шакллари ва методлари жумласига киради. Бу ишлар мустақил кузатишлар, тажрибалар, таҳлиллар, хисоб-китоблар, ишлиб чиқариш ва ижодий вазифаларни ҳал килишни ҳамда бевосита ижтимоий-фойдали, унумли меҳнатни ўз ичига олади.

Меҳнат таълими жараёнида ўқитувчи касб қилиб олинган меҳнат тўғрисидаги маълумотларни конкрет мавзуларни ўрганиш билан мантиқий боғлаши мумкин. Чунончи, электротехника физикаси ва бўлимини ўрганган чоғда ўқитувчи ҳалк хўжалигада электр қувватининг роли ва аҳамиятини, уни ишлиб чиқариш ҳамда истеъмолчига етказиб бериш усулларини кўрсатиши, шунингдек ушбу тармоқ касблари учта катта гуруҳда бўлишни тушунтириб бериш мумкин. Биринчи гурухга электротехника ускуналари, машиналари, аппаратлари ва асбобларини ишлиб чиқариш билан боғлиқ касблар (электротехника машиналарини йиғувчи слесарь, созловчи слесарь электромонтёр, изоляция қилувчи ва шу кабилар); иккинчи гурухга электр

куввати узатиш билан боғлик касблар (подстанцияларнинг электромантёри, электр тармоқларини ишлатувчи электромонтёр ва шу кабилар); учинчи гурухга электр қувватидан фойдаланиш билан боғлик касблар (электромонтажчи слесарь, таъмирчи электромантёр ва шу кабилар) киради.

Ўқувчиларни касбга йўналтиришда ўқитувчининг шахси жуда катта роль ўйнайди.

Ўқитувчининг шахси - ўқитувчининг ижодий ривожланишини, юксак педагогик маҳоратини, ишда доимий новаторлигини, омилкорлигини, болаларга нисбатан муҳаббат ва хурматини белгилаб берадиган хислатлар мажмуидир. Айни шундай ўқитувчи ўқувчиларда ўзига нисбатан хурмат-эҳтиром, ишга хавас туғдиради, ўзига ўхшаш бўлиш, у билан дўстлашиш энг эзгу истаклар, истиқбол тўғрисидаги, ўз касби ҳақидаги орзуларни баҳам кўриш иштиёқини яратади.

Мактабда қизиқишлиар бўйича ўтказиладиган хилма-хил машғулотлар орасида тўгарак иши алоҳида аҳамият касб этади. Мактабда тўгаракларнинг асосий кўпчилигини меҳнат таълими ўқитувчилари олиб боради.

Булар - ишлаб чиқариш - техника тўгараклариdir. Ўқитувчи бундай тўгаракларда ўқувчиларда ихтирочилик, конструкторлик сингари маҳсус қобилиятларни ижодий ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш имкониятига эга.

Меҳнат таълим ўқитувчиси ўқувчи шахсини ўрганган чоғда касбга йўналтириш мақсадида қуидаги қоидаларга: шахс камол топадиган конкрет вазиятда конкрет жамоада шахснинг хулк-атворини кузатиш; фаолият орқали шахсни урганиш; шахсни қандайдир қотиб қолган нарса тариқасида эмас, балки тараққиётда қўриб чиқиш; шахснинг вақтинча психологик ҳолатини, ўртоқларига муносабатини хисобга олиш каби қоидаларга амал қилиши мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг ишида психологик диагностикасига катта ўрин ажратилади. Психологик диагностика жараёнида у мактаб, касбхунар коллежи касб маслаҳатчиси билан биргаликда хар бир ўқувчининг

келгусидаги касбни танлаши жараёнида шахсий хусусиятларини аниқлаши мумкин.

Шундай қилиб, меңнат таълими ўқитувчиси ишида қуидаги йўналишларни;

- касбга оид билимлар - ўқувчиларни меңнат фаолияти соҳалари, халқ хужалигининг айрим тармоқлари, касблар ва мутахассисликлар билан таништириш;

- психологик педагогик маслаҳат - меңнат фаолиятининг турлари тўғрисида, ўқувчи хислатлари, билимлари ва майлларига энг мувофиқ бўлган касблар ва мутахассисликлар ҳақида ўқувчига гапириб бериш;

- касб тарбияси - ўқувчиларда у ёки бу касбга нисбатан баркарор қизиқишиларини шакллантириш;

- амалий касбий кўнизиш - меңнат фаолиятининг турли соҳаларида кучларни амалий жиҳатдан синаб куриш учун шарт-шароитлар яратиш;

- касбга йўналтириш мақсадида ўқувчининг шахсини ўрганиш, меңнатга бўлган қизиқишиларни ва касбга қизиқишиларни шакллантириш каби йўналишларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Меңнат таълими ўқитувчисининг касбга йўналтириш иши ўзаро боғлик таркибий қисмларнинг бутун бир комплекси билан, шу жумладан касбга йўналтирувчи ўқув-методик кабинет фаолияти, синф раҳбарининг, фан ўқитувчиларининг иши, ота-оналар ва шу кабилар билан маҳкам боғлангандир. Мехнат ўқитувчиси билан яқиндан алоқа боғламай туриб самарали ишлаши мумкин эмас.

Меңнат таълими дарсларида касбга йўналтириш ишини олиб борган ўқувчиларни меңнат фаолиятига тайёрлашдаги бошқа фанлар билан ўзаро алоқани хам хисобга олиш лозим.

Мактабда ҳар бир ўқув фани ўқувчиларни касбга йўналтиришни амалга оширишдаги ўзига хос имкониятларига эга, лекин у меңнат турлари, касбларнинг хилма-хиллиги ва шу кабилар тўғрисида ўқувчилар билимларини шакллантиришнинг бирдан бир манбаи бўлиши мумкин эмас.

Шу сабабдан хам касбга йўналтириш ишида меҳнат ўқитувчисининг фаолиятини синф раҳбарлари ва фан ўқитувчилари иши билан мувофиқлаштириш ғоят муҳимдир.

Тажриба шуни кўрсатадики, ўқувчиларда касбга бўлган барқарор қизиқиши шакллантириш ишлари самарадорлигини ошириш учун:

- фан асосларини ўқитишнинг, меҳнат таълимининг ва машғулотларнинг фанлараро алоқаларини, давомийлигини, политехник ва касбга йўналтириш йуналишини руёбга чиқариш;
- политехник маълумот, меҳнат таълими ва касбга йуналтиришнинг ўқувчилар ижтимоий-фойдали, унумли меҳнати билан ўзаро алоқасини таъминлаш;
- ўқувчиларнинг бир мақсадга қаратилган ижтимоий аҳамиятли ўқув-ишлиб чиқариш топшириқларни бажаришлари;
- халқ хужалигининг турли соҳаларида ўқувчиларнинг қизиқишини ривожлантиришга шахсий, табақалаштирилган ёндашувни амалга ошириш;
- ўқувчиларни касбга йўналтириш соҳасида мактаб ўқитувчилари билан ишлиб чиқариш жамоаларининг биргаликда иш кўриши;
- саноат қишлоқ хўжалик касбларини тарғиб қилиш лозим.

Табиий - математик туркум фанларни ўргангандан чоғда ўқувчилар конкрет иқтисодий худуддаги етакчи касблар бўйича меҳнат мазмуни билан танишиш, ана шу касбларни мувоффақиятли эгаллаш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни олиш имкониятига эгадирлар.

Мактаб ўқувчилари гуманитар фанлар бўйича ўтказиладиган машғулотларда касб танлаш масалаларида ғоявий-аҳлоқий, дунёқарашга оид билим оладилар.

### **3.3. Касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш модели**

Ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари бўйича олиб борилган таҳлиллар, бу жараённинг мутлақо янги моделини яратишга асос бўлди. Жамиятнинг бир қисми бўлган таълим тизими ва жамиятнинг аъзоси бўлган шахс манфаатдордир, таълим фақат касбни эгаллаш воситаси эмас, балки ҳаётнинг мазмунини англаш, унинг мукаммалигини ва ундан қаноатланишни ҳис этиш воситаси ҳам бўлиши керак.

Моделлаштириш, тизимли таҳлил ва хулоса қилиш билан бирга, илмий тадқиқотнинг етакчи методларидан бири ҳисобланади. Фараз қилинаётган модел, моделлаштириш воситасига оид турлардан бири ҳисобланади.

Моделлаштириш – обьектларда ижтимоий реалликнинг муайян қисмларини тадқиқ этиш услуби ҳамда предметлар ва ҳодисаларнинг реал мавжуд бўлган ҳамда куриладиган моделларини ўрганиш ва ишлаб чиқишидир.

Ўқувчиларда касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш модели, мактаб ўқувчиларини шахсий ва ижтимоий фойдали касб танлашга психологик-педагогик тайёрлигини таъминловчи, ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқага эга: Мақсад ва вазифани белгилаш, мазмун, технологик ва назорат-таҳлил компонентлардан иборат мажмуини тушунилади (1-расм).

Моделнинг мақсад ва вазифани белгилаш компоненти мактаб ўқувчилари касб-хунарни мустақил танлашда муваффақиятга эришишлари учун: 1) касбий фаолиятда зарур бўладиган шахсий сифатлар ҳақида; 2) касблар олами ҳақида; 3) муайян касбий фаолиятни амалга оширишда, касбий муҳим сифатлар билан таққослаш учун шахсий сифатларни аниқлаш имкониятлари ҳақида тасаввурларини шакллантиришдан иборат. Мақсад ва вазифани белгилаш компонент қуйидаги комплекс *вазифаларни* амалга оширишни назарда тутади, унда ўқувчилар:

- турли хил касбий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тасаввурларга эга бўладилар;

- муайян касбда муваффақиятга эришишлари учун зарур бўлган шахсий сифатлар ҳақида маълумотларга эга бўладилар;
- ўзининг шахсий касбий муҳим сифатларини баҳолаш учун ташхис қилиш методикалар ҳақида тушунчаларга эга бўладилар;
- шахсий сифатлари билан касбий муҳим сифатларни таққослай олиш ва шу асосда касбий танлов амалга ошириш кўникмаларига эга бўладилар.

Моделнинг мазмун компоненти зарурий билим, кўникма ва касбий компетенцияларни ўз ичига олади. мазмун компоненти ўз структурасига кўра *тамойиллар, вазифалар ва мазмунлардан* иборат. Мактаб ўқувчиларида касб-хунарни мустақил танлашни шакллантириш инсонпарварлик, тизимлилик, изчиллик ва фаолиятлилик *тамойилларига* таянади.

*Инсонпарварлик тамойили*, касбга йўналтириш иши – инсон ҳақида ва унинг ҳаёт фаолияти муваффақиятли бўлишида ғамхўрлик қилиш эканлигини назарда тутади.

*Тизимлилик тамойили* шаклланиш жараёнининг барча элементларнинг мантикий алоқасини, уларнинг ўзаро таъсирлашувини назарда тутади ҳамда касбга йўналтириш ишларини таълим жараёнининг бир қисми сифатида қабул қиласди.

*Изчиллик тамойили* касбга йўналтириш жараёнининг диалектик характерини тавсифлайди, унинг ҳар бир босқичи янгиликни англаш учун имкониятлар очиб беради. Касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш 9–синфни битириб касб-хунар коллежларини (бу мактаб ўқувчиларини икки групга: ишчи ва хизматчи касбларини танловчиларга ажратиш учун асос ҳисобланади) ёки академик лицейларни (бунда олий маълумот олишни мақсад қилиб қўйган ўқувчилар групни билан ишланади) ёки 10–синфда ўқишини давом эттиришни (бунда мураккаб бўлмаган касбларни эгаллаш билан бирга 11–синфни битириб олий маълумот олишни мақсад қилиб қўйган ўқувчилар групни билан ишланади) танлаш билан якунланади.

*Фаолиятлилик тамойили* – касб-хунарни мустақил танлашни фаолият жараёнида шакллантириш хусусиятини назарда тутади. Фаолиятдан

ташқаридан касбнинг имкониятлари, талаблари ва мохиятини тўлиқ тушунишга эришиш мумкин эмас, шунинг учун касбий фаолиятни мустақил лойиҳалаш билан бирга касбий синовлар (муайян касбда, меҳнат фаолияти орқали ўзини синаб кўриш)ни амалга ошириш алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Ўқувчиларни касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлашнинг *вазифалари* шахснинг турли фаолият соҳаларида касбий танловни қарор топтириш, ижтимоийлаштириш ва мослашитиришдан иборатdir. *Мазмунлар* олдиндан ихтисослаштирилган, билиш фаолиятининг тузилишини акс эттиради:

- 1) касбни онгли равишда танлаши, ўзини-ўзи англаши учун шахсий сифатларини ташхис қилиш методикалари ҳақида тушунчаларга эга бўлиш;
- 2) касб-хунарни мустақил танлашнинг мохияти ва вазифасини психологик-педагогик ҳодиса сифатида аниқлаш;
- 3) касб-хунарни мустақил танлашнинг асосий тамойилларини ўрганиш;
- 4) касблар ахборотнома (профессиограмма)лар билан танишиш;
- 5) шахснинг касбий муҳим сифатлари тўғрисида тасаввурларини шакллантириш;
- 6) шахсий хусусиятларни касбий муҳим сифатлар билан таққослаш йўли орқали касб-хунарни танлашни амалга ошириш;
- 7) касбий хулқнинг шахсий усулини яратиш бўйича ижодий фаолият олиб бориш.

Моделнинг технологик компоненти ўқувчиларни касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлашда уларга таъсир кўрсатувчи *шакллар ва методларни* танлаб олишни, шунингдек касб-хунарни мустақил танлашни *шакллантириши шартларини* белгилайди.

Мақбул тизим сифатида қўйидаги методлар танлаб олинди:

- 1) изоҳли-кўргазмали (маъruzalар) – касблар олами ҳақидаги ахборотнинг асосий ҳажмини узатиш учун;
- 2) ўқувчиларга мустақил равишда, лекин ўқитувчининг назорати остида ўзини (мутахассис шахснинг касбий муҳим сифатларини ажратишига

имкон берувчи) ташхислаш методикалари ҳамда улар билан танишиш учун биргаликдаги фаолият (муҳокама қилиш, баҳс-мунозарали вазиятларга баҳо бериш) методлари;

3) аниқ касбий вазифаларни моделлаштирувчи ва касбий фаолият давомида англаши зарур бўлган компетенцияларнинг кенг кўламини ўрганишга имкон берувчи муаммоли ўқитиш (ўқув лойиҳалари, касбий ўйинлар ва тренинглар) методлари;

4) репродуктив метод (тест синовлари, топшириқларни ҳимоя қилиш) – касбий муҳим билимларни ўзлаштириш, кўникмалар ва компетенцияларни шакллантириш жараёнини назорат қиласи.

Касб-хунарни мустақил танлашни *шакллантириши шартлари* учта: мазмунни тартибга солувчи мазмунлар компоненти, касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш билан боғлиқ кўникмаларни ривожлантирувчи ташкилий компонент ва касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш шартларини шакллантирувчи психологик-педагогик компонентлар билан ифодаланади. Улар касбга йўналтириш ишининг тузилишини мантиқан акс эттиради.

Касбни мустақил танлашга тайёрлаш ахборот йўналишини шакллантириш учун:

- 1) касбга йўналтириш ва унинг асосий тоифалари;
- 2) касбга бўлган талабнинг ўзига хос хусусиятлари;

3) касб танлашнинг психологик-педагогик омиллари ҳақидаги комплекс билимларни ўз ичига қамраб оловчи асосий шартларга амал қилиш зарур.

Фаолият йўналишини шакллантиришни таъминлаш учун шахснинг касбий қизиқиши ва мойилликларини касбий имкониятлар билан таққослашни ўз ичига оловчи кўникма ва компетенцияларнинг шаклланишини бирлаштирувчи ташкилий шартларга амал қилишни талаб этади. Хусусан,

1) умумкасбий компетенция - касбий муҳим сифатларини ажратиш кўникмасига эга бўлиш;

2) шахсий-касбий компетенция – шахсий-касбий муҳим (муайян касбнинг касбий муҳим сифатларини шахснинг ўзида мавжуд бўлган) сифатларини ташхислаш кўникмасига эга бўлиш;

3) касбнинг талаблари, шахснинг хусусиятларини ҳамда умумкасбий ва шахсий-касбий компетенцияларини бирлаштирувчи муайян касбий фаолиятининг жамият томонидан талаб этилишини таққослай олиш кўникмасига эга бўлиш.

Психологик йўналишни таъминлаш учун ўқувчиларни касбга йўналтирувчи психологик компетенциясини шакллантирувчи психологик-педагогик шартларга амал қилишга ўргатиш зарур. Бунга қуидагилар киради:

1) шахсий муҳим шартлар, тизимли меҳнат фаолиятида шахсга асосий объект сифатида қарашиб, касб-хунарни мустақил танлашда эса ўқувчига ҳаёт йўлида муваффақиятга эришиши учун унга ўзини фаоллаштириш вазифасини ўргатиш;

2) мотивацион муҳим шартлар, шахснинг касбий компетентлигини фарқлашга, инсон ҳаётида асосий муваффақият нима эканлигини ифодалашга ўргатиш;

3) шахсий мотивацион шартлар, касб-хунарни мустақил танлашни шакллантириш мақсадини кўришга ва ўрганган билимларини, ўзлаштирилган кўникма ва эгаллаган малакаларини кўллаш мақсадга мувофиқ эканлигини англашига шароит яратиш. Мазкур шартлар ўқувчининг шахс сифатида барқарор англанган элементини яратиб, бу элемент уни касб танлашнинг мазкур соҳа мутахассисига бўлган талабининг учта жиҳатига йўналтиради: менинг истакларим (хоҳлайман), менинг имкониятларим (қила оламан) ва менинг даражам (зарур).

Касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш жараёнини шартли равища учта босқичга бўлиш мумкин:

Биринчиси босқичда асосан психологик йўналишнинг баҳолаш компоненти, фаолият йўналишининг касбий кўникмалар ва креативлик компонентлари шаклланади.

Психологларнинг таъкидлашича, ўқувчиларни касбга йўналтиришда уларнинг характер хусусиятларини, темпераментини ва психофизиологик ўзига хос хусусиятларини ўрганиш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ўқувчиларнинг характер хусусиятлари, темпераменти ҳамда психофизиологик омилларини ўрганиш асосида ўқувчиларни касб-хунарни мустақил танлашгга тайёрлаш муҳим ҳисобланади.

Айнан, ўқувчиларни касбга йўналтиришда психофизиологик хусусиятларини эътиборга олиб мазкур босқичнинг асосий вазифалари касб-хунарни мустақил танлашда субъект ўзини психологик ташхислаш кўникмаларини шаклланишига эришиш, деб белгиланди. Ташхис қўйиш керак бўладиган шахснинг энг муҳим сифатларига қўйидагилар киради: шахсий қизиқишлиар, эҳтиёжлар, мойилликлар, кобилиятлар, касбий ҳоҳишлиар, касбий йўналганлиги, характер хусусиятлари, темперамент ва саломатлик ҳолатини . Бу босқичда ўқитиш воситалари – ташхислаш (психологик) тест ва методикалар ҳақида малумотлар бериш ва уларни ўтказиш, натижалари юзасидан баҳс-мунозаралар, турли ўйинлар ва машқлар ҳамда ташхислаш юзасидан суҳбатлар бўлиши мумкин.

Иккинчиси босқич ўқувчиларни касблар олами билан таништириш бўлиб, у касблар ахборотномаси (профессиограмма) билан танишишни ҳам ўз ичига олади. Профессиограмма касблар олами тўғрисида аниқ, яхлит тасаввурга эга бўлишга, исталган касбнинг умумий тавсифида тез ва тўғри танлаш кўникмасига эга бўлишга ва ўзини мазкур касбга мойиллигини аниқлашга имкон беради. Бу босқичда касб-хунарни мустақил танлаш тизимининг ахборот йўналишининг маълумотлар компоненти ва психологик йўналишининг мотивацион компонентини шакллантиришга эътибор қаратилади. Ўқитиш воситалари: касблар оламини тушунишга ёрдам берадиган ва танлаш “майдони”ни кенгайтиришга имкон берувчи

профессиограммалар, мунозара, ташхислаш методикалари ўтказиш, тренинглар орқали турли машқ ва ўйинлар, вазиятларни таҳлил қилиш топшириқлари бўлиши мумкин.

Ўқувчилар бўлажак касблари ҳақида умумлашган маълумотларга эга бўлишлари учун профессиограмма ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Профессиограмма – бу муайян касбий фаолият тури ҳақида тизимга солинган, илмий асосланган меъёрлар ва талаблар мажмуасидир. Профессиограмманинг мақсади – ўқувчида маълум бир касбнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилишдан иборат.

“Профессиограмма - касблар ёки ихтиососликлар тўғрисида бир тизимга солинган, меҳнатнинг психологик-педагогик томонларини очиб берадиган, тартибланган ва ўзаро узвий боғланган, умумий вазифани бажариш учун зарур бўладиган шахсий, умуминсоний ва касбий сифатларни ўзида мужассам этган, ўқувчининг келгуси амалий фаолиятида фойдаланишга қаратилган қисқа ва асосли талаблар мажмуасидир”.

Ишлаб чиқилган профессиограммалар ўқувчиларга муайян касб ҳақида маълумот беради ва у ўз ичиға қуйидагиларни олади:

- *касб ҳақида умумий маълумот* – ўқувчилар, муайян касб ҳақида умумий маълумотлар, иш фаолияти, меҳнат тури, қандай иш юритиш мумкинлиги кабилар билан танишишлари мумкин бўлади;

- *касб типи* – мазкур қайси касб типига (масалан: ўқитувчи “одам-одам”) тегишли эканлиги ҳақида тушунчага эга бўлади;

- *билим, кўникма, малака* – муайян касбни эгаллаш учун қандай умумий ўрта таълим фанларини билиши, қўшимча тартибда бу касбни эгаллаш учун ўқиши давомида қандай кўникма ва малакага эга бўлиши лозимлиги ҳақида маълумотга эга бўлади;

- *касбий муҳим сифатлар* – касбни эгаллаш учун шахс бўлажак касби ҳақида ва унинг муҳим сифатлари ҳақида маълумотга эга бўлиши лозим, айнан бу бандда ўқувчилар шу маълумотларни олишади;

- *шахсий сифатлар* – муайян касбда меҳнат фаолият олиб бориш учун шахс қандай шасхий сифатларга эга бўлиши лозимлиги ҳақида билади;
- *ишилаш шароити* – бўлажак касбда меҳнат фаолияти қандай шароитда олиб борилади, шу маълумотларга эга бўлади;
- *тиббий монеликлар (чекловлар)* – ҳар бир касбнинг тиббий монеликлари мавжуд, шахс муайян касбни эгаллаши учун унда қандай тиббий чекловлар бўлмаслиги лозимлигини билади;
- *ишилаш мумкин бўлган жойлар* – мазкур касб мутахассиси касбни эгаллагандан сўнг иқтисодий соҳанинг қайси жабҳасида меҳнат фаолиятини олиб бориш мумкинлиги ҳақида маълумот олади.

Учинчиси босқичда ўқувчиларни касблар ва уларга бўлган талаблар ҳамда уларнинг замонавий жамиятдаги хусусиятлари ҳамда имкониятлари билан таништирган ҳолда касб-хунарни мустақил танлашга ўргатиш. Мазкур босқичда ўқувчи ўзининг имкониятлари, мойиллиги ва қобилиятини англаган ҳолда касб танлаш сабабларини, шунингдек уни қизиқтирувчи касб унга қўядиган талабларидан, жамиятнинг мазкур касбга бўлган талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлашдан иборат. Бу босқичда ахборот йўналишнинг рефлексив, фаолият йўналишнинг касбий муҳим компетенциялари ва психолологик йўналишининг белгиланган (установкали: муайян фаолиятни бажаришга тайёрлаш, ундаш) компонентларига эътибор қаратилади. Бу босқич касбнинг имкониятлари ва талабларини англаб етишни, меҳнат – инсон ҳаётининг табиий ва зарурӣ қисми эканлигига ишончни шакллантиришни назарда тутади. Мазкур босқичдаги ўқитиш воситалари – касбий фаолиятни лойиҳалаштириш ва лойиҳалаштириш билан боғлиқ тренинг машғулотлари ҳамда касбий синовлар бўлиши мумкин. Ўқувчилар турли касбларда фаолият қўрсатаётган мутахассиснинг меҳнат фаолиятини билиши учун касбий синовлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқир.

Назорат-таҳлил компоненти ўқувчиларни касб-хунарни мустақил танлашни шакллантириш жараёнининг натижасини тавсифлайди. Касб-

хунарни мустақил танлашнинг шаклланганлиги, мактаб ўқувчиларининг муваффақиятли касб танлашга психологик-педагогик тайёрлигига аниқланади. Психологик-педагогик тайёрликнинг тузилмаси ўзида, миқдорий ифодага эга учта кўрсатгичларни, шунингдек касб-хунарни мустақил танлашни англатувчи комплекс ташхис қўйишни назарда тутувчи турли хил даражаларни бирлаштиради.

*Билим кўрсатгичи* касб-хунарни мустақил танлаш учун зарур бўлган: касбий фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳақидаги, касбий фаолиятни муваффақиятли бажариш шахсий сифатлари ҳақидаги, ўзининг бу сифатларини ташхис қилиш имкониятлари ҳақидаги ҳамда касб талабларини ўзининг хоҳиш ва имкониятлари билан таққослаш ҳақидаги билимлар тўпламларни ифодалайди.

*Кўникма кўрсатгичи* ўқувчи, касбий муҳим сифатларни танлаб таҳлил қилиш, ўзининг шахсий сифатларига ташхис қўйиш ва касбий муҳим сифатлар билан ўзининг шахсий сифатларини таққослаш имкониятларини ифодалайди.

*Малака кўрсатгичи* шахснинг хоҳиш ва имкониятларини жамиятнинг касбга бўлган эхтиёжлари билан таққослаб, касб-хунарни мустақил танлаш масаласини ижобий хал қилишдек ўқувчининг кўникмасини намоён этади, шундай қилиб, нафакат онгли, балки ижтимоий-фойдали касбий танловни амалга оширади.

*Паст даражса.* Агар ўқувчи касблар олами ҳақида тассавурга эга бўлса ва касбни эгаллаш ўқувчи учун орзу-хавасдек бўлиб ҳисобланса, у ҳолда паст даражага ташхис қўйилади. Касбга қизиқиш паст ёки касбий қизиқиш йўқ бўлса ўқувчида касб-хунарни мустақил танлаш даражаси *паст* деб баҳоланади.

*Ўртacha даражса.* Агар ўқувчи касблар олами ҳақида тассавурга эга бўлса, бўлажак касбининг касбий муҳим сифатларини ҳақида билса лекин ўзининг шахсий сифатларини (ёки шахсий сифатларини умумий маънода билса, ташхислай олмаса) билмаса, касбий қизиқишлари барқарор бўлмаса, у

холда ўртача даражага ташхис қўйилади. Касбга қизиқиш мавжуд бўлиб ўзининг шахсий сифатларини касбий муҳим сифатлар билан таққослай олмаса ўқувчида касб-хунарни мустақил танлаш даражаси ўртача деб баҳоланади.

*Юқори даражса.* Ўкувчи касблар олами ҳақида тассавурга эга бўлса, диагностик методикалар ҳақида тушунчаларга эга бўлса, бўлажак касбининг касбий муҳим сифатларини ўзининг шахсий сифатлари билан таққослай олса, шунингдек касб танлашда ўзини жамиятнинг маълум бир касб гуруҳига киритса у ҳолда юқори даражага ташхис қўйилади. Ижтимоий-фойдалиликни белгилаб берувчи танлов ўқувчида касб-хунарни мустақил танлашнинг юқори даражасига мос келади.

Таҳлилий компонент касб-хунарни мустақил танлашни шакллантириш жараёни устидан комплекс назоратни амалга оширишга имкон яратади, бу эса мазкур жараённи кечиши давомида тузатиш ҳамда тартибга солиш имконини беради.



**1-расм. Касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш модели**

### **3.4. Мактабнинг юқори синф ўқувчиларини касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш технологияси**

Ўсмирик ва балоғат ёшида касбга йўналтиришнинг асосий вазифаси танлаб олинган фаолият турининг касбий муҳим сифатларини аниқлаш ва ривожлантириб боришдан, шунингдек таълим жараёнида психологик-педагогик ташхислаш натижаларида қайд этилган шахсий сифатларни меҳнат бозорининг эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда касбий режаларни тузишдан иборат.

Ўқувчиларни касб-хунарни мустақил танлашга тўғри йўналтиришни кўйидаги технология асосида ташкил этиш лозим:

- касб-хунарни мустақил танлашнинг моҳиятини очиб бериш;
- касб-хунар танлашни белгилаб берувчи асосий тамойилларни ўрганиш;
- професиограммалар билан танишиш;
- касбий муҳим сифатларни ажратиш;
- шахсий сифатларга ташхис қўйиш;
- меҳнат бозори талабларини ҳисобга олган ҳолда касб танлаш;
- касбда ўзини синаб қўриш жараёнида, касбий хулқнинг шахсий услубни шакллантириш.

Касб-хунарни мустақил танлашнинг методик тизими:

- 1) изоҳли - тасвирлаш методлари, муайян материаллар ҳақида таянч тасаввурларнинг асл моҳиятини тушунтириш каби вазифаларни ўз ичига олади;
- 2) ҳамкорликда ишлаш методлари, олинган маълумотларни англаш ва муҳокама қилиш имконини яратади;
- 3) муаммоли таълим методлари, аниқ вазифаларни моделлаштирувчи ва касбий фаолиятга йўналтирувчи, зарур компетенцияларнинг кенг спектирини ўрганишга имкон беради;

4) репродуктив метод, мұхим билим ва қўникмаларни ўзлаштириш, компетенцияларни шакллантириш жараёнини назорат қилиб боради.

Касбга йуналтириш ишларининг шакллари: маъруза, ташхислаш (психологик тестлар), баҳс-мунозаралар, ўйинлар, машқлар, сұхбатлар, профессиограммалар билан танишиш, тестлар ўтказиш, мунозара, вазиятларни таҳлил қилиш топшириқлари, вазиятларни моделлаштириш, касбий фаолиятни лойиҳалашни тренинглар орқали ривожлантириш, касбий синовларни ўтказиш.

Маърузада ва мунозарада ўқувчиларни таништириш зарур бўлган ва уларнинг тўғри тушунишига эришиш керак бўлган асосий мақсад - ўқувчиларни инсон ҳаётида меҳнатнинг аҳамияти билан, касб фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан, меҳнат бозорининг хусусиятлари билан, таълим муассасаларидаги тизим, улардаги қабул усуллари, корхоналар, бўш иш ўринлари, ёшларни ижтимоий ҳимоялашни таъминловчи хизматлар тузилмаси билан, шунингдек ўқувчиларнинг қизиқишилари, мойилликлари, қобилияtlарини ҳисобга олган ҳолда иш ўринларини танлаш амалиёти билан таништиришдан иборат.

Ташхислаш (психологик) тест синовларини ўтказишнинг боришида ўзини ташхис қилиш методидан кенг фойдаланиш; Ўқувчининг ўзи, унга ўқитувчи берган махсус алгоритм ёрдамида тест синовларининг натижаларга ишлов бериш ва методиканинг хulosалари билан танишиш; Юзага келган саволлар эса, якка тартибда, асосан гуруҳлар билан ўтказиладиган касбга йўналтириш ишининг борища хал қилиш; Ўқувчини, касб-хунарни мустакил танлашда, тавсияларни ўзи ифодалашни, асосий босқичлар ва йўлларини мустакил белгилашни ўргатишдан иборат. Ўқувчиларни касбга йўналтириш жараёнида уларнинг ўzlари бўлажак (танлайдиган) касбининг “касбий мұхим сифатлари” ҳақида маълумотларга эга бўлишига ҳамда мос келиши эътибор қаратиш керак қилдик.

Профессиограмма билан танишиш. Профессиограмма – бу муайян касбий фаолият тури ҳақида тизимга солинган, илмий асосланган меъёрлар

ва талаблар мажмуасидир. Профессиограмманинг мақсади – ўқувчида маълум бир касбнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилишдан иборат.

Ўқувчилар бўлажак касблар ҳақида умумлашган маълумотларга эга бўлишлари учун аввало ижтимоий жамиятда кўп учрайдиган ва умуман барча касблар ахборотнома (профессиограмма)ларини ишлаб чиқиб (тегишли давлат ва ҳусусий корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда) таълим порталларига, тегишли вазирлик ва албатта Халқ таълими вазирлигининг Республика ташхис марказининг расмий веб сайтлари каби интернет тармоқларига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу орқали ўқувчилар бўлажак касблари ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлади ҳамда энг асосийси ижтимоий фойдали касб танлашига кўмаклашади.

Касбий муҳим сифатларни аниқлаш учун ўқувчиларга муаммоли ўйинлар ва вазиятли моделлар яхши самара беради: “Одам ишсиз колди... У нима қилиши керак?”, “Мен ишга жойлашаман”, “Меҳнат биржаси”, “Кичик корхона”, Агар мен бошлиқ бўлганимда эди...” ва бошқ. Ўқув машғулотлари жараёнини ташкил этишнинг бундай шакллари, унга касбхунарни мустақил танлаш концепциясига тузатиш киритишини таклиф этиб, ўқувчининг ўзи тўғрисидаги тасаввурни аниклашга ва баҳолашга имкон берди.

Касбга йўналтиришда ўзини-ўзи ривожлантиришга қаратилган тренинглар хам яхши самара беради. Мазкур педагогик технология ўқувчиларни мустақил касб танлашда шахсий имкониятларидан янада тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш имконини беради. Мазкур жараён муҳим вазифалардан ҳисобланади, чунки умумий ўрта таълим мактаби дастурлари янги фанларга деярли жой қолдирмасдан, ўқувчилардан қўп вақт ва куч талаб этади.

Тренинг деганда таълим олувчиларни мақсадга йўналтирадиган, олдиндан режалаштирилган ва англаб етилган ўқув-билишга оид ижодий ёки ўйин фаолияти тушунилади. Тренингнинг йўналиши умумий муаммога,

мақсадга, келишилган услубларга эга ва ўқувчиларда коммуникатив ва ташкилотчилик қобилияларини ривожлантириш, интеллектуал ҳамда амалий компетенцияларнинг маълум тузилишини шакллантиришга йўналтирилган.

Тренинг - муайян муаммони тадқиқ этиш, унинг амалий ёки назарий тарзда амалиётга жорий этишдир. Тренингнинг мақсади ўқувчиларни ўтилган ўқув машғулоти давомида ўзлаштирганларини ҳисобга олиб ўзини-ўзи ривожлантириш ва ўзини тақдимот қилишга ўргатишдан иборат. Таълим олувчилар ўзларининг ижодий амалий фаолиятлари натижасида янги билимлар ва кўникмалар эга бўладилар. Бу метод ўқувчиларнинг коммуникатив кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, унда ўқувчиларнинг якка тартибдаги ишлаш шакли, гурӯхий машғулотлар билан бирга қўшиб олиб борилади.

Эркин тарбиялаш ғоясидан келиб чиқиб, бугунги кунда мазкур метод таълим тизимининг таркибиغا, унинг турли хил босқичларида фаол киритилиб борилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тренинг асосида ўқитиши ташкил этишга қўйидаги талаблар қўйилади: тренинг таълим ва тарбия жараёнига жорий этилган бўлиши керак; ўқувчилар мавжуд муаммоларни муҳокама қилиши ва олдига муҳим вазифаларни қўйишлари ҳамда вазифанинг фаолияти уларга мос ва тушунарли бўлиши керак; ўқувчилар фаол бўлишлари, ўз фикрларини ёзма равишда аниқ шакллантиришлари, кирувчи маълумотларни таҳлил қила олишлари, янги ғоялар яратилишида иштирок этишлари керак; ўқувчилар ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашда гурӯх шаклида ишлаш таклиф этилади.

Тренинг қўйидаги босқичлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир:

- Мақсадларни шакллантириш ва лойиҳалаштириш. Интеграциялашган билим, ҳал этиш учун тадқиқотчилик изланиш ишларини талаб этувчи тадқиқотчилик, ижодий масалада муҳим муаммонинг мавжудлиги.

Кутилаётган натижаларни, амалий назарий ва билишга оид аҳамиятини олдиндан билиш;

- Лойиҳани бажариш йўлларини ишлаб чиқиш ёки танлаб олиш. Ҳаракатлар кетма-кетлигини таъминловчи, илмий-тадқиқот усулларидан фойдаланиш: муаммони ва ундан келиб чиқадиган тадқиқот вазифаларини аниқлаш, уларни ҳал этиш гипотезаларини илгари суриш (бу босқичда “ақлий ҳужум”, “давра сухбати” ва ҳоказо усулларидан фойдаланиш мумкин), тадқиқот методларини муҳокама қилиш (статистик усуллар, тажриба-синов, кузатиш ва бошқ.). Бу босқичда шунингдек, лойиҳада неча киши иштирок этиши мумкинлигини аниқлаш лозим;

- Лойиҳа устида ишлаш. Ўқувчиларнинг мустақил (индивидуал, жуфт ва груп) фаолияти. Агар лойиҳа бўйлама бўлса, у ҳолда унинг қисмини структуралаштириш, яъни фойдаланиладиган методларни, усуллар ва ҳар бир босқич натижаларини кўрсатган ҳолда фаолиятни босқичларга ажратиш талаб этилади;

- Натижаларни расмийлаштириш. Якуний натижаларни (тақдимот, ҳимоя қилиш, ижодий ҳисботлар ва бошқалар), тўплаш, тизимлаштириш ва олинган маълумотларни таҳлил қилиш;

- Натижаларни муҳокама қилиш. Якуний натижалар ва уларнинг тақдимот шакллантириш; хulosалар, янги тадқиқот муаммоларини кўрсатиш.

Тренингда лойиҳани кенг жамоатчилик олдида ҳимоя қилиниши, биз танлаб олган муҳим тавсифларга мувофиқ ҳисобланади:

- маъruzанинг сифати: таркиби, ишнинг тўлиқлиги, ёндашувлар, натижалар, далиллар билан исботланганлиги, иш ҳажмининг тўлиқлиги, далилларнинг ишончли эканлиги;

- эълон қилинган мавзу бўйича билимларнинг чуқурлиги ва ҳажми, фанлараро алоқа мавжудлиги;

- нутқ маданияти, баён қилиш услуби, кўргазмали воситалардан фойдаланиш, мазмунли кириш қилиш, томошабинлар эътиборида бўлиш;

- муҳокамаларда қатнашиш, саволларга жавоблар тўлиқлиги ва мазмунлилиги, дўстоналик, ҳушмуомилалик.

*Касбий синовлар* (муайян касбда ўзини синаб қўриш)дан фойдаланиш назарияси ва амалиёти турли хил шаклларда педагогика фани ривожи ва мактаб таълим мининг касбга йўналтириш салоҳияти тўғрисидаги тасаввурларининг қарор топишининг кўпгина босқичларида ўз ифодасини топади. Ҳозирги замон педагог-амалиётчилари шуни таъкидлашадики, ҳамжамиятга янада ўзгарувчан ва хилма-хил бўлиб бораётган педагогик фаолиятнинг сифат жиҳатидан янги тавсифлари керак. Мактаб ўқувчиларининг касбий синовлари ҳам анъанавий, ҳам ноанъанавий педагогик концепцияларга янги маъно берадиган педагогик амалиётнинг мазмuni, ўқувчиларни касб-ҳунарни мустақил танлашга тайёрлигини оширишнинг самарали технологиялари билан бойитадиган педагогик ҳодиса ҳисобланади.

Ҳар бир касбий фаолият соҳасининг хусусиятларини тўла ҳажмда ўрганиш мумкин эмас. Маълумки, ҳар қандай касбда бошқа касблар ва мутахассисликларнинг маълум бир элементи бўлади. Шунинг учун касбий синовларни ташкил этиш учун биз ўзига хос хусусиятларига эга, аниқ бир фаолият соҳасини акс эттирувчи битта соҳадан фойдаланиш лозим.

Яъни:

- соҳанинг иқтисодиётда оммалашганлик даражаси;
- тегишли кадрларга бўлган эҳтиёж;
- тегишли ишлаб чиқариш соҳасининг ёрқин ифодаланган ўзига хос хусусиятларининг мавжудлиги;
- ўқувчиларнинг касбий қизиқишларини ривожлантириш учун соҳанинг кенг имкониятлари;
- ўқувчилар, фаолиятининг мос турларини бажаришларида тиббий чекловлар (моънеликлар) мавжуд эмаслиги.

Касбий синов, мактаб устахоналарида амалга ошириш мумкин бўлган бирор бир мутахассиснинг меҳнат фаолиятларининг бир қисмидан иборат бўлган амалий иш назарда тутилган.

Касбий синов, бу ҳақиқий ишлаб чиқариш шароитларига максимал даражада яқинлаштирилган ҳолда бажариладиган, ўқувчиларнинг ўқув-меҳнат, билиш фаолиятининг якунланган технологик цикли, шунингдек ўқувчининг қизиқиши ва қобилиятини аниқ бир касб фаолиятига нисбатан ривожлантириш, касбни онгли ва асосли тарзда танлашини текшириш воситаси ҳамдир.

Ҳар қандай ҳолатда, мактаб ўқувчилари касб танлашда бир қатор омиллар билан белгиланадиган, ўзига хос қийинчиликларга дуч келадилар, булар:

- таълимдан касбий фаолият соҳасига ўтиш даврида психологик тайёр эмаслик;
- аниқ ҳаётий истиқболли режанинг мавжуд эмаслиги, унинг сабабларидан бири ижтимоий ишончсизлик ҳисси;
- касбий фаолият ёки профил касбнинг мазмунини аниқлашда ўз имкониятлари ва қобилиятларини баҳолаш учун етарли даражада ўзини-ўзи баҳолаш қобилиятларининг шаклланмаганлигини;
- ишлаб чиқариш муҳитини шахсга бўлган таъсири ва муайян касбий қийинчиликларни бартараф этишга тайёрлигининг етарли даражада ҳисобга олинмаслиги ва бошқалар.

Мазкур муаммоларни бартараф этишда ўқувчиларни касб-хунарни мустақил танлаш тайёрлашнинг методик, ташкилий-педагогик ва амалий тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларни касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлашда фақатгина касблар олами билан таништириш эмас балки, ўқувчилар касб-хунарни мустақил танлашда ўзларининг индивидуал-психологик хусусиятлари ва қобилиятларини касбнинг талабларига мослаштириш имкониятларини шаклланишига, яъни шахс сифатида ривожланишига эришиш лозим.

Умумий ўрта таълим мактабида касб-хунарни мустақил танлаш жараёнини ташкил этиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўқувчиларни мустақил ижодий фикрлаш, уларнинг ўзига хос касбий қобилияtlари ва сифатларини ривожлантириш имконини берувчи технологиясини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Мактаб ўқувчиларининг психологик ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтиришни амалга ошириш қўйидаги тўрт босқичда олиб борилиши лозим:

Биринчи босқич (1-4 синфла) - шакллантириш: кичик ёшдаги ўқувчиларнинг амалий иштироки асосида турли хил когнитив, қизиқарли, ижтимоий фойдали меҳнат фаолиятига қизиқишини ва меҳнатга вижданан ёндашиш муносабатини шакллантиришдан, инсон ва жамият ҳаётида унинг ролини ҳақидаги тушунчалирини, ота-оналарнинг касбига ва атрофидаги касбий фаолиятга бўлган, кенг тарқалган касбларга қизиқишиларини, касб танлашнинг этикет меъёрларини ривожлантиришдан иборат.

Иккинчи босқич (5-7 синфлар) - ривожлантириш: касб-хунарга йўналтириш, касблар оламининг хилма-хиллиги ҳақидаги дастлабки тушунчаларини ҳамда улар асосида ўзларининг қизиқишилари, қобилияtlари ҳамда манфаатларини, касб танлаш ва жамиятдаги ўрни билан боғлик ижтимоий қадриятларини шакллантиришдан иборат. Шу билан бирга, келажақдаги касбий фаолият - ўсмир учун турмуш тарзини яратиш имконияти бўлиб, бунда ўқувчилар ўз имкониятларини юзага чиқара олиш кўникмалари ҳақида тушунчаларга эга бўладилар.

Учинчи босқич (8–9-синфлар) - мустақил танлашга тайёрлаш. Мақсад - ўқувчиларда касб-хунарни мустақил танлашлари учун шахсий ва касбий мустақиллик тушунчаларини ривожлантириш ҳамда ўзларининг шахсий сифатлари билан касбнинг муҳим сифатларини таққослай олишлари учун психологик-педагогик қўллаб-қувватлашдан иборат. 8–9-синф ўқувчиларида ўзларига муносиб танлаган касб талабларига мувофиқ касблар, касбий ўсиш истиқболлари, касб танлаш қоидалари, шунингдек, шахсий имкониятларини

объектив баҳолай олиш кўникмалари шаклланади. Ўқувчиларга касб танлашда қўшимча вариант сифатида, мустақил танлаш юзасидан ўз ҳаракат стратегиясини белгилашда индивидуал ёндошган ҳолда муаммоли вазиятлар ташкил этиш асосида маслаҳат ёрдами берилади. Ушбу босқичда, ўқувчилар ўқув машғулотларида ёки дарсдан ташқари машғулотларда актив ахборот-методик таъминотлар (шахсий сифатларини ташхислаш, касблар олами билан, касб-хунар таълими мусасасалари билан, меҳнат бозори ва ундағи вазиятлар билан) танишадилар, ёзги таътилда пайтида биринчи касбий синовдан ўтиш жараёнлари ташкил этилади.

Тўртинчи босқич (10-11 синфлар) – касбга оид компетенциясини ривожлантириш. Битирувчиларни ўз саломатлиги, қобилиятлари, имкониятлари шунингдек, касбнинг талаблари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касб-хунарни мустақил танлаш асосида ҳаёт йўлини тўғри танлашга тайёрлашдан иборат. Касбга йўналтириш касбга доир профил билим ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириб бориш асосида таъминланади.

Умумий ўрта таълим мактаби 10-11 синф ўқувчиларини касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш маҳсус курс дастури учун қуйидаги ишлар асосида ташкил этилса, ўқувчиларни касб-хунарга ўргатиш жараёни янада самарали бўлишига эришилади:

ўқувчиларни касбий йўналганлигини аниқлаш бўйича ташхислаш ишларини олиб бориш;

ўқувчилар томонидан касб-хунарни мустақил танлаш юзасидан маслаҳат (косультация)лар ташкил этиш;

худуддаги корхона ва ташкилотларга (ёки ЎИЧМ танлаган касб бўйича) экскурсиялар ташкил этиш;

таътил даврида (ўкув йили давомидаги ва ёзги) ўқувчилар психо-физиологик хусусиятларига мос касбларда меҳнат қилиш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида турли корхона ва ташкилотларда ўзларининг

билим, кўникма ва мавжуд малакаларини синааб кўришлари учун уларга ишлаш шарт-шароитларини яратиш;

фан ва касблар ҳафталигини ўтказиш;

ўқувчиларни ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш мақсадида уларни бевосита ижодий фаолиятга жалб этиш чораларини кўриш;

“Саломатлик ва касб танлаш” мавзусида шифокор маслаҳатини ташкил этиш;

Ўқувчиларга “Касбнинг инсон соғлигига қўядиган талаблари” мавзусида сұхбатлар ташкил этиш;

Касб-хунарни мустақил танлаш воситаси бўлган, ўқувчиларга муайян касблар ҳақида умумлашган маълумотларни берувчи касблар ахборотномаси (профессиограмма) ишлаб чиқиш ва таништириш;

Касбга йўналтириш билан боғлиқ илмий ва оммабоп адабиётлар ўқувчилар билан кенг қамровли таништирув ишларини олиб бориш;

Мактаб битирувчилари билан хуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича бандлик хизмати мутахассислари билан учрашувлар ташкил этиш.

*Ўқувчиларни касб-хунарга мустақил танлашга тайёрлашида уларнинг ота-оналари билан қуидаги ишларни амалга ошириши лозим:*

ўқувчилар 9-синфни битируви арафасида уларнинг қизиқишилари, мойиллиги ўрганиш ва уларнинг тўгараклар, спорт секциялари асосида қобилиятларини ривожлантириш ишларини олиб бориш ҳамда ЎИЧМ асосидаги касбни танлашга йўналтириш;

“Фарзандингизнинг қобилияти нимага боғлиқ” мавзусида якка тартибда ва гуруҳда сұхбатлар ташкил этиш;

*Ота-оналар билан қуидаги мавзуларда ижодий учрашувлар ташкил этиши:*

Фарзандингизни ўраб турган касблар олами;

Қизиқиши, мойиллик ва қобилиятларни ривожлантириш қандай амалга оширилиши лозим;

Қанда йқилиб болаларни касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш мүмкін;

Касбни танлаш – нима дегани? Ва ҳаказо;

Ота-оналарнинг касбий фаолият ҳақидаги турли мазуларда сұхбатлар ташкил этиш.

Юқоридагиларнинг амалга оширилиши асосида қуйидаги самарали натижаларга эришилади:

бўлажак касбий фаолият учун актуал қобилиятни ривожланишга олиб келади;

педагогларнинг ўқувчиларни касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш ишини тизимлаштиришга эришилади;

ўқувчиларнинг интелектуал, маданий, жисмоний ва маънавий ривожланишига эришилади;

ўқувчи ёшларнинг касблар олами ҳақидаги билимларини янада ривожланишига эришилади;

кичик ёшдаги ўқувчилар учун шартларни ишлаб чиқиш имконини яратади;

энг машхур бўлган касбларни тарғиб қилиш асосида касбий фаолиятга қизиқиши ортишига эришилади.

Ўқувчиларни касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш асосида касб-хунарга ўргатиш ҳамда уларни касбга оид компетенцияларини ривожлантириш учун уларни ўкув жараёнида чуқурлаштирилган малака талаб этмайдиган касбларга ўргатиш керак. Бу орқали ўқувчиларни касбга оид эгаллаган билим ва кўнимкалари асосида малакаларини шакллантиришга ва ривожлантиришга эришилади.

### **3.5. Касб-хунарни мустақил танлаш кўнималарини “Касбни мустақил танлаш” маҳсус курси асосида шакллантириш**

Психологларнинг фикрларига таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, ўқувчиларнинг аксарияти касб танлашда ўзларининг шахсий сифатларини ҳисобга олмайдилар, уларсиз эса тўғри касб танлаб ҳам жамиятга муваффақиятли ижтимоий мослашиб ҳам бўлмайди.

Умумий ўрта таълим мактаби юқори синф ўқувчиларининг қизиқишилари, мойилликлари ва имкониятларини ҳамда меҳнат бозори талабларини эътиборга олган ҳолда касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлаш мақсадида “Касбни мустақил танлаш” маҳсус курс дастури ишлаб чиқилди.

Маҳсус курс ўқув йилининг биринчи ёки иккинчи ярмида ўтилиши мумкин бўлиб, бир неча машғулотни ўз ичига олади. Дастур мазмуни куйидагича:

## **“КАСБНИ МУСТАҚИЛ ТАНЛАШ” маҳсус курс дастури (8-синф)**

### **Кириш**

Курснинг мақсад ва вазифалари. Касб танлашнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти.

### **I. Шахс психологияси блоги.**

Темперамент, темперамент турлари ва касб, ўзини англаш ва ривожлантириш, мотив ва мотивация, касб танлаш мотивацияси.

### **II. Касблар олами билан танишиш блоги.**

Касб ҳақида тушунчалар. Инсон ҳаётида меҳнатнинг роли. Касб танлашда қизиқиш ва мойилликлар. Касб, мутахассислик, лавозим. Касблар таснифи. Меҳнат бозори ва касб. Касбий муҳим сифатлар ва тиббий монеъликлар.

### **Курс якунида ўқувчилар қуйидагиларни:**

#### **Биладилар:**

- темперамент ва унинг турларини;
- инсон ҳаёти ва жамиятда меҳнатнинг мазмун ва моҳиятини;
- касб-хунарни мустақил танлаш моҳиятини;
- касбни мустақил танлашда қизиқиши ва қобилиятининг ўрнини;
- меҳнатнинг ҳаётдаги ролини;
- касблар ҳақидаги тушунчаларни;
- касб, мутахассислик, лавозимлар моҳиятини;
- касблар таснифини;
- меҳнат бозорини;
- касбий муҳим сифатларни;
- тиббий монеликлар.

### **Қила оладилар:**

- ўзига-ўзи (шахсий сифатларига) баҳо беришни;
- шахсий қизиқиши ва қобилиятларини аниқлай ҳамда таҳлил қила олиши;
- касб, мутахассислик, лавозимларни фарқлай олиши;
- танлаган касбнинг талабларига жавоб берса олиш ва мослашишни.

### **Тушунчага эга бўладилар:**

- мотив ҳақидаги тушунчаларни;
- касб танлаш мотивацияси ҳақидаги тушунчаларни;
- олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими ҳақида;
- психолого-диагностик сўровнома, тест, методикаларнинг мазмун ва моҳиятини ҳамда уларнинг касб-хунарни мустақил танлашдаги ўрнини.

### **“Касбни мустақил танлаш” дастури режаси**

| <b>№</b> | <b>Мавзулар номи</b>  | <b>Соат<br/>микдори</b> |
|----------|---|-------------------------|
| 1        | Кириш. “Касбни мустақил танлаш” курсининг мақсад ва вазифалари. | 2                       |

|             |   |           |
|-------------|---|-----------|
| <b>I</b>    | <b>Шахс психологияси</b>                                    |           |
| 2           | Темперамент. Темпераментнинг турлари ва касб.               |           |
| 3           | Шахс ўзини-ўзи англаш ва ривожлантириш                      | 1         |
| 4           | Мотивация. Касб танлаш мотивациясини аниқлаш.               | 2         |
| <b>II</b>   | <b>Касблар олами билан танишиш</b>                          |           |
| 5           | Касб ҳакида тушунчалар. Инсон ҳаётида меҳнатнинг роли.      | 1         |
| 6           | Касб танлашда қизиқиши ва мойилликлар.                      | 1         |
| 7           | Касб танлашда билимнинг ўрни. Касб, мутахассислик, лавозим. | 1         |
| 8           | Касблар таснифи.  | 2         |
| 9           | Меҳнат бозори ва касб.                                      | 1         |
| 10          | Касбий муҳим сифатлар ва тиббий монеъликлар.                | 1         |
| <b>жами</b> |   | <b>12</b> |

1-машғулот. **Кириш. Курсининг мақсад ва вазифалари.**

### **Темперамент. Темперамент турлари ва касб.**

Курсининг мақсад ва вазифалари, уни ташкил этиш ва олиб бориш режалари хусусида сўз юритилади. Ўқувчиларга темперамент ва унинг турлари ҳакида тушунчалар берилади. Темпераментни аниқлаш психологик методикаси орқали ўқувчиларнинг темперамент аниқланади. Касб-хунар танлашда темпераментнинг ўрни ҳакида тушунчалар берилади.

### **3-машғулот. Шахс ўзини-ўзи англаш ва ривожлантириш**

Касб танлашда шахс ўзини англаши ва касб танлашда шахсий сифатларни алоҳида ўрни ҳакида тушунчлар берилади. Ўйинлар ўтказилади.

Дарс сўнгига моназара ташкил этилади: Касб танлашда шахсий сифатларни билиш нима учун керак?

### **4-машғулот. Мотивация. Касб танлаш мотивациясини аниқлаш.**

Мотив ва мотивация ҳақида тушунчлар берилади. Касб танлаш мотивациянинг ўрни ҳақида тушунчлар берилади. Касб танлаш мотивациясини аниқлаш методикаси ўтказилади.

**5-машғулот. Касб ҳақида тушунчалар. Инсон ҳаётида меҳнатнинг роли.**

Куйидаги саволлар асосида ташкил этилади: касб нима; инсон нима учун ишлайди; ишсизлик яхшими; меҳнат ва ўқишининг боғлиқлиги нимада; нима учун касбни тўғри танлаш керак; касб танлашда қизиқиш ва мойилликларни ҳисобга олиш керакми ёки ..; нима учун дўст ва ота-она (яқин қариндош)лар фикрига ёндошмаслик керак.

Машғулот сўнгидаги: “нима учун бўлажак касб ҳақида ўйлаш муҳим?” саволи асосида бахс-мунозара ташкил этилади.

**6-машғулот. Касб танлашда қизиқиш ва мойилликлар.**

Ўқувчиларнинг қизиқиш ва мойилликлар касб танлашдаги ўрни ҳақида маълумот берилади. Касб танлашда шахсий қизиқиш ва мойилликларини ҳисобга олиш лозимлиги ҳақида тушунчалар берилади. Ўқувчиларни қизиқиш ва мойилликлари “Қизиқишилар харитаси” психологияк сўровнома ўтказилади. Бу методика орқали ўқувчиларни қайси билим соҳасига қизиқиши ва мойилликлари юкори эканлигини аниқлаб олиш мумкин бўлади. Психологияк сўровномаси натижаларига кўра ўқувчиларнинг қизиқиш ва мойилликлари ҳақида фикр мулаҳазалар юритилади.

**7-машғулот. Касб танлашда билимнинг ўрни. Касб, мутахассислик, лавозим.**

Касб танлашда билим энг асосий ролни ўйнаши ҳақида ўқувчиларга тушунча берилади. Касб, мутахассислик ва лавозимлар ҳақида тушунчалар ва уларнинг хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

**8-машғулот. Касблар таснифи.**

Касблар таснифлагичи ва касблар ҳақида тушунчалар берилади. “Одам-одам”, “Одам-табиат”, “Одам-техника”, “Одам-белгилар тизими”, “Одам-бадиий образ” касб типлари ҳақида тушунчалар берилади. Диференциал

диагностик (психологик) сўровнома “ДДС” (Е.А.Климов) ўтказилади. Бу методика орқали ўқувчилар касбнинг қайси турига қизиқишларини аниқлаш мумкин бўлади. Сўровнома натижасига кўра ўқувчиларга маълумот берилади.

### **9-машғулот. Мехнат бозори ва касб.**

Куйидаги саволлар асосида ташкил этилади: касб нима; қандай касб билан шугулланиш керак ва нима учун; қандай “машхур” касблар эгалари ҳақида биласиз; нега улар юқори ойлик маошга эга эмаслар; меҳнат бозори нима; бугунги кундаги меҳнат бозорининг қандай талаблари мавжуд; меҳнат бозори талабларини олиш нима учун керак.

### **10-машғулот. Касбий муҳим сифатлар ва тиббий монеликлар.**

Ўқувчиларга касбий муҳим сифатлар яъни, танлаган касблари ўқувчиларга қандай касбий талаблар ва тиббий чеклов (монелик)ни қўяди, бу талабларга қандай жавоб бериши, талабларга жавоб бериш учун нима қилиш лозимлиги ҳақида маълумот берилади. Баъзи касбларнинг муҳим сифатлари ҳақида ўқувчиларга маълумотлар берилади.

## **“КАСБНИ МУСТАҚИЛ ТАНЛАШ”**

### **маҳсус курс дастури (9-синф)**

#### **Кириш**

Курснинг мақсад ва вазифалари. Касб танлашнинг инсон ҳётидаги аҳамияти.

#### **I. Шахс психологияси блоги.**

Темперамент, характер, ўзига баҳо бериш ва касб. Қобилият. Қобилиятни ривожлантириш шартлари.

#### **II. Касб танлашни режалаштириш блоги.**

Коммуникативлик ва ташкилотчилик қобилияти. Шахснинг сифатлари. Шахс ва унинг мотивлари. Касб турлари. “Одам-одам”, “Одам-табиат”, “Одам-техника”, “Одам-белгилар тизими” ва “Одам-бадиий образ” касб

турлари тавсифи. Касбий мухим сифатлар. Касб танлаш муаммоси (“хоҳлайман”-“уддалайман”-“зарур”). Касб танлаш омиллари. Олий ва ўрта махсус таълим тизими. Профессиограмма. Касб танлашда билимнинг ўрни.

### **Курс яқунида ўқувчилар қуидагиларни:**

#### **Биладилар:**

- шахсий темпераментини;
- характер ва унинг хусусиятларини;
- шахсий қобилиятига баҳо беришни.
  - касб-хунарни мустақил танлашда коммуникативлик қобилиятининг ўрнини;
  - шахсий мухим сифатлар (хусусиятлар)ни;
  - шахсий мотивларни;
  - касб турларини;
  - касбий мухим сифатларни;
  - касб танлаш омилларини;
  - касбни мустақил танлаш моҳиятини;
  - касблар ахборотномаси (профессиограмма)ни;
  - олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими;
  - шахсий касбий режа, касбий муваффақиятнинг калити эканлигини.

#### **Қила оладилар:**

- инсон темпераментини фарқлай олиш;
- шахсий сифатларини ташхислашни;
- инсон қобилиятига баҳо беришни;
- коммуникатив қобилиятини юзага чиқара олишни;
- шахсий мухим сифатларини кўрсата олишни;
- касб турларини фарқлай олишни;
- професиограммадан фойдаланишни;
- касбни мустақил танлай олишни;
- шахсий касбий режа тузишни.

#### **Тушунчага эга бўладилар:**

- инсон ҳаёти ва жамиятда меҳнатнинг мазмун ва моҳияти ҳақида;
- темперамент ва унинг турлари ҳақида;
  - шахс сифатларини ташхислаш методикалари ҳамда уларнинг касб-хунарни мустақил танлашдаги роли ҳақида;
- характер ва унинг хусусиятлари ҳақида;
- қобилият ҳақида;
- касблар ҳақида;
- олий ва ўрта маҳсус таълим тизими ҳақида.

### **“Касбни мустақил танлаш” дастури режаси (9-синф)**

| <b>№</b>   | <b>Мавзулар номи</b>  | <b>Соат<br/>миқдори</b> |
|------------|---|-------------------------|
|            | Кириш. “Касбни мустақил танлаш” курсининг мақсад ва вазифалари. | 1                       |
| <b>I</b>   | <b>Шахс психологияси</b>  |                         |
| 1          | Темперамент, характер, ўзига баҳо бериш ва касб.                |                         |
| 2          | Қобилият. Қобилиятни ривожлантириш шартлари.                    | 1                       |
| <b>III</b> | <b>Касб танлашни режалаштириш</b>                               |                         |
| 3          | Коммуникативлик ва ташкилотчилик                                | 1                       |
| 4          | Шахснинг сифатлари.   | 1                       |
| 5          | Шахс ва унинг мотивлари.  | 1                       |
| 6          | Касб турлари. Касб турларининг тавсифи.                         | 4                       |
| 7          | Касбий муҳим сифатлар ва тиббий монеликлар.                     | 1                       |
| 8          | Касб танлаш муаммоси. («хоҳлайман»-«уддалайман»- «зарур»)       | 1                       |
| 9          | Касб танлаш омиллари.   | 1                       |
| 10         | Таълим тизими ва турлари. Олий ва ўрта маҳсус таълим тизими.    | 1                       |
| 11         | Профессиограмма. Касб танлаш.                                   | 1                       |

|             |                                 |           |
|-------------|---------------------------------|-----------|
| 12          | Тренинг (менинг бўлажак касбим) | 1         |
| 13          | Тренинг ( <i>тақдимот</i> )     | 1         |
| <b>Жами</b> |                                 | <b>16</b> |

**1-машғулот. Кириш. Курснинг мақсад ва вазифалари.**

**Темперамент. Характер. Ўзига баҳо бериш ва касб.**

Курснинг мақсад вазифалари, уни ташкил этиш ва олиб бориш режалари хусусида сўз юритилади. Ўқувчиларга темперамент ва унинг турлари, характер ва унинг хусусиятлари, шахс ўз қобилиятига баҳо бериш ҳамда касб-хунарни мустақил танлашда уларнинг роли ҳақида тушунчалар берилади.

**2-машғулот. Қобилият. Қобилиятни ривожлантириш шартлари.**

Шахснинг қобилияти ва уни ривожлантиришнинг психологик омиллари ҳақида маълумот берилади.

**3-машғулот. Коммуникатив ва ташкилотчилик.**

Қобилият ҳамда коммуникативлик ва ташкилотчилик қобилияти тушунчаларининг мазмун ва моҳияти очиб берилади. “Коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятини аниқлаш” психологик методикаси ўтказилади. Бу методика орқали ўқувчиларни коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятини аниқлаш мумкин бўлади. Методика натижаларига кўра ўқувчиларнинг коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятлари ҳақида тушунчалар берилади.

**4-машғулот. Шахс сифатлари.**

Инсоннинг шахсий сифатлар ҳақида сўз юритилади. Ўқувчиларга уларнинг шахсий сифатлари ва касбий қобилияtlари ҳамда “Шахс сифатлари ва касбий қобилиятларни ўрганиш” психологик методикаси ўтказилади. Бу методика орқали ўқувчиларни шахсий сифатлари ва касбий қобилиятларини аниқлаш мумкин бўлади. Методика натижаларига кўра ўқувчиларнинг шахсий сифатлари ва касбий қобилияtlари ҳақида тушунчалар берилади.

**5-машғулот. Шахс ва унинг мотивлари.**

Инсоннинг шахсий мотивлари. Таълим олиш, меҳнат қилишлари учун уларнинг шахсий мотивлари (туртки) бўлиши кераклиги ҳақида сўз юритилади ҳамда “Касб танлаш мотиви” анкетаси ўтказилади. Бу методика орқали ўқувчиларни касб танлашнинг қайси сабаб (мотиви)ларига ўз эътиборини қаратишни аниқлаш мумкин бўлади. Методика натижаларига кўра ўқувчиларнинг касб танлаш мотиви ҳақида тушунчалар берилади.

### **Касб турлари. Касб турларининг тавсифи.**

Касб ва унинг турлари ҳақида ўқувчиларга маълумот берилади. Касб-хунарни мустақил танлашда касб турларининг роли ва боғлиқлиги ҳақида ҳаётий мисоллар келтирган ҳолда маълумотлар берилади, 4 соат машғулотдан иборат бўлади, касб турлари кирувчи касблар ҳақида тушунчаларини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар тарзида олиб борилади:

6-машғулот. **“Одам-одам”** ва **“Одам-табиат”** касб турлари кирувчи касблар ҳақида тушунчалар бериш.

7-машғулот. **“Одам-техника”** касб турлари кирувчи касблар ҳақида тушунчалар бериш.

8-машғулот. **“Одам-бадиий образ”** касб турлари кирувчи касблар ҳақида тушунчалар бериш;

9-машғулот. **“Одам-белгилар тизими”** касб турлари кирувчи касблар ҳақида тушунчалар бериш;

### **10-машғулот. Касбий муҳим сифатлар ва тиббий монеликлар.**

Ўқувчиларга касбий муҳим сифатлар яъни, танлаган касблари ўқувчиларга қандай касбий талаблар ва тиббий чеклов (монелик)ни қўяди, бу талабларга қандай жавоб бериши, талабларга жавоб бериш учун нима қилиш лозимлиги ҳақида маълумот берилади. Касбнинг талабларига лизмм ҳолларда мослашиш кераклиги, касблар мисолида уларнинг муҳим сифатлари ҳақида ўқувчиларга маълумотлар берилади.

### **11-машғулот. Касб танлаш муаммоси.**

Касбни танлашда ўқувчиларимиз олдидаги муаммолари, дуч келиши мүмкін бўлган тўсиқлари ҳақида тушунчалар бераб, касб-хунарни мустақил танлашда нималарга эътибор қаратишлари лозимлиги ҳақида тушунчалар берилади. “Хоҳлайман” – “қила оламан” – “қилишим зарур” вазифларидан келиб чиқиб касб-хунарни мустақил танлашга тўғри режа тузишни ўргатиш.

#### **12-машғулот. Касб танлаш омиллари.**

Ўқувчиларга касб-хунарни мустақил танлашнинг психологик-педагогик омиллари ҳақида сўз юритилиб, касбни танлаш омиллари ҳақида маълумотлар берилади.

#### **13-машғулот. Таълим тизими ва турлари. Олий ва ўрта маҳсус таълим тизими.**

Мамлакатимизнинг таълим тизими ва турлари ҳақида қисқача маълумот берилади. Мамлакатимизнинг олий ва ўрта маҳсус таълими тизимидағи таълим муассасалари ҳақида маълумотлар берилади. Олий таълим ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимидағи таълим муассасалар ва уларга ўқишига киришнинг муаммолари ва афзалликлари ҳақида тушунчалар берилади.

#### **14-машғулот. Касблар ахборотномаси (профессиограмма).**

Қуйидаги саволлар асосида ташкил этилади: Профессиограмма нима? Профессиограмманинг қандай турлари биласиз? Нечта профессиограмма билан танишгансиз? Профессиограмма ҳақида тушунча ва маълумот берилади. Республикаизда мавжуд профессиограммалар билан таништирилиб, улардан касб-хунарни мустақил танлашга тайёрланишда тўғри фойдаланишни ўргатилади.

#### **15-машғулот. Тренинг. Менинг бўлажак касбим.**

Ўқувчилар ҳаётий режаларини тузишни ўргатиш ва олган билим ва кўникмаларини ривожлантиришдан иборат бўлади.

Тренинг мақсади – 3 йилга ҳаётий стратегик режаларни ҳамда яқин 2 ойлик мотивацион шиорни ишлаб чиқишига ўргатиш. Тренингда тренер

келажакни алгоритмик тарзда тузишга йўналтирувчи расмларни беришдан бошлаб то режа тузиб уни ҳимоя қилишига ўқувчиларга тушунчалар беради. Тренингда ўқувчилар ҳам якка тартибда ҳам жуфт бўлим ҳамда гуруҳ бўлиб ишлаш кўникмаларига эга бўладилар. Тренинг - “Келингар ўқувчилар келажагимизни қуришга (тасавур қилишига) харакат қилиб кўрамиз”, деб ўқувчиларга ўзларининг 5 йиллик бўлажак касбий келажак режасини тузиш бўйича ўқувчиларни амалий иштирокини таъминлаган ҳолда тренинг ташкил этади.

### **16-машғулот. Тренинг. Менинг бўлажак касбим. Тақдимот.**

Ўқувчилар, ташкил этилган тренингда топширилган вазифалардан келиб чиқиб, уйга вазифа қилиб берилган “Менинг бўлажак касбим” мавзусидаги ҳаётий стратегик рижаларини мустақил тақдимот қиласдилар. Тақдимотдан мақсад – ўқувчиларни ҳаётий ва касбий режаларини тузиш, айниқса ўзини-ўзи тақдимот қилиш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Дастур касб-хунарни мустақил танлаш тайёрлаш жорий этиш шартини ўз ичига олган уч босқичдан иборат.

“Касбни мустақил танлаш” махсус курс дастури 8–9-синфлар учун мўлжалланган дастур тўлиқ ҳолда жами 28 (8-синф учун 12 соат, 9-синф учун 16 соат)ни ташкил этган уч босқичдан иборат ва у қуйидагиларни ўз ичига олади:

Биринчи босқичда мактаб ўқувчисининг қизиқишилари, мойиллиги ва қобилиятини аниқлаш мақсадида унинг шахсий хусусиятларини ўрганиш ва улар билан таништириш, яъни ўзини англашига ёрдам бериш. Мазкур тадқиқот режаси балоғат ёшидаги кишининг психолофизиологик хусусиятларини ташхис қилишни ўз ичига олади – булар унинг психикаси, ривожланиши, организмнинг тузилиши, саломатлигининг ҳолатидир. Ўқувчига ўзини англашига ёрдам бериш учун унинг психофизиологик хусусиятларини англашга кўмаклашиш лозим. Шунинг учун инсон ўзининг

табиий ҳолатига кўра аниқ бир касбни ёки касблар гурухини муваффақиятли эгаллашга маълум даражада меъёрганланганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Касб мустақил танлаш билан боғлиқ бўлган психологик билимларини, яъни шахсий сифатлари ва уни ташхислаш учун психологик методика ва тестлар ҳақидаги тушунчалари ривожлантириш ишлари амалга оширилади. Ташхис қўйиш керак бўладиган шахснинг энг муҳим хусусиятларига қўйидагилар киради: шахсий қизиқишлир, эҳтиёжлар, мойилликлар, қобилиятлар, касбий ҳоҳишлир, касбий йўналганлик, характер хусусиятлари, темперамент ва саломатлик ҳолати.

*Машгулом мавзулари:* (8-синф учун) Курсининг мақсад ва вазифалари. Темперамент. Темпераментнинг турлари ва касб. Шахс ўзини-ўзи англаш ва ривожлантириш. Мотивация. Касб танлаш мотивациясини аниқлаш. (9-синф учун) Курсининг мақсад ва вазифалари. Темперамент, характер, ўзига баҳо бериш ва касб. Қобилият. Қобилиятни ривожлантириш шартлари.

Иккинчи босқич ўқувчиларни касблар олами билан таништириш бўлиб, машғулотлар маърузалар ва баҳс-мунозаралардан иборат асосан касб танлаш хусусиятлари, унинг инсон ҳаётидаги роли, касб танлашда қизиқиш, мойилликлар ва имкониятлар ҳақида маълумотлар берилади. Касб фаолияти мазмунини билмаслик ва мос равиша олинган ихтисослиқдан қаноатланмаслик, ўз навбатида, кадрлар қўнимсизлиги, паст меҳнат унумдорлиги, иш жойини алмаштириш сабабларидан бири ҳисобланади, шунинг учун касбнинг муҳим сифатлари ҳақида маълумотлар берилади. Шунингдек, муайян касб эгалари билан учрашувлар ташкил этилади. Касблар олами тўғрисида аниқ, яхлит тасаввурга эга бўлишга, исталган касбнинг умумий тавсифида тез ва тўғри танлаш қўникмасига эга бўлишга ва ўзини мазкур касбга мойиллигини аниқлашга имкон беради.

*Машгулом мавзулари:* (8-синф учун) Касб ҳақида тушунчалар. Инсон ҳаётида меҳнатнинг роли. Касб танлашда қизиқиш ва мойилликлар. Касб танлашда билимнинг ўрни. Касб, мутахассислик, лавозим. Касблар таснифи. Меҳнат бозори ва касб. Касбий муҳим сифатлар ва тиббий монеъликлар.

Учинчиси босқичда ўқувчи ўзининг имкониятлари, мойиллиги ва қобилиятини англаган ҳолда касб танлаш сабабларини, шунингдек уни қизиқтирувчи касб унга қўядиган талабларидан, жамиятнинг мазкур касбга бўлган талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб касб-ҳунарни мустақил танлашга тайёрлашдан иборат. Бу босқичнинг асосий вазифаларидан бири ўқувчилар муваффақиятли ҳаёт фаолиятини ва касбни мустақил танлашни англаши зарур ҳисобланади.

*Машгулом мавзулари:* (9-синф учун) Коммуникативлик ва ташкилотчилик. Шахснинг сифатлари. Шахс ва унинг мотивлари. Касб турлари. Касб турларининг тавсифи. Касбий муҳим сифатлар ва тиббий монеликлар. Касб танлаш муаммоси. («хоҳлайман»-«уддалайман»-«зарур»). Касб танлаш омиллари. Таълим тизими. Олий ва ўрта маҳсус таълим тизими. Профессиограмма. Касб танлаш. Тренинг (бўлажак касбий режани тузиш кўникмаларини ривожлантирувчи).

Шунингдек мазкур босқичда ўқувчиларга, нафақат инсон касбни, балки касб ҳам инсонни танлаши мумкин эканлигини, муайян касбда муваффақиятга эришиш учун шахснинг сифатлари катта рол ўйнашини яхши англаш лозимлигини тушуниши керак. Шуни англаш керакки, инсон танлаган касбидан нима беришини кўра олиши лозим. Энг машҳур ва машҳур бўлмаган касблар рўйхатини тузиш керак. Ҳар бир касбни ишлаш шароити, иш қуроли, ижтимоий мавқеи, маоши, имкониятлари, шунингдек меҳнат бозори талабларини ҳисобга олиши лозим.

Ўқув машғулоти давомида ўқувчиларга шахсий фикрини эркин баён этилишига ва мустақил фаолият олиб боришига эътибор қаратилди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ўқувчилар машғулот давомида дафтар юритдилар (машғулотнинг яқунида умумий хулоса қилиш мақсадида), унда ўзларининг қизиқишлиари, мойилликлари, имкониятлари, қобилиятлари ва меҳнат бозорининг ўзлари танлаган касбга бўлган талаби ҳақида ёздилар. Дафтарда ўқувчиларнинг касблар олами ҳақидаги шаклланган тушунчалари ўрин олди. Дафтардаги маълумотнинг натижаси ўқувчининг касбий “Портрети”, касбий

танлови шаклланди. “Портрет” шартли равища бир нечта бўлимларга бўлдик.

Мен касбдан нима хоҳлайман (қўзланаётган манфаатлар рўйҳати), мен меҳнат бозори (*тандаган касбда*) учун нима қила оламан (*шахсий сифатларим ва хусусиятларим*), мен нима қилишим зарур (*меҳнат бозорининг талаблари қандай*). Мутахассисликни прогноз қилишда - ўқувчилар билим соҳасини ёки айнан ўзи тандаган касбни белгиладилар. Ўқувчилар дафтарларида машғулот давомида ёзилган маълумотлар маълум қисми касблар ахборотномаси (профессиограмма) ишлаб чиқишига ҳам асос бўлган бўлса, қолган қисми тегишли ҳолда илмий таҳлилни талаб этадиган ижтимоий, ижтимоий-психологик, шахсий-психологик тоифаларга бўлиш мумкин. Бу эса, келажакда изланишлар олиб боришга сабаб бўладиган қўшимча йўналишлар берди.

### **3.6. Ўқувчиларни касб-хунарни мустақил танлашга психологик-педагогик тайёрлигини аниқлаш услубияти**

Инсон фаолиятининг муваффақияти, кўп жихатдан, уни амалга оширишга тайёрлик даражасида аниқланади. Мактаб таълим мининг асосий мақсадларидан бири ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашдир. Мактабда берилаётган билим, қўникма ва малакалар ўқувчи ўзини англаши учун эмас балки, инсон ҳаётида меҳнатнинг аҳамиятини ҳамда ўзининг меҳнатидан қониқиши катта аҳамиятга эга эканлигини, оламда содир бўлаётган воқелик ва жамиятдаги ўз ўрни ҳақидаги тасаввурини шакллантиришдан иборат иборат бўлиши лозим.

Ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали касб танлашга тайёрлиги - мактабнинг касбга йўналтириш ишнинг натижасидир. Кўп жихатдан, “касбий муваффақият айнан касбни мустақил танлашга тайёрликда белгиланади”.

Шахснинг сифатлари ва хусусиятларининг жамланмаси ҳамда касбни мустақил танлашни шакллантириш мезонлари касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлик ҳисобланади.

Касб-хунарни мустақил танлашга психолого-педагогик тайёрликнинг умумий ҳолати ўқувчиларда, шахсий кизиқиши, мойиллик ва қобилиялари, касблар олами ҳамда меҳнат бозори ҳақидаги тасаввурлари асосида шаклланади. Психолого-педагогик тайёрликнинг тузилиши ўзида миқдорий ифодага эга бўлган учта *кўрсаткичларни*, шунингдек, касб-хунарни мустақил танлашнинг турли даражадаги, кенг қамровли ташхислашни назарда тутувчи сифатларини бирлаштиради.

*Билим кўрсатгичи*, касб-хунарни мустақил танлашда зарурий бўлган: инсон ҳаётида меҳнат роли ҳақидаги, ўз меҳнатидан қаноатланишнинг аҳамияти ҳақидаги, меҳнат билан бандликнинг ўзига хослиги ҳақидаги, касбда муваффақият эришиш ва касбий ўсиш истиқболлари ҳақидаги, касбларнинг ижтимоий талаблари ҳақидаги билимлар мажмуини тафсифлайди. Ўқувчилар қуидаги муҳим тушунчаларга эга бўлади:

- меҳнатни табиий эҳтиёж, шу билан бирга ҳаётнинг зарурий қисми сифатида тушунади;
- ўз меҳнатидан қониқишининг аҳамияти ҳақидаги тушунчага эга бўлади;
- касбни, шахснинг ўз қизиқишилари, мойиллиги, қобилияти ва истакларини ҳамда бугунги кундаги меҳнат бозорининг танлаган касб тури учун ижтимоий талабни, турли касбларнинг касбий муҳим сифатлари ҳақидаги ахборотларни тўғри таҳлил қилган ҳолда онгли равишда танланиши кераклиги ҳақида тушунчага эга бўлади;
- касбнинг хусусият ва чекловларини ҳамда иш шароитларини билади;
- турли касбларни эгаллаш имкониятлари ҳақида (қаерда ва қандай қилиб муайян соҳа мутахассиси бўлиш мумкилигини ўрганади) тушунчага эга бўлади;
- шахс сифатлар ва касбий истиқболли ўсиш нималигини англайди;
- жамиятнинг касбга бўлган талабининг хусусиятларини тушунади.

*Кўникума кўрсатгичи*, ўқувчининг ўзини-ўзи шахсий сифатларини ташхислаш, касбнинг муҳим сифатларни аниқлаш ҳамда шахсий

сифатларини касбнинг муҳим сифатлари билан солиштиришини тавсифлайди:

- шахснинг касбий муҳим сифатларини аниқлай олиш имконияти эга бўлади;
- методикаларни мустақил ўтказиш ва ташхислаш техникаси ҳақида тушунчаларга ҳамда уларни амалиётда фойдалана олиш кўникмасига эга бўлади;
- шахсий сифатларини касбнинг муҳим сифатлари билан солиштирган ҳолда, ўзининг касбий (жамиятга бўлган) эҳтиёжини баҳолай олади;

*Малака кўрсатгичи, ўқувчиликар ўзларининг хоҳишилари, жамиятнинг имкониятлари ва талабидан келиб чиқиб ижодий ёндошган ҳолда касб-хунарни мустақил танлай олишларини тавсифлайди, бу билан ўқувчиларимиз англаган ҳолда ижтимоий-фойдали касбий танловни амалга оширади:*

- муайян касб талабгорининг шахсий имкониятларини баҳолай олиш малакасига эга бўлади;
- касбий талабларга мос шахснинг имкониятларини таққослай олади;
- муайян касбий фаолият соҳасининг меҳнат бозоридаги эҳтиёжларига баҳо бера олади;
- касбий чидамлилик ва касбий муваффақиятни таҳлил қила олади.

Ўқувчиларнинг касб-хунарни мустақил танлашга психологик-педагогик тайёрлигининг умумий ҳолатини амалиётга жорий этилган маҳсус курс якунида олинган шаблон-сўровнома орқали аниқлаш мумкин. Сўровнома мазмунни қўйидагича:

## **СҮРОВНОМА**

**сўровнома умумий ўрта таълим мактабларининг 8 синф ўқувчиларида  
(махсус курсдан олдин ва кейин) ўтказилади.**

Вилоят, туман номи, мактаб ва синфингиз №\_\_\_\_\_

1) Темперамент деганда нимани тушунасиз? \_\_\_\_\_

2) Шахсий сифатлар – бу \_\_\_\_\_

3) Мотивация – бу \_\_\_\_\_

4) Касб – бу \_\_\_\_\_

5) Касб танлашда инсонда энг аввало нима бўлиши керак? \_\_\_\_\_

6) Касб, мутахассислик ва лавозим – бу сўзларнинг фарқи нимада? \_\_\_\_\_

7) Касблар типи нима ва унинг турлари нечта? \_\_\_\_\_

8) Мехнат бозори нима? \_\_\_\_\_

9) Касбий муҳим сифатлар – бу \_\_\_\_\_

10) Тиббий монеликлар (чекловлар) – бу \_\_\_\_\_

## **СҮРОВНОМА**

**сўровнома умумий ўрта таълим мактабларининг 9 синф  
ўқувчиларида (махсус курсдан олдин ва кейин) ўтказилади.**

Вилоят, туман номи, мактаб ва синфингиз №\_\_\_\_\_

- 1) Темперамент деганда нимани тушунасиз? \_\_\_\_\_
- 2) Қобилият – бу \_\_\_\_\_
- 3) Коммуникатив ва ташкилотчилик - бу \_\_\_\_\_
- 4) Шахс сифатлари - бу \_\_\_\_\_
- 5) Шахс мотивлари - бу \_\_\_\_\_
- 6) Касб турлари - бу \_\_\_\_\_
- 7) Касбий муҳим сифатлар – бу \_\_\_\_\_
- 8) Профессиаграмма - бу \_\_\_\_\_
- 9) Таълим тизими ва турлари дегани нима? \_\_\_\_\_

Касбга йўналтириш ишлари бир марталик жараён эмас, балки бутун ўқув йили давомида ташкил этиладиган тизимли иш бўлиши лозим. Ўқувчилармиз ўзларининг қизиқиши, мойиллик каби қобилиятларини, яъни шахсий сифатлари ҳақидаги маълумотларга эга ҳолда касблар олами билан танишиб касб танлашлари меҳнат бозори инфратузилмасини ривожланишига катта хисса қўшади.

Касб-хунарни танлашга психологик-педагогик тайёрлик даражасини аниқлаш муҳим меъёр ҳисобланиб, аввалроқ олинган миқдорий кўрсатгичлардан тайёрликни тасдиқлаш мумкин бўлади. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, мазкур кўрсатгичларни аниқлашда ўзини-ўзи баҳолаш методидан фойдаланилади, бу эса яна аниқ натижаларга эришиш учун комплекс тажриба ишларини олиб боришни талаб этади.

Юқори синф ўқувчиларини касб-хунарни мустақил танлашга психологик-педагогик тайёрлик даражасини қўйидаги сўровнома орқали аниқлаш мумкин:

### **Касб-хунарни мустақил танлашга психологик-педагогик тайёрликни аниқлаш сўровномаси**

Йўриқнома: Азиз ўқувчилар! Сиз маҳсус курсда машғулотида ўзлаштирган маълумотингиздан келиб чиқиб, қуйида берилган саволларга жавобингизни дафтарингизга ёзишингиз сўралади.

| <b>№</b>                | <b>Касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлик кўрсаткичлари</b>                               |
|-------------------------|--|
| <b>БИЛИМ КЎРСАТКИЧИ</b> |  |
| <b>1</b>                | Сизнинг фикрингизча, нима учун меҳнат инсон учун зарур?                                    |
| <b>2</b>                | Меҳнатдан қониқиши ҳисси нима. Сиз ўз меҳнатингиздан қониқиши ҳис қилганмисиз?             |
| <b>3</b>                | Касб-хунар танлашда энг аввало инсонда қандай жиҳатлари бўлиши керак?                      |
| <b>4</b>                | Қайси касбнинг “муҳим сифатларини” биласиз?  |
| <b>5</b>                | Сиз танлаган касбни эгаллаш учун қаерда (қайси АЛ/КҲК ёки ОТМ ёки бошқа ТМда) ўкиш мумкин? |

|                           |   |
|---------------------------|---|
| <b>6</b>                  | Касбий муваффақиятга эришиш учун нима қилиш керак?  |
| <b>7</b>                  | Сизнинг фикрингизча, ҳозирда қайси касб “машхур”, лекин даромади кам ёки “машхур” эмас, лекин сердаромад? |
| <b>КҮНИКМА КҮРСАТКИЧИ</b> |   |
| <b>8</b>                  | Бўлажак касбингиз “касбий муҳим сифатлари”ни санаб ўтинг  |
| <b>9</b>                  | Шахснинг сифатларни қайси йўл билан аниқлаш мумкин?   |
| <b>10</b>                 | Сиз танлаган касб шахсга қандай талаблар қўяди. У сизнинг шахсий сифатларингиз мосми?                     |
| <b>МАЛАКА КҮРСАТКИЧИ</b>  |   |
| <b>11</b>                 | Бўлажак касбингизни эгаллаш учун сизда қандай шахсий имкониятларингиз бор ёки бўлиши керак?               |
| <b>12</b>                 | Шахсий имкониятиларингиз касбнинг талабларига мосми? Мос бўлмаса нима қилиш зарур?                        |
| <b>13</b>                 | Сизнинг бўлажак касбингизга меҳнат бозорида эҳтиёж борми?   |
| <b>14</b>                 | Бўлажак касбингизда муваффақиятга эришиш учун нима қилишингиз керак? Нима қилишга тайёрсиз?               |

Кўрсаткичлар бўйича баҳолашда касб-хунарни танлашга психологик-педагогик тайёрликни учта даражага ажратиш мумкин.

Паст даража. Агар ўқувчи, касблар олами ҳақида тасаввурга эга бўлса ва муайян касб эгаларининг шахс сифатларини ажратা олса, лекин муайян касбнинг талаблари уларнинг касб танлаши учун ҳал қилувчи сифат бўлиб ҳисобланмаса, шу билан бирга уларда касбий қизиқиш паст ёки йўқлиги аниқланса ҳамда касбий танлов тасодифий бўлса, у ҳолда ўқувчиларнинг касб-хунарни танлашга тайёрлиги *past daражада* деб ташхис қўйиш мумкин бўлади.

Ўртacha даража. Агар ўқувчи, шахснинг касбий муҳим сифатлари ҳақида аниқ фикрга эга бўлса, ташхислаш методикаларини билса ва ўзининг шахсий сифатларини ташхислай олса, муайян касбнинг талаблари билан шахсий имкониятларини солиштира олса, лекин ўқувчилар, ўзининг танловини жамиятнинг талабини муҳим параметр деб ҳисобламаса, шу билан бирга ўртacha касбий қизиқишга эга бўлса, касбий қизиқиш барқарор бўлмаса, касб танлашда жамиятнинг эҳтиёжи ва иш билан таъминланиш имкониятини

хисобга олмаса, у ҳолда ўқувчиларнинг касб-хунарни танлашга тайёрлиги ўрта даражада деб ташхис қўйиш мумкин бўлади.

Юқори даража. Агар ўқувчи, касблар ва касбнинг муҳим сифатлари ҳақида тушунчаларга эга бўлса, ташхислаш методикаларини ўзлаштирган ҳамда ўзининг шахсий сифатларини аниқлаб, касбий муҳим сифатлар билан солиширига олса, ўзини касбга яроқлилигини баҳолай олса, касбий танловида жамиятнинг эҳтиёжини хисобга олса, шу билан бирга юқори касбий қизиқишига эга бўлса, ижтимоий ва фойдали танлов қилишга тайёр бўлса, у ҳолда касб-хунарни танлашга тайёрлиги *юқори даражада* деб ташхис қўйиш мумкин бўлади.

Ушбу сўровнома орқали ўқувчиларда касбий қизиқиши ортганини аниқлаш мумкин. Ўқувчиларда барқарор касбий қизиқиши даражасининг янада ошиши учун, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини ижодий ва интелектуал фаолиятдаги касбларни танлашга йўналтириш лозим.

Шундай қилиб, мактабнинг юқори синф ўқувчиларини касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлашнинг технологияси ўқувчилар томонидан касб-хунарни мустақил, англанган ва шахснинг қизиқиши, мойиллик, имкониятларини эътиборга олган ҳолда ҳамда жамиятнинг эҳтиёжларига мос ҳолда танлашга имкон берди.

## ПРОФЕССИОГРАММА

### Advokat yordamchisi kasbi



#### Kasb haqida umumiyyatli ma'lumot:

Yuridik masalalarda yordamga ehtiyoji bo'lgan shaxslarga maslahat beradi; qonunni, qonunosti hujjatlarni, xuquqiy-me'yoriy hujjatlarni o'rGANISH va ularni amaliyotda qo'llagan holda ish yuritadi; yuridik hujjatlar, shartnomalarni rasmiylashtiradi; qonuniylikni nazorat qiladi.

**Kasb tipi:** Odam – Odam.

#### Bilim, ko'nikma, malaka :

Huquqshunoslik, tarix, iqtisodiy bilim asoslari, informatika va axborot texnologiyalari, chet tillar fanini; O'zbekiston Respublikasi Qoninlari, barcha kodekslar va protsetsual kodeklarni bilish, hujjatlarning xuquqiy-me'yoriy asoslarini bilish; prokuratura, sud departamenti, suf ijrochisi, advokat, yuristkonsultant faoliyati bilan bog'liq hujjatlar va uni yuritish tartibini bilish;

#### Kasbiy muhim sifatlar:

Mantiqiy va tahliliy fikrlash; yuqori rivojlangan diqqat-e'tibor; ko'ndirish qobiliyatining rivojlanganligi; muloqotchanlik; muloqot olib borish qobiliyatning bo'lishi; hujjatlarni tahlil qila olish qobiliyati; tez qaror qabul qilish qobiliyati; mas'uliyatlilik; kuchli va tezkor xotira.

#### Shaxsiy fazilatlar:

- tashkilotchilik;
- muloqotchanlik;
- o'ziga ishonish;
- xaqqoniylik va tartiblilik;
- javobgarlik hissining yuqoriligi;
- chidamlilik.

Professiogrammani @professiogramma (telegram bot)dan olish mumkin.  
Tuzuvchi: Pedagogika fanlari falsafa doktori Abdurashid Abdumannoovich Turg'unov

## **Advokat yordamchisi kasbi**

### **Ishlash sharoiti:**

Xona (ba'zida tashki muhit) sharoitida; yuqori ijtimoiy muloqotda; hujjatlar bilan ishlash sharoiti, sabr-toqat, diqqat va kuchli xotira talab etadigan ish; ish tartibi – kunlik; yakka tartibdagi (ish hajmiga qarab) ish sharoitidagi faoliyat.

### **Tibbiy monelik (cheklovlar):**

Bo'g'im kasalliklari; rangni ajrata olmaslik; ko'rishning pastligi; xotiraning pastligi; asab va ruhiy kasalliklar; umurtqa pog'onasi kasalliklari; harakat tizimi kasalliklari.

### **Ishlashi mumkin bo'lgan joylar:**

Kasbni egallagan barcha kichik mutaxassislar barcha turdag'i (mulkchilik shaklidan qat'iy nazar) korxona va tashkilotlarda yuristi, advokat yordamchisi; fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd qilish inspektori; notarial idoralar kotibi, huquqbazarlikni oldini olish inspektori; voyaga yetmaganlar bilan ishlash inspektori; Sud ijrochisi; Sud majlisi kotibi; yuriskonsult yordamchisi sifatida mehnat faoliyatlarini olib borishlari mumkin bo'ladi.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

Норматив-хуқуқий хужжатлар ва методологик аҳамиятга эга нашрлар

- 1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда.
- 2 Ўз. Респ. Халқ таълими вазирлигининг 2007 йил 5-февралдаги "Умумтаълим мактабларида узлуксиз касб-хунарга йўналтириш Дастирини амалга жорий этиш тўғрисида"ги 35-сон буйруғи.
- 3 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 октябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 868-сон Қарори
- 4 Мирзиёев Ш.М. Танқидий тахлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 104 б.
- 5 Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 488 б.
- 6 Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.- 592 б.

Илмий-назарий нашрлар

- 7 Жўраев Р.Х., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С. Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни касб-хунар йўналтиришнинг илмий-педагогик асослари. Монография. -Т.:ФАН. 2004. 120 б.
- 8 Муслимов Н.А., Муллахметов Р.Г. Касб танлашга йўллаш. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ЎзРОЎМТВ, 2007.

- 9 Ш.С.Шарипов, К.Давлатов, Г.С.Насриддинова. Касбга йўналтиришнинг илмий-педагогик асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2007. 146 б.
- 10 С.Х.Жалилова, Ф.И.Хайдаров, Н.И.Халилова. Касб психологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2010.
- 11 Турғунов А.А. Мамлакатни модернизациялаш шароитида юқори синф ўқувчиларини касб-хунарни мустақил танлашга тайёрлашнинг ташкилий-педагогик тизимини такомиллаштириш. Пед.ф.ф.д. (PhD) дисс. – Нукус, 2018.
- 12 Асамова Р.З., Ғозиев Э. Касб психологияси. –Т., 2000. – 36 б.
- 13 Гриншпун С.С. «Академия X»: подготовка американских школьников к жизни и труду // Педагогика. – 2006. – №4. – С.103-108
- 14 Джураев Т. Ёшларни касб-хунарга йўналтириш тизимини янада ривожлантириш истиқболлари ва вазифалари. Ж. Мактаб ва ҳаёт. 2005, №7.
- 15 Жалолов А. Касбга қандай тайёрланади. – Т.: Янги аср авлоди, 2010.
- 16 Зеер Э.Ф. Психология профессионального развития: учебное пособие. - М.: Академия, 2009. - 240 с.
- 17 Ш.Э.Неъматов, Ў.О.Тоҳиров, Г.Т.Ядгарова, Н.Ташбаев. “Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш орқали умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими узвийлигини таъминлашнинг назарий-методологик асослари”. – Тошкент: ЎзПФТИ босмахонаси, 2015. – 152 бет.
- 18 Кичик мутахассисларнинг профессиограммалари тўплами: Тўплам / Муаллиф - туз.. М.М.Холмухамедов. –Тошкент, 2016. – Б. 105.
- 19 Муҳамметов Р.Г. Касбга йўналтиришнинг тарбиявий аҳамияти // Мактаб ва ҳаёт. – 2007, № 2. – Б. 2.
- 20 Pedagogik mahorat. Darslik / A.A.Xoliqov; O'zR Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2011, -420 b.

- 21 Тюшев Ю.В. Выбор профессии: тренинг для подростков. – СПб.: Питер, 2006. – 160 с.
- 22 Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда қўлланиладиган психолого-педагогик ташхис методикалари: Методик қўлланма / т.ф.н, доцент Ш.Эргашевнинг умумий таҳрири остида нашр қилинган. – Тошкент, 2006. – 42 Б.
- 23 Усмонова Э.З. Ўқувчиларда мустакил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин? – Т.: ТДПУ, 2000. – 78 б.
- 24 Худойназаров Т.А. Шарқ алломаларининг ёшларни касб-хунарга йўналтириш тўғрисидаги мулоҳазаларининг бугунги кундаги ўрни. Ж. Мактаб ва ҳаёт. 2004. №2.
- 25 Ходжабаев А.Р., Ҳусанов И.А. Касбий таълим методологияси.- Т.: Фан ва технология, 2007.- 192 б.

Электрон ахборот ресурслари

[www.eLibrary.ru](http://www.eLibrary.ru)

[www.jstor.org](http://www.jstor.org)

[www.lex.uz](http://www.lex.uz)

[www.metod.uz](http://www.metod.uz)

[www.oak.uz](http://www.oak.uz)

[www.tashxis.uz](http://www.tashxis.uz)

[www.uis.unesco.org](http://www.uis.unesco.org)

[www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz)

[www.bam.uz](http://www.bam.uz)

